

№1 (12)  
Январь-Март  
**20  
21**



ISSN 2181-0567  
ISSN 2181-1830

# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА:  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:  
ANALYSIS AND FORECASTS

«Демократик ислоҳотлар сари йўл – биз учун  
яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир».

Ш.МИРЗИЁЕВ



Журнал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қискартириш вазирилиги билан хамкорликда нашр этилмоқда

ISSN 2181-0567





«БУГУНГИ МУРАККАБ ШАРОИТДА ЮРТИМИЗДА  
БОШЛАНГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИ  
ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ САРИ ТАШЛАЁТГАН ДАДИЛ  
ҚАДАМЛАРИМИЗНИНГ БАРДАВОМ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ  
ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИШИ ШАРТ».

«ҲАЁТ ОЛДИМИЗГА ЯНА ҚАНЧА СИНОВ ВА МУАММОЛАРНИ  
ҚЎЙИШИ МУМКИН ВА БИЗ ҲАР ҚАНДАЙ ҲОЛАТГА ТАЙЁР  
ТУРИШИМИЗ ЗАРУР. ЛЕКИН ҚАНЧАЛИК ҚИЙИН ВА  
МУРАККАБ БЎЛМАСИН, ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР  
ЙЎЛИДАН ҲЕЧ ҶАЧОН ОРТГА ҶАЙТМАЙМИЗ. ОЛДИНГА,  
ФАҚАТ ОЛДИНГА ҚАРАБ БОРАМИЗ. ВА БИЗ БУНГА ҲАР  
ТОМОНЛАМА ҚОДИРМИЗ. ЧУНКИ БУГУНГИ ХАЛҚИМИЗ –  
КЕЧАГИ ХАЛҚ ЭМАС. БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМ – КЕЧАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЭМАС»

«ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, ЎЗ КУЧИМИЗ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА  
БЎЛГАН ИШОНЧ БИЗНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС  
ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДЕК ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА  
БИРЛАШТИРИБ, ЯНАДА КУЧЛИ ВА МУСТАҲКАМ ҚИЛМОҚДА.  
БУ ИНТИЛИШЛАР УЛКАН АМАЛИЙ ИШЛАРГА АЙЛАНИБ,  
БУЮК ХАЛҚ ҲАРАКАТИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.  
БУНДАЙ ҚУДРАТЛИ САФДА БЎЛИШНИНГ ЎЗИ КАТТА БАХТ,  
КАТТА ШАРАФДИР»



# IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGOZLAR

ЭКОНОМИКА:  
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:  
ANALYSIS AND FORECASTS

№ 1 (12)  
Январь-март 2021

## ТАҲРИР ҲАЙҖАТИ:

**Ж.Кўчкоров** – Иқтисодий тараккӣ ва камбагалликни кисқартириши вазири, таҳрир ҳайъати раиси

**И.Норқулов** – Иқтисодий тараккӣ ва камбагалликни кисқартириши вазирининг биринчи ўринбосари, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари

**З.Халдаров**, PhD – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари

**Т.Ахмедов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти директори ўринбосари – Илмий марказ директори

**О.Олимжонов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти бўлим бошлиги

**Д.Курбанова**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти Илмий котиби

**С.Чепель**, и.ф.д. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими

**Р.Хасанов**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиха раҳбари

**Д.Муинов**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиха раҳбари

**Д.Каримова**, и.ф.д., проф. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиха раҳбари

**Т.Муминов**, PhD – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиха раҳбари

**Н.Расулов**, и.ф.н., доц. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти бош илмий ходими

**Н.Ибрагимова**, PhD, доц. – Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти лойиха раҳбари

**Ё.Файзуллаев**, и.ф.н. – Иқтисодий тараккӣ ва камбагалликни кисқартириш вазирлиги бўлим бошлиги

## ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир – **О. Олимжонов**

Масъул муҳаррир – **А. Юлдашев**

Техник муҳаррир – **И. Одашев**

Компьютер графикаси дизайнери – **И. Сайдов**

Нашр учун масъул – **Н. Примов**

Журнал Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоғи этиш тавсия этилган илмий нашрлар ва Россия Федерациясининг илмий иқтибос индекси (РИНЦ) рўйхатига киритилган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига 2019 йил 17 октябрда 1043-сонли гувоҳнома бўйича рўйхатга олинган.

Босма ISSN 2181-0567; Электрон ISSN 2181-1830.

Формат 84/60, 1/8, 17 б.т.

Чоп этишга 03.31.2021 йилда рухсат этилди.

Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi» АҚ обуна каталогидаги индекси – 1360.

Журнал уч ойда бир марта чоп этилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Iqtisodiyot: tahlillar va progozlar» журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин. Мақоладаги далилларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар шахсан масъул.

Такдим қилинган мақолалар тақриз қилинмайди ва муаллифа қайтарилмайди.

## Таҳририят манзили:

100000, Тошкент ш., Навоий қўчаси, 30. Тел.: (+998 71) 244-01-77. E-mail: info@ifmr.uz

Тарқатиш бўлими телефони: (+998 71) 244-01-77

## Мундарижа / Содержание / Content

### **МУҲАРРИР МИНБАРИ**

**Жаҳон стандартлари даражасида ишлаш – давр талаби!.....4**

*Дилдора КАРИМОВА.*

**Методология и критерии оценки бедности: зарубежная и отечественная практика.....5**

*Рахматулла ЭРГАШЕВ, Анвар ҚОБИЛОВ.*

**Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш истиқболлари.....12**

*Рустам ХАСАНОВ.*

**Камбағаллик муаммоси: моҳияти ва омиллари.....19**

*Сергей ЧЕПЕЛЬ.*

**Развитие методических основ оперативного анализа и прогнозирования как предпосылка цифровой трансформации системы управления экономикой.....24**

*Сайидфозил ЗОКИРОВ.*

**Янги иқтисодий география: назария ва амалиёт.....33**

*Тоштемир БЕРДИЕВ.*

**Англо-Американ моделига асосланган корпоратив бошқарувнинг амалдаги ҳолати  
(HSBC Holdings Public Limited Company банки мисолида).....37**

*Милена ЗАГРЕБЕЛЬСКАЯ.*

**Состояние и тенденции развития логистики и цепей поставок в Узбекистане.....43**

*Нилуфар САФАРОВА.*

**Камбағалликни қисқартиришда ижтимоий-иктисодий омиллар таъсирининг таҳлили....48**

*Bunyod KARIMOV.*

**Tadbirkorlarning xususiy mulkining huquqiy asoslari: xorijiy mamlakatlar tajribasi.....53**

*Суҳроб МАХМУДОВ.*

**Тузилмавий ўзгаришлар орқали минтақалар иқтисодий ўсишини таъминлаш.....59**

*Баходир ХУСАНОВ.*

**Системный подход к использованию элементов социального обеспечения.....70**

*Дарья ИЛЬИНА.*

**Либерализация экспорта и расширение поддержки экспортёров плодоовощной продукции  
в 2017-2021гг. ....78**

---

<i>Шахноза ЛАТИПОВА.</i>	
<b>Лизинг бозорида сукукнинг аҳамияти ва истиқболлари.....</b>	<b>82</b>
<i>Дилдора ИБРАГИМОВА.</i>	
<b>Трансформация транспортной системы Узбекистана.....</b>	<b>90</b>
<i>Хадича КАДИРОВА.</i>	
<b>Перспективы развития и совершенствования регионального финансового рынка Наманганской области в сфере принятия концепции его развития.....</b>	<b>103</b>
<i>Зуфар НУРИДДИНОВ, Татьяна БУРЦЕВА, Фазлиддин НАСРИДДИНОВ.</i>	
<b>Худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолаш.....</b>	<b>109</b>
<i>Жавохирбек ШЕРАЛИЕВ, Элёр СУННАТУЛЛАЕВ.</i>	
<b>Коронавирус пандемияси даврида сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташки савдо соҳасига таъсирі.....</b>	<b>117</b>
<i>Мухтар СУННАТОВ.</i>	
<b>Интеллектуал мулкни шакллантиришнинг ижтимоий-иктисодий ҳусусиятлари.....</b>	<b>126</b>
<i>Дилафруз МУХСИМОВА.</i>	
<b>Факторный анализ экономического роста.....</b>	<b>134</b>
<b>АЖДОДЛАРИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИ</b>	
<i>Одил ОЛИМЖОНОВ.</i>	
<b>“Буюк Темур”ми ёки “Амир Темур?” .....</b>	<b>140</b>

---

## МУҲАРРИР МИНБАРИ

## Жаҳон стандартлари даражасида ишлаш – давр талаби!

**“Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar”** журнали мамлакатимизда 2016 йилдан бошланган янги иқтисодий сиёсатнинг моҳияти, устувор йўналишлари, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида юз берадиган ўзгаришлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш, иқтисодий таҳлиллар, ижтимоий – иқтисодий тараққиётни прогноз қилиш бўйича мақолалар чоп этишга ихтинослашган. Журнал **Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар ва Россия Федерациисининг илмий иқтибос индекси (РИНЦ)** рўйхатига киритилган.

Айни пайтда журалимиз рейтинги юқори хорижий илмий журналлар билан алоқаларни йўлга қўймокда. Масалан, Россия Илмий иқтибос индекси рўйхатига киритилганлиги туфайли журалимизда берилган мақолаларни эндиликда 6000 дан ортиқ рус жураалларидан фойдаланувчи олим ва мутахассислар ҳам кўриб боришларига имконият яратилди. Якин келажакда журалимизда эълон қилинган мақолалар билан узок хорижий илмий даргоҳларнинг олимлари ҳам танишиб бориш имкониятини яратиш устида ишламоқдамиз. Бунинг учун журалимизда мақола чоп этмоқчи бўлган муаллифлардан илтимосимиз шуки, мақолаларингизни айнан, рейтинги юқори бўлган хорижий журналлар талабларига мувофиқ мазмун ва шаклда тайёрлашингиз сўралади. Шу боисдан мақолаларга қўйилган талабларни сизларнинг ихтиёригизга ҳавола этамиз.

**Мақоланинг мазмунига қўйиладиган талаблар.** У илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарб бўлиши, мавзунинг ёки унинг очиб берилишининг янгилиги, матн аниқ ва равон баён этилиши лозим. Мақолада мавзу ёки муаммо бўйича чукур таҳлил қилиш, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқ кўрсатиб бериш, муаммони бартараф этиш бўйича асосланган хулоса ва таклифлар тайёрлаш тавсия этилади. Унда илмий янгилик албатта бўлиши ёки мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича муаллиф янгича ёндашувлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

**Мақолани баён этиш шакли ҳам айнан жаҳоннинг нуфузли илмий журналлари талабларига мос келиши керак.** Аннотация ва калит сўзларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлашдан мақсад ҳам хорижий олимларнинг журалимиз мундарижасига кириб, мақолаларнинг аннотациялари билан танишиш орқали ўзларига қизиқарли мақолаларни ажратиб олишлари учун жорий этилмоқда. Демак, хорижлик олим журалимиз сайтига кириб, танлаб олган мақоласи билан танишиш имкониятини яратиш устида ишлайпмиз.

### Шу боис мақолалар шакли қўйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

1. *Мақоланинг матни Word 2013 версиясида тайёрланниши.*
2. *Шрифт – Times New Roman, 14 шрифт кегели (ўлчами) бўлиши.*
3. *Сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши.*
4. *Мақоланинг тузилиши қўйидагича бўлиши керак: аннотация (50 тагача сўз), калит сўзлар (20 тагача) ўзбек, рус, инглиз тилларида), кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган манба ва адабиётлар.*
5. *Манба ва адабиётлар мақоланинг охирида берилади, улар алифбо бўйича эмас, матн ичida келтирилган мартиби бўйича кўрсатилиши керак.*
6. *Мақоланинг ҳажми 15 бетгача, А4 форматида берилади.*
7. *Мақола номи, муаллиф(лар)нинг исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилши, мобиль телефон, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.*
8. *Универсал ўнталик классификация (УЎК) рақами таҳририят томонидан қўйилади.*
9. *Мақолаларни E-mail: info@ifmr.uz* электрон почта орқали ҳам юбории мумкин.
10. *Мақолалар маҳсус дастур орқали кўчирмакашиликка қарши текширилади. Матннинг оригиналлиги 80 % дан кам бўлган мақолалар қабул қилинмайди.*

Мана шу вазифани тўлақонли бажара олсак, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев томонидан мамлакатимизнинг барча жабҳаларини жаҳоннинг энг илғор давлатлари даражасига олиб чиқиш бўйича қўйилган улкан вазифанинг журалимиз ва илмий мақолаларга тегишли бўлган қисмини бажарган бўламиз! Бунинг учун ҳаммамиз биргалашиб ҳаракат қилишимиз лозим бўлади.

**Сизларга чуқур ҳурмат билан,  
журнал бош мухаррири**

**Одил ОЛИМЖОНОВ**

УУК: 339.97

**Дилдора КАРИМОВА,**  
*доктор экономических наук,  
руководитель проекта Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований,  
e-mail: dmkarimova@mail.ru*

## **Методология и критерии оценки бедности: зарубежная и отечественная практика**

Измерение бедности имеет особую актуальность в связи с реализацией национальных целей и задач устойчивого развития Узбекистана на период до 2030 года, где предусмотрено повсеместное сокращение уровня бедности населения. Мониторинг эффективности достижения этой цели требует совершенствования существующих методов оценки, а также разработки новых критериев, актуальных и сопоставимых на национальном и международном уровнях.

В международной методологии отсутствует единое понятие категории бедности. Обобщая многочисленные научные школы и работы ученых можно сформулировать следующее определение: бедность – это такое экономическое положение семьи (индивидуума), когда не хватает ресурсов (материально-финансовых и нематериальных) для поддержания минимальных потребностей семьи.

В мировой практике различают абсолютную, относительную, субъективную и многомерную бедность. Абсолютная бедность понимается как нехватка ресурсов для удовлетворения основных потребностей человека, семьи (в питании, одежде, жилище). При этом критерием измерения бедности являются доходы, а чертой (порогом) бедности – стоимость минимальной потребительской корзины.

Впервые методика расчета порога абсолютной бедности была предложена в конце XIX века, где черта бедности определялась исходя из минимально необходимого набора товаров первой необходимости (пища, жилье и одежда). В другом случае порог бедности определяется на основе доли расходов на продукты питания в общих потребительских расходах населения (коэффициент Энгеля). Мониторинг жизненного уровня населения разных стран мира позволил выявить следующую зако-

номерность: если коэффициент Энгеля составляет 60%, то данная страна относится к категории бедных; 50-60% - едва удовлетворены потребности; 40-50% - со средним уровнем благосостояния; 30-40% - сравнительно богатое население; 20-30% - страна с состоятельным населением; 20% и меньше - чрезмерно зажиточное общество.

Для оценки уровня абсолютной бедности стоимость минимальной потребительской корзины как порога бедности определяется нормативным и нормативно-статистическим методами. Согласно нормативному методу нормы потребления устанавливаются по всем продуктам питания, непродовольственным товарам и услугам, входящим в потребительскую корзину. По нормативно-статистическому методу по нормам рассчитывается лишь продовольственная часть, а непродовольственная часть определяется исходя из доли расходов на непродовольственные товары и услуги в структуре расходов малообеспеченного населения (по данным бюджетных обследований домохозяйств).

Продовольственная черта бедности удобна для расчета и во многих странах служит критерием для включения семей или индивидуумов в программы социальной поддержки и помощи. Вместе с тем в странах с высоким уровнем неформального сектора экономики использовать доходы населения в качестве критерия измерения бедности затруднительно. В таких случаях используются показатели потребительских расходов или потребления.

По мере нарастания различий в стоимости жизни во всем мире рассчитывается международный уровень абсолютной бедности, который периодически обновляется. Показатель оценивает уровень бедности во всех странах на основе единого стандарта. Методология расчета международного уров-

ня абсолютной бедности, разработанная Всемирным банком в 1990 году, основана на национальных уровнях бедности в наиболее бедных странах мира и с их преобразованием в единую валюту с использованием валютных курсов и паритета покупательной способности (ППС). Валютные курсы на основе ППС рассчитываются для того, чтобы цена того же количества товаров и услуг была эквивалентной во всех странах. Пересчет в единую валюту в шести из этих беднейших стран выявил для всех этих стран уровень бедности около 1 доллара США на человека в день. Этот показатель был принят в качестве основы для первого международного показателя уровня бедности. Такой же пересчет в 2005 году на основе 15 беднейших стран определил уровень бедности в 1,25 доллара США на человека в день. С октября 2015 года международный уровень бедности повышен до 1,90 доллара США. Учитывая специфику и этапы развития, для «стран с уровнем дохода ниже среднего» черта бедности устанавливается в 3,2 доллара в день и для «стран с уровнем дохода выше среднего» - 5,5 доллара в день [1].

В развитом обществе, как правило, среднемесячные доходы граждан превышают стоимость минимальной потребительской корзины в несколько раз. Тогда согласно концепции абсолютной бедности, бедность в таких обществах отсутствует, что требует использования других концепций измерения бедности. В частности, относительная бедность определяется как неспособность жить по стандартам конкретного общества. Например, в европейских странах бедным считается человек с доходом меньше 60% медианного дохода по стране. То есть для измерения уровня относительной бедности в качестве черты бедности используется средняя арифметическая или медиана среднедушевого дохода (или расхода) населения в стране, а критерия – среднедушевые доходы отдельных слоев населения.

Другим подходом для измерения бедности служит оценка населения собственного материально-финансового состояния, возможностей платить за жилье и т.д. на базе субъективной черты бедности. Оценки не основываются на каких-либо абсолютных стандартах или средних показателях среднедушевых доходов по стране.

Достаточное количество денег – это важнейшее условие для безбедной жизни, но не единственное. Домохозяйство может иметь средний доход, но при

этом иметь ограниченный доступ к питьевой воде, природному газу, не иметь доступа к некоторым услугам здравоохранения и образования, достойной работе, жить в местности с неблагоприятной экологией. В этом случае человек лишен доступа к определенным ресурсам и возможностям. Этот подход удобен в условиях отсутствия полных данных по доходам и потреблению, которые сложно собрать ввиду преобладания неформального сектора экономики.

Измерения индекса многомерной бедности (ИМБ) по методу Алкире-Фостера используется в наименее развитых странах в связи с отсутствием достоверных данных по доходам и потреблению ввиду преобладания неформального сектора экономики. В этом случае расчеты включают в себя индикаторы и депривации (лишения) в сферах, например, образование, здоровье и условия жизни.

**Пересчет в единую валюту в шести из этих беднейших стран выявил для всех этих стран уровень бедности около 1 доллара США на человека в день. Этот показатель был принят в качестве основы для первого международного показателя уровня бедности. Такой же пересчет в 2005 году на основе 15 беднейших стран определил уровень бедности в 1,25 доллара США на человека в день. С октября 2015 года международный уровень бедности повышен до 1,90 доллара США. Учитывая специфику и этапы развития, для «стран с уровнем дохода ниже среднего» черта бедности устанавливается в 3,2 доллара в день и для «стран с уровнем дохода выше среднего» - 5,5 доллара в день.**

Работа по определению индекса многомерной бедности проводится в несколько этапов. Вначале определяют целевую группу – семья, индивид, уязвимая группа населения (инвалиды, сироты, одинокие престарелые, безработные и т.д.). Потом области измерения – здоровье, образование, усло-

вия проживания. Затем по отобранным направлениям выбирают наиболее характерные индикаторы (например, для оценки по категории «здоровье» - питание, детская смертность, «образование» - охват обучением, продолжительность обучения, «условия жизни» - доступ к электричеству, питьевой воде, канализации, топливу/природному газу, владение активами, состояние жилья). Проводятся выборочные опросы целевых групп с вопросами, характеризующими лишения по каждому индикатору. По результатам расчетов индивид находится на границе бедности, если сводный индекс составляет от 20% до 30%; считается бедным, если индекс составляет 30% и более; и крайне бедным, если – 50% и более. В отличие от монетарных методов многомерная бедность охватывает аспекты жизни населения, которые не поддаются оценке в других подходах.


Подходом, основанным на комплексном изучении бедности, является методика, оценивающая эффективность борьбы с бедностью с помощью полевых исследований [2]. Многофакторная оценка положения бедных (питание, образование, здоровье, социальная поддержка и т.д.) и причин бедности, приоритизация мер по борьбе с бедностью в определенной последовательности, апробация этих мер на уровне конкретной семьи, населенного пункта, региона и страны и, конечно, мониторинг изменения положения бедных в результате оказываемой помощи – вот суть представленного подхода. Первое требование ученых – общение с бедными и оценка востребованности и эффективности существующих программ помощи бедным. Например, выявленная проблема многих бедняков в недостатке питательных веществ, а не в нехватке калорий в рационе питания, опровергла эффективность программ продовольственной помощи. Важно отметить рекомендации ученых относительно необходимости изучения психологического климата в бедных семьях.

Все вышеизложенные подходы протестированы с учетом условий Узбекистана. Так, уровень абсолютной бедности оценен в 2001 году по методологии Всемирного банка по критерию потребления продуктов питания 2100 ккал/день. По результатам обследования 10 тысяч домохозяйств этот показатель составил 27,5%. За период 2001-2019 годы показатель сократился до 11% (рис.).

Для измерения уровня бедности в Узбекистане используется международная (глобальная) черта

бедности. По оценкам Всемирного банка с участием 4000 домохозяйств по всей территории страны уровень бедности, основанный на международной черте бедности 3,2 долл. в день в 2018 году составил 9,6%, при черте бедности 5,5 долл. в день – 36,6% населения [3].

В региональном разрезе относительно высокий уровень бедности, по критерию 3,2 долл. в день на человека, в 2018 году наблюдался в Самаркандской, Сурхандарьинской, Сырдарьинской, Андижанской областях и Республике Каракалпакстан.



**Рис. Динамика уровня бедности  
в Узбекистане, %**

**Источник:** данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике

Прогноз тенденций изменения уровня бедности по международной черте бедности 3,2 долл. в день за последние два года показал, что к началу 2020 года, до пандемии COVID-19, уровень бедности в стране снизился приблизительно до 7,4% граждан. Однако по причине экономического кризиса, спровоцированного пандемией, уровень бедности в стране вновь увеличился, и уже в июле число бедных вновь возросло, достигнув 9,8% населения. Дополнительно 900 тысяч человек пополнили ряды бедных. Это было преимущественно связано с падением уровня доходов от трудовой деятельности и сокращением объемов денежных переводов со стороны трудовых мигрантов своим семьям в Узбекистане [4].

Если сравнивать ситуацию с другими государствами региона, текущий уровень бедности по международной черте бедности 3,2 долл. в день в Узбекистане ниже, чем в Таджикистане и Кыргызстане (14,5% и 21% соответственно), но значительно выше, чем в Казахстане (менее 1%).



В Узбекистане (глобальная) черта бедности используется как метод для осуществления международного сопоставления с учетом различия в стоимости жизни в каждой стране. Международный показатель уровня бедности не заменяет собой аналогичные индикаторы, используемые государствами на национальном уровне.

Программой развития ООН, Европейской экономической комиссией ООН, ФАО, Всемирным банком, Всемирной организацией здравоохранения разработана методика расчета черты бедности на основе стоимости базовых потребностей населения в Узбекистане. Суть данного метода предусматривает сбор информации о стоимости базового набора продуктов питания. Для этого используются данные опроса домохозяйств, показывающие какие продукты они потребляют на регулярной основе. Потребность в продуктах рассчитывается сначала с учетом количества калорий, необходимых человеку, а затем преобразуется в денежное выражение. Минимальные расходы на продовольственные товары рассчитываются с учетом количества калорий, рекомендованных ФАО (Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН) 2100-2300

калорий в день для одного человека. Следующим шагом является расчет потребностей, не связанных с питанием, например, затраты на электроэнергию и одежду. Для этого опять же используются данные об объемах потребления домохозяйств с низким уровнем доходов, не связанные с продуктами питания. Затем путем комбинирования этих двух компонентов выводится национальный показатель черты бедности [5].

Уровень относительной бедности в Узбекистане, по оценкам Института прогнозирования и макроэкономических исследований (ИПМИ), в 2019 году (доля населения со среднедушевыми доходами менее 60% от среднереспубликанского значения среднедушевого дохода) составила 60,1%.

В целях оценки субъективной бедности в Узбекистане в 2016 г. проведен опрос жителей махалли и председателей махаллинских комитетов касательно отнесения жителей махалли к категории малообеспеченных. Согласно опросу семей (жителей махалли) 9,9% респондентов считали себя малообеспеченными [6]. Согласно результатам обследования домохозяйств ИПМИ в декабре 2019 г. субъективная оценка уровня бедности составила 13,5%, в городе – 10,2%, в сельской местности – 16,8%.

В Узбекистане в 2019 году проведена оценка многомерной бедности путем опроса 10 тысяч домохозяйств по 5 направлениям – здоровье, участие на рынке труда, образование, жилищные условия, потребление, где индекс составил около 4% [7].

Рассматривая бедность как многофакторное явление в 2020 году проведен опрос 1152 домохозяйств в 96 махаллях Букинского и Чиназского

районов Ташкентской области на основе специально подготовленной анкеты «Изучение и оценка уровня жизни населения», которая состоит из 16 разделов и включает структуру домохозяйства, условия, доходы и расходы, здоровье, продовольственные пайки и вопросы кредитования [8].

В таблице приведены результаты тестирования рассмотренных подходов в условиях Узбекистана.

**Оценка уровня бедности в Узбекистане по различным подходам**

Критерии бедности	Черта бедности	Значение (%)
I подход. Международный уровень бедности по критерию ежедневного дохода (2018 г.)	3,2 долл.	9,6
	5,5 долл	36,6
II подход. Абсолютный уровень бедности по критерию минимального потребления (2019 г.)	Стоимость рациона питания 2100 ккал/день/чел.	11,0
III подход. Относительный уровень бедности по критерию среднемесячного дохода (2019 г.)	60% среднего размера среднемесячного дохода	60,1
IV подход. Субъективная оценка уровня бедности по критерию среднедушевых доходов (2019 г.)	0,527 среднемесячного минимального размера оплаты труда [9]	13,5
V подход. Индекс многомерной бедности (2019 г.)	Здоровье, участие на рынке труда, образование, жилищные условия, потребление	4,0

*Источник: Институт прогнозирования и макроэкономических исследований. 2020.*

В 2020 году в условиях пандемии коронавируса COVID-19 в систему оценки нуждающегося в государственной поддержке населения введено понятие «Железная тетрадь» - список безработных и нуждающихся семей, сформированный органами махалли во время карантина. Основной целевой группой для первостепенного оказания помощи определены многодетные малообеспеченные семьи, семьи с членами-инвалидами и с хроническими заболеваниями, одинокие пожилые люди, лица, оставшиеся без работы в карантинный период. Этот вид учета нуждающихся в поддержке семей и анализ потребностей населения позволил более адресно оказывать поддержку людям и рационально расходовать средства государства.

Уже с 2021 года данные «железной тетради» о нуждающихся семьях лягут в основу «Единого реестра социальной защиты» [10], в рамках которого предусмотрена автоматизация процедур, связанных с учетом и оказанием государственной социальной

помощи населению с применением межведомственного электронного взаимодействия. Формирование единой базы данных заявителей и получателей социальных услуг и помощи позволит повысить эффективность системы социальной защиты населения республики.

Таким образом, с 2021 года критерий на основе стоимости базовых потребностей населения, а также «Единый реестр социальной защиты» послужат основой для объективной и достоверной оценки уровня бедности в республике и адресного предоставления помощи в Узбекистане.

В своем послании Олий Мажлису президент нашей страны в качестве основного приоритета политики государства выделил сокращение бедности и создание фундамента долгосрочного стабильного экономического роста. Президентом было подчеркнуто, что только за счет предоставления льготных кредитов, субсидий, пособий и выдачи жилья проблему бедности не решить. Для этого в рамках программы

2021 года «Год поддержки молодежи и укрепления здоровья населения» предусмотрены ряд мер, направленных на комплексное решение проблем бедности – это вопросы образования, профессиональной подготовки, системы здравоохранения, развития инфраструктуры, доступа к энергоресурсам и питьевой воде и т.д. Мониторинг реализации мер будет проводиться на уровне каждого района и города, на уровне каждой махалли с учетом их специфики и менталитета населения.

### **Источники и литература**

1. По методике Всемирного банка по уровню доходов страны классифицируются в следующем порядке: страны с низкими доходами (1035 долларов или менее на человека в год), доходами ниже среднего (1036–4045 долларов в год), доходами выше среднего (4046–12535 долларов в год), и высокими доходами (12536 долларов или более в год).

2. Подход лауреатов Нобелевской премии 2019 года ученых экономистов Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло и Майкл Кремер. <https://share.america.gov/ru>

3. «Где они живут. Показатели уровней бедности, среднего потребления и среднего класса в Центральной Азии на районном уровне». Всемирный Банк. 2019 г.

4. Как рассчитать порог бедности в Узбекистане. Интервью экономиста Всемирного банка Уильяма Зейтца. [centrasia.org](https://centrasia.org)

5. Как рассчитать порог бедности в Узбекистане. Интервью экономиста Всемирного банка Уильяма Зейтца. <https://centrasia.org/news>

6. Там же

7. Там же

8. Новый механизм по борьбе с бедностью по методике нобелевских лауреатов внедряется в Узбекистане. ЦСЭИ, 2020. <https://finance.uz>.

9. Постановление КМ РУз от 13.04.2019г. №308 «О мерах по совершенствованию системы социальной защиты населения с применением межведомственного электронного взаимодействия».

10. Там же.

**Нормативно-правовые документы**

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному обновлению государственной политики в сфере развития экономики и сокращения бедности» №УП-5975 от 26.03.2020 г.

2. Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах поддержки населения, отраслей экономики и субъектов предпринимательства в период коронавирусной пандемии» №УП-5978 от 03.04.2020 г.

3. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по автоматиза-

ции процедур предоставления государственных социальных услуг и помощи населению» № ПП-4797 от 4 августа 2020 г.

4. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по поддержке малообеспеченных слоев населения» № ПП-3268 от 12.09.2017 г.

5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» №841 от 20.10.2018.

6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию системы социальной защиты населения с применением межведомственного электронного взаимодействия». №308 от 13.04.2019 г.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оиласарга ижтиомий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори 2013 йил 15 февралдаги 44-сон.

**Книги и статьи**

8. James Foster, Joel Greer and Erik Thorbecke. A Class of Decomposable Poverty Measures. *Econometrica*. Vol. 52, No. 3 (May, 1984)

9. Kilpatrick, R.W., "The Income Elasticity of the Poverty Line", *Review of Economics and Statistics*. Vol. 55, 1973

10. Sen A.K. Poverty: an ordinal approach to measurement// *Econometrics*. 1976. March. V. 81

### **Методология и критерии оценки бедности: зарубежная и отечественная практика**

**Дилдора Каримова,**

доктор экономических наук,

руководитель проекта Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований

**Аннотация:** повсеместное сокращение уровня бедности населения и мониторинг достижения этой цели требует, прежде всего, объективной оценки ситуации в стране. Изучение международной практики позволило систематизировать категориальный аппарат и апробировать отдельные подходы к оценке бедности применительно к условиям Узбекистана. В качестве основного инструмента измерения бедности в Узбекистане определен критерий «стоимость базовых потребностей населения». Учитывая особенности социальной защиты в условиях пандемии коронавируса, введено понятие «Железная тетрадь» и внедрен «Единый реестр социальной защиты», в рамках которых формируется единная база данных заявителей и получателей социальных услуг и помощи, что позволит постепенно повышать эффективность системы социальной защиты населения республики.

**Ключевые слова:** уровень бедности, критерии оценки бедности, порог бедности, относительная и абсолютная бедность, многомерная и субъективная бедность.

## Камбағалликни баҳолаш методологияси ва мезонлари: хорижий ва маҳаллий амалиёт

Дилдора Каримова,  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
Прогнозлаштириши ва макроиктисодий тадқиқотлар  
институти лойиҳа раҳбари

**Аннотация:** камбағаллик даражасининг пасайиши ва уни мониторинг қилиши, аввало, мамлакатдаги вазиятга холис баҳо беришни талаб қиласиди. Халқаро тажрибани ўрганиши камбағалликни баҳолашнинг гурӯҳий механизмларини тизимлаши ва Ўзбекистон шароитида алоҳида ёндашувларни қўллаши имконини берди. Ўзбекистонда камбағалликни ўлчашнинг асосий мезони сифатида минимал истеъмол ҳаражатлари қиймати белгиланди. Коронавирус пандемияси шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишининг ўзига хос ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда "Темир дафтар" тушунчалиси киритилди ва "Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри" жорий этилди. Натижада ижтимоий ёрдам олишига мурожсаат этувчилар ва олувчиларнинг ягона маълумотлар базаси яратилди ва ижтимоий ҳимоя тизимиш нинг самарадорлиги босқичма-босқич ошириб борилади.

**Калит сўзлар:** камбағаллик даражаси, камбағалликни баҳолаш мезонлари, камбағаллик чегараси, нисбий ва мутлақ камбағаллик, кўп ўлчовли ва субъектив камбағаллик.

## Methodology and criteria for assessing poverty: foreign and domestic practice

Dildora Karimova,  
Doctor of Economics (DSc),  
Project manager of the Institute for Forecasting and  
Macroeconomic Research

**Abstract:** the primary requirement of the widespread poverty reduction and achievement monitoring is an unbiased country assessment. The study of international experience facilitated systematization of the conceptual definitions and testing approaches of poverty assessment in relation to the conditions of Uzbekistan. The criteria "cost of population's basic needs" is defined as the main instrument for measuring poverty in Uzbekistan. Taking into account the coronavirus pandemic peculiarities of social protection, concepts of "Iron Notebook" and the "Unified Register of Social Protection" were introduced, within the framework of which a single database of applicants and recipients of social state services and assistance is formed, which will gradually increase the effectiveness of the social protection system of the republic's population.

**Key words:** poverty level, poverty assessment criteria, poverty threshold, relative and absolute poverty, multidimensional and subjective poverty.

УЎК: 332.012.2

**Рахматулла ЭРГАШЕВ,**  
*иқтисод фанлари доктори,*  
**Қарши давлат университети профессори**  
**е-mail:** e\_r\_x\_55@rambler.ru,  
**Анвар ҚОБИЛОВ,**  
**Қарши давлат университети докторантни,**  
**е-mail:** kobilovanvar@gmail.com

## Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш истиқболлари

Жаҳон мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналарни технологик янгилаш, янги иш ўринларини яратишида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёни ва халқаро капитал миграцияси ривожланаётган мамлакатлар ва минтақаларда хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим истиқболли имкониятларни яратмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, “...иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади” [1].

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасида энг етакчилардан бири бўлишига қарамай, инвестициялар улушида ёқилғи-энергетика мажмусининг улуши юқориligича сақланиб қолмоқда. Ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш ва ушбу лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни жалб қилиш бўйича Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасида қуий ўринларда бормоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Қашқадарё вилояти ҳудудларидаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш самардорлигини ошириш механизmlарини ишлаб чиқиш масалалари бўйича таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисбланди.

Жаҳон миёсида коронавирус инфекциясининг тарқалиши дунёning аксарият мамлакатларида ишлаб чиқариш ва истемол ҳажмларининг кескин

кисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодий тизимнинг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир килмоқда, бу эса, ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали таъсир этувчи чоралар кўришни талаб қиласди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 19 мартағи коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишлиган йиғилишда таъкидлаганидек, “Бугунги оғир шароит иқтисодиётимиз учун ҳам синов бўлиб, саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётдаги йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш хукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур” [2].



**Глобаллашув жараёни  
ва халқаро капитал  
миграцияси ривожланаёт-  
ган мамлакатлар ва мин-  
тақаларда хорижий  
инвестицияларни жалб  
етиш ҳисобига миллий  
иқтисодиётни ривожланти-  
риш учун муҳим  
истиқболли имкониятларни  
яратмоқда.**

**1-жадвал**

**Дунё минтақалари бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими**

Минтақалар	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил (прогноз)	
	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%да)	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%да)	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%да)	Ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%да)
<b>Жахон бўйича</b>	1700	-14	1495	-12	1540	3	920-1080	-40 дан -30 гача
<b>Ривожланган мамлакатлар</b>	950	-25	761	-20	800	5	480-600	-40 дан -30 гача
<b>Европа</b>	570	-16	364	-36	429	18	240-300	-45 дан -30 гача
<b>Шимолий Америка</b>	304	-40	297	-2	297	0	190-240	-35 дан -20 гача
<b>Ривожланаётган мамлакатлар</b>	701	7	699	-2	685	-2	380-400	-45 дан -30 гача
<b>Африка</b>	42	-10	51	22	45	-10	25-35	-40 дан -25 гача
<b>Осиё</b>	502	7	499	-1	474	-5	260-330	-45 дан -30 гача
<b>Лотин Америкаси</b>	156	14	149	-5	164	10	70-100	-55 дан -40 гача
<b>Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари</b>	50	-25	35	-31	55	59	30-40	-45 дан -30 гача

*Манба:* ЮНКТАД маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

ЮНКТАД (United Nations Conference on Trade and Development) тадқиқотларига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)нинг глобал оқимлари 2020 йилда 2019 йилга нисбатан (2019 йилда ТТХИнинг ҳажми 1.54 трлн. АҚШ долларлири бўлган) 40 фоизгача пасаяди ва ўз кўрсаткичи бўйича 2005 йилдан бери илк маротаба 1 трлн. АҚШ долларлик чегарасидан пастга тушиши эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажми 2021 йилда ҳам ўртacha 5-10 фоиз оралиғида пасайиши, энг юқори оптимистик сценарийларга кўра, 2022 йилдан бошлаб асосий тенденциясига қайтиши кутилмоқда” [3].

Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб гурухланиши жиҳатидан, ТТХИ оқими ҳажми 2020 йил якунига келиб, ривожланган мамлакатларда 30-40 фоиз оралиғида, жумладан, ривожланган Европа мамлакатларида 30-45 фоиз оралиғида, ривожланган Шимолий Америка мамлакатларида 20-35 фоиз оралиғида пасайиши прогноз қилинмоқда (1-жадвал). Ушбу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатлар учун 30-45 фоиз оралиғида пасайиш, ривожланаётган Африка мамлакатлари учун 25-40 фоиз оралиғида пасайиш, ривожланаётган Осиё мамлакатлари учун 30-45 фоиз оралиғида пасайиш ва пасайишнинг энг

кеескин кўрсаткичи ривожланаётган Лотин Америкаси мамлакатлари учун 40-55 фоиз оралиғида бўлиши кутилмоқда. Ўзбекистон мансуб бўлган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун 2020 йилда ТТХИ ҳажми 2019 йилга нисбатан 30-45 фоиз атрофида пасайиши кутилмоқда.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (OECD) томонидан пандемия шароитида хорижий инвестициялар оқимининг ўзгариши З та сценарий бўйича башорат қилинган” [4]. Энг оптимистик сценарийга кўра, 2020 йилда дунё иқтисодиётидаги ТТХИ ҳажми 30-40 фоизга камаяди ва 2021 йилнинг охирига келиб, инкирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичига етади. Ўрта даражадаги сценарийга кўра, 2020 йилда ТТХИ ҳажми 35-45 фоизга камаяди ва 2021 йилнинг охирига келиб, инкирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичидан З баробар кам бўлади. Пессимистик сценарийга кўра, ТТХИ оқими 2020 йилдан 40 фоиздан ошироқча камаяди ва 2021 йилнинг охиригача ўзгаришсиз қолади.

Тадқиқотчilar томонидан, барча мамлакатлар сингари, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун ҳам ТТХИ оқимининг кеескин пасайиши башорат қилинётган бўлса-да, мамлакатимизда аввалги йилларда режалаштирилган инвестицион лойиҳалар ҳисобидан ва пандемия шароитида инвестицион

лойиҳаларни амалга ошираётган хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорларнинг ҳукумат томонидан кўллаб - қувватланиши натижасида ТТХИ ҳажмининг кескин пасайиши ҳозирча кузатилмаяпти. Хусусан, 2020 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётида 6,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида ТТХИ ўзлаштирилди ва ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,5 фоизни ташкил этди [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сонли Қарорига мувофиқ, Қашқадарё вилоятида 2021-2023 йилларда худудий лойиҳалар ҳисобидан 467,7 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

## 2-жадвал

### 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудий лойиҳалар доирасида жалб қилиниши ҳамда ўзлаштирилиши кутилаётган ТТХИ ва хорижий кредитлар ҳажми (млн. АҚШ доллари миқдорида)

№	Худудлар	Жалб қилиш режаси	шундан		Ўзлаштириш режаси	Лойиҳалар сони (та)
			ТТХИ	Кафолатланмаган хорижий кредитлар		
1	Қоқандогистон Республикаси	91,0	70,2	20,8	91,0	21
2	Андижон	242,6	80,4	162,2	248,8	41
3	Бухоро	249,0	155,7	93,4	248,0	37
4	Жиззах	323,1	299,2	23,9	299,1	19
5	Қашқадарё	150,4	141,4	9,0	150,4	22
6	Навоий	150,7	125,4	25,3	171,5	21
7	Наманган	261,8	261,8		287,2	58
8	Самарқанд	158,4	114,7	43,7	162,9	47
9	Сирдарё	185,5	74,1	111,4	187,8	32
10	Сурхондарё	166,0	166,0		166,0	27
11	Тошкент вилояти	275,0	255,2	19,8	296,0	105
12	Фарғона	316,5	222,5	94,0	336,8	53
13	Хоразм	122,6	70,5	52,1	122,6	18
14	Тошкент шаҳри	1 186,1	1 032,0	154,1	1244,7	98
<b>ЖАМИ</b>		<b>3878,7</b>	<b>3069,1</b>	<b>809,7</b>	<b>4011,8</b>	<b>599</b>

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28-декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сонли Қарори иловалари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

2021 йилда Қашқадарё вилоятида 22 та ҳудудий лойиҳалар ҳисобидан 150,4 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этиш ва ўзлаштириш (Ўзбекистон Республикаси бўйича жами ўзлаштирилиши режалаштирилган хорижий инвестицияларнинг 3,7 фоизи) режалаштирилган бўлиб, хорижий инвестициялар ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича Қашқадарё вилоятининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари орасида 12 - ўринда

экани қайд қилинади. 2021 йил мобайнида ҳудудий лойиҳалар доирасида жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг 141,4 млн. АҚШ доллари ТТХИ ҳисобига тўғри келса, 9,0 млн. АҚШ доллари миқдорида ҳукумат кафолатисиз хорижий кредитлар жалб қилинади (2-жадвал).

2021 йилда хорижий инвестициялар асосида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг 14 таси саноат, 6 таси қишлоқ ҳўжалиги, 2 таси хизмат кўрса-

тиш соҳасига тўғри келади. 2021 йилда Чироқчи, Миришкор туманлари ва Шахрисабз шаҳри бўйича бирорта ҳам хорижий инвестицияли лойиҳалар назарда тутилмаган.

Хорижий инвестициялар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, пандемия ва ундан кейинги даврларда иқтисодий ўсишда юзага келган турғунликни бартараф қилиш мақсадида, мамлакатлар ўртасида хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича кескин ракобат кураши юзага келиши хорижий инвестициялар ва худудий ривожланиш кўрсакичларининг прогноз параметрларини ишлаб чиқиш заруратини оширади.

Тадқиқотда қўйилган вазифадан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятининг ялпи худудий махсулот ва хорижий инвестициялар оқимининг 2000-2020 йилларда кузатилган қийматлари асосида ARIMA (autoregressive integrated moving average) моделининг мавсумийлик индекслари кузатилмаган тенгламаларидан фойдаланган ҳолда, танланган кўрсаткичларнинг 2021-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари 3 сценарий асосида баҳоланди. Ҳисоб-китоблар 2019 йил жорий нархларига нисбатан

R-4.03 дастурий пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди (4-жадвал).

Пессимитик сценарийда ARIMA (1,1,0) – биринчи тартибли авторегрессия фарқи моделидан фойдаланилди. Ушбу сценарийга мувофиқ, Қашқадарё вилоятида 2025 йилда 2020 йилга нисбатан ЯҲМ ҳажми 7,8 фоизга, хорижий инвестициялар ҳажми 17,5 фоизга ошиши прогноз қилинди.

Ўртача сценарийда ARIMA (1,1,2) – ўзгармас қийматсиз, чизиқли тренд ҳисобга олинган ҳолда силлиқлаш модели қўлланилди. Ушбу модель асосида олинган прогноз натижаларига кўра, Қашқадарё вилоятида ЯҲМ ўсиши 2025 йилга келиб 2021 йилдаги 2,2 фоизлик кўрсаткичдан 10,6 фоизга етади. Мос равишда хорижий инвестициялар ўсиши 21,6 фоиздан 58,5 фоиз кўрсаткичига эришади.

Оптимитик сценарийда ARIMA (0,2,1) – ўзгармас қийматсиз, чизиқли экспоненциал силлиқлаш моделидан фойдаланилди. Ушбу модель асосида олинган сценарийга кўра, Қашқадарё вилоятида ЯҲМ, хорижий инвестициялар ҳажми жадал суръатларда ошиб, ўсиш кўрсаткич 2025 йилга келиб, 2020 йилга нисбатан 13,4 ва 80,0 фоизларни ташкил этади.

#### 4-жадвал

#### Қашқадарё вилоятида ЯҲМ ва хорижий инвестициялар оқими динамикасининг прогноз қийматлари (2021-2025 йиллар)

№	Кўрсаткичлар	Прогноз сценарийлари	Йиллар				
			2021	2022	2023	2024	2025
1	Ялпи худудий махсулот	Пессимитик сценарий ARIMA (1,1,0)	1,9	3,6	5,1	6,5	7,8
		Ўртача сценарий ARIMA (1,1,2)	2,2	4,4	6,5	8,6	10,6
		Оптимитик сценарий ARIMA (0,2,1)	2,5	5,3	8,0	10,7	13,4
2	Хорижий инвестициялар ҳажми	Пессимитик сценарий ARIMA (1,1,0)	14,4	16,3	17,1	17,4	17,5
		Ўртача сценарий ARIMA (1,1,2)	21,6	31,8	41,3	50,2	58,5
		Оптимитик сценарий ARIMA (0,2,1)	26,7	40,0	53,4	66,7	80,0

*Манба:* муаллифлар томонидан тузилган.

Қашқадарё вилоятида хомашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматли ракобатбардош тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш,

иктисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини таъминлаш, шу



асосда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларни жадал ижтимоий-иктисодий ривожлантириш орқали кутилаётган прогноз параметрларига эришиш масаласи тизимили ёндашувни талаб этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, Қашқадарё вилояти ҳудудлари мисолида қуидаги устувор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

**Биринчидан,** маҳаллий ишбилиармонларда тадбиркорлик лаёқатининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларига нисбатан пастлиги ҳамда хорижий инвесторларда ҳудудларнинг имкониятлари бўйича маълумотлар танқислиги мавжудлиги Қашқадарё вилоятида малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда “Лойиҳалар фабрикаси”ни ташкил қилиш долзарблигини белгилайди. “Лойиҳалар фабрикаси”да Қашқадарё вилоятининг “драйвер” соҳалари бўйича пухта иқтисодий асосланган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишини ташкил этиш ва ушбу инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларга таклиф этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан,** Қашқадарё вилоятида фаолият олиб бораётган хорижий инвесторлар ўртасида ўтказилган сўровномалар таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий инвестицияларга энг асосий тўсиклар сифатида кредит фоизларининг юқорилиги ва кредит-

- логичность и непротиворечивость взаимосвязей между экзогенными и эндогенными переменными модели, обеспечивающих однозначную и содержательную экономическую интерпретацию любых результатов модельных расчетов. Сами же прогнозные индикаторы должны иметь разрезы, облегчающие адресное использование вариантов прогнозных расчётов для конкретных отраслей, секторов, регионов, категорий населения;

- отражение во взаимосвязях и в системе переменных модели специфических факторов и условий, вытекающих из незавершенности процесса перехода Узбекистана к рыночной экономике (низкая эластичность спроса по цене, негибкость рынка труда, слабое влияние ставки процента на инвестиции, обменного курса на экспорт и т.д.) и других особенностей национальной экономики.

Одна из основных задач цифровой трансформации системы управления экономикой – создание единого национального межведомственного информационного ресурса для оперативного анализа и краткосрочного прогнозирования, без которого невозможно разработать необходимый инструментарий, обеспечивающий специалистов органов управления экономикой всей необходимой информацией о складывающихся в ней ситуациях, макроэкономических трендах, позволяющие оценивать текущие и будущие риски и угрозы устойчивого развитие, выявлять причинно-следственные взаимосвязи между индикаторами и факторами экономического роста.

Обобщение передового мирового опыта и критический анализ наработок ИПМИ в этой области свидетельствует о необходимости включения в пусковой комплекс информационного ресурса традиционных и новых, прямых и косвенных, совпадающих и опережающих индикаторов экономической активности и социального развития, перечень которых приведен ниже в таблице. При создании национального информационного ресурса мониторинга национальной экономики следует использовать

как традиционные информационные возможности министерств и ведомств, так и новые источники, связанные с развитием информационных технологий (интернет ресурсы, экспресс опросы, новые инструменты банковской системы).

Главное требование к национальному информационному ресурсу – оперативный (квартальный или месячный) характер статистической отчетности, представление всех стоимостных индикаторов (в национальной валюте) в сопоставимых ценах базового периода, что позволяет устранять влияние фактора сезонности.

При формировании национального информационного ресурса следует определять не только источники данных, но и методы, обеспечивающие сбалансированность данных, их согласованность, точность и эффективность, согласованность между макроданными и исходными данными, собранными на микроуровне.

Внедрение национального информационного ресурса в конечном итоге должно обеспечить коллективную работу специалистов различных ведомств в рамках процесса формирования индикативных планов и бюджетного процесса на основе единого информационного пространства, упорядочить и автоматизировать учетную и экспертно-аналитическую деятельность специалистов ведомств при управлении бюджетами соответствующих уровней, обеспечить контроль формирования и исполнения бюджетов и индикативных планов, доступность информации о складывающейся в экономике ситуации для населения и бизнеса, повысить качество принимаемых решений за счет использования современных инструментов сбора и анализа данных, моделирования и прогнозирования макрофинансовых показателей.

В целом развитие цифровых технологий создает базовые предпосылки для перехода от модели «сервисного управления» к модели «объединенного правительства», более соответствующей глобальным вызовам и рискам развития национальной экономики.

**Таблица****Состав индикаторов единого информационного ресурса оперативного макрофинансового анализа и краткосрочного прогнозирования (на этапе формирования)**

Перечень индикаторов	Источники информации
<b>а. Индикаторы и факторы экономического роста</b>	
ВВП, индикаторы роста промышленности, сельского хозяйства и других отраслей, пассажиро и грузооборот, индикаторы инвестиционной активности (включая процент освоения средств по крупным инвестиционным проектам) и макроэкономической стабильности, финансового положения отраслей (около 30 традиционных индикаторов)	ГКС Министерство инвестиций и ВТ
Оперативные (квартальные) счета СНС по укороченной методической схеме	ГКС
Оперативная (квартальная и месячная) статистика по крупным промышленным предприятиям и компаниям (выпуск, затраты, экспорт, заказы, инвестиции, занятые, средняя зарплата, рентабельность, налоговые платежи, кредиторская задолженность)	ГКС
<b>б. Государственные финансы</b>	
Оперативная статистика о доходах и расходах бюджета (в разрезе видов деятельности, включая расходы на науку, на образование, на финансирование проектов ГЧП, доходы по видам налогов и иных поступлений)	Минфин
Оперативная отчетность о внебюджетных расходах государства, величине налоговых льгот, внешнего долга государства и бизнеса, распределении налоговых поступлений между центром и регионами, региональные субсидии	Минфин
Уровень собираемости налогов (по видам в региональном разрезе)	ГНК
<b>в. Статистика кредитно-денежной политики и финансовый рынок</b>	
Средние ставки процента (по кратко-, средне и долгосрочным кредитам), уровень монетизации экономики, золото-валютные резервы, обменный курс и другие регуляторы монетарной политики	ЦБ
Денежная база, объемы выданных кредитов бизнесу, населению (по видам), средний размер кредита (по видам), доля просроченных кредитов, средний размер переводов, средний размер чека в платежной системе	Банковская сфера
<b>г. Статистика внешнеэкономической политики</b>	
Экспорт, импорт, внешнеторговое сальдо (всего по экономике и в разрезе отраслей ОКЭД таблицы Затраты-выпуск, 70-80 отраслей)	ГКС
Экспорт и импорт по детализированным товарным группам и видам услуг. Индикаторы конъюнктуры мировых товарно-сырьевых и энергетических рынков	Министерство инвестиций и ВТ
Бюджетные поступления от внешней торговли (по видам таможенных и налоговых отчислений, отраслевой разрез)	ГТК
Квартальный платежный баланс, средний размер перевода трудовых мигрантов	ЦБ
<b>д. Статистика доходов и расходов населения</b>	
Доходы населения по видам, расходы по направлениям, прожиточный минимум в региональном разрезе, уровень бедности по международным критериям в региональном разрезе, средний чек в супермаркетах	ГКС, информационные интернет-ресурсы
<b>е. Статистика спроса и предложения по конкретным товарам</b>	
Заявки, продажи, цены в разрезе товаров и товарных групп с акцентом на критически важные для национальной экономики и населения виды товаров	УзРТСБ
<b>и. Статистика рынка труда</b>	
Уровень безработицы (методология МОТ), в т.ч. среди молодежи, спрос на труд (по профессиям и отраслям), количество трудовых мигрантов, число новых рабочих мест (по отраслям), стоимость одного нового рабочего места (по отраслям), доля квалифицированного труда в структуре занятых (по отраслям)	Минтруд Агентства по трудуоустройству

Перечень индикаторов	Источники информации
<b>и. Совпадающие и лидирующие индикаторы</b>	
Индексы развития обрабатывающей промышленности, индексы развития отраслей с наибольшим мультиплексивным эффектом для расширения продуктивной занятости, индекс IHS Markit, индексы делового климата и другие, формируемые по результатам опроса предпринимателей, индексы оценки рисков наступления кризиса	Аналитические центры и институты
<b>и. Индексы настроения населения</b>	
Индекс беспокойства населения на рынке труда, Индекс страхов населения и другие	Аналитические центры и институты на основе обобщения запросов в Google и других интернет-ресурсов

В соответствии со стратегией «Цифровой Узбекистан – 2030» [12] до 2022 года предусматривается внедрение свыше 280 информационных систем и программных продуктов по автоматизации процессов управления, производства и логистики на предприятиях реального сектора экономики. Это создает благоприятные условия для цифровой трансформации системы управления экономикой на макроуровне, использования механизмов государственно-частного партнерства в процессе проектирования, финансирования, создания и внедрения базовых цифровых платформ стратегического планирования и его мониторинга.

### Источники и литература

1. Современные экспресс опросы с использованием мобильных средств связи, оперативная статистика фондовых рынков о торгах товарно-сырьевых бирж, электронной торговли, банковская статистика по покупкам товаров с использованием пластиковых карточек, статистика крупных торговых центров, интернет-ресурсы с объявлениями о вакансиях, спутниковая информация и т.д.

2. В последние годы усилилась критика традиционных макроэкономических индикаторов в анализе рисков и проблем экономического развития. Применительно к ВВП указывается на тенденцию к смещению акцентов от учета реального сектора экономики при его исчислении на повышение вклада «виртуального» сектора (финансовые спекуляции на фондовом и валютном рынках, высокие процентные ставки и проценты по банковским услугам, новые многочисленные виды услуг, непосредственно не связанные с повышением качества и уровня жизни) – см. В. Катасонов: Что такое «пузырь» ВВП. <https://svpressa.ru/economy/article/253398/> Для Узбекистана дополнительным фактором, ставящим под сомнение использование ВВП в качестве главного индикатора роста, является и значительный теневой сектор

(до 60% от всех занятых) в условиях отсутствия методики объективного его отражения в динамике этого индикатора.

3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 26.03.2020 г. № ПП-4653 «Об организации деятельности Министерства Экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан, а также подведомственных ему организаций».

4. «ЦЭИР проводит опрос для изучения бизнес-климата в Узбекистане». Review.uz , 1 мая 2020г. <https://review.uz/ru/post/ceir-dlya-izucheniya-biznes-klimata-v-uzbekistane-provodit-opros>

5. В части транзакций межбанковской платежной системы, статистики торгов на республиканской товарно-сырьевои бирже, оперативной статистики реального сектора ГКС, см. « ЦБ заметил восстановление экономической активности». В газете SPOT.uz. 11 июня 2020 г. <https://www.spot.uz/ru/2020/06/11/activity/>

6. ВБ — о восстановлении экономики после кризиса COVID-19. Газета Уз, 20. 06. 2002. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/06/29/economy/>

7. <http://www.forecast.ru/>

8. Недостатки традиционных индикаторов на примере ВВП приведены в ссылке 2.

9. Пресс-Релиз «Темпы роста производительности существенно сокращаются на фоне продолжения пандемии» <https://www.markiteconomics.com/Public/Home/PressRelease/4d5d6103cd4462882cd60affee03a9c>

10. <https://www.ifo.de/en>

11. <https://www.mql5.com/ru/economic-calendar/germany/ifo-business-climate-indicator>

12. Указ Президента Республики Узбекистан от 5.10.2020 г "Обтверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации" УП-6079.

13. *Approaches to macrofinancial surveillance in article IV reports. IMF policy paper. March 2017. International Monetary Fund. Washington, D.C.*

14. Daniel J. Lewis and James H. Stock (2020). *Measuring Real Activity Using a Weekly Economic Index. Federal Reserve Bank of New York. Staff Reports No. 920.*

15. Тренды российской экономики. Периодические обзоры (архив). ЦМАКП <http://www.forecast.ru/default.aspx>

16. И.И. Смотрицкая. Государственное управление в условиях развития цифровой экономики: стратегические вызовы и риски. Журнал ЭТАП: экономическая теория, анализ практика. Москва 2018. — № 4. — С. 60–72.

## **Развитие методических основ оперативного анализа и прогнозирования как предпосылка цифровой трансформации системы управления экономикой**

**Сергей Чепель,**  
доктор экономических наук,  
главный научный сотрудник  
Института прогнозирования  
и макроэкономических исследований

**Аннотация:** модернизация системы управления экономикой на основе расширения использования методов оперативного анализа и мониторинга текущей экономической ситуации, краткосрочного (конъюнктурного) макрофинансового прогнозирования является устойчивым фактором спроса на новые цифровые технологии. В работе обобщаются результаты использования этих методов, достигнутые в последние годы. На основе критического анализа мирового опыта показаны пути и условия их более глубокого внедрения в практику макрорегулирования. Предложена структура и этапы формирования единого национального межведомственного информационного ресурса для оперативного анализа и краткосрочного прогнозирования. Даны практические рекомендации по более широкому использованию новых аналитических индексов на базе использования современных цифровых платформ.

**Ключевые слова:** макрофинансовый оперативный анализ, совпадающие и лидирующие индикаторы, методы прогнозирования, логические конструкции, тренды, мониторинг, макроэкономические риски.

## **Оператив таҳлилнинг услубий асосларини ишлаб чиқиши ва иқтисодий бошқарув тизимининг рақамли ўзариши учун зарур шарт сифатида прогноз қилиш**

**Сергей Чепел,**  
иқтисод фанлари доктори,  
Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти боши илмий ходими

**Аннотация:** амалий иқтисодий вазиятни оператив таҳлил қилиши ва мониторинг қилиши усулларини, қисқа муддатли (конъюнктуралы) макромолиявий прогнозлашни қўллаши усулларини кенгайтириши асосида иқтисодий бошқарув тизимини модернизация қилиши янги рақамли технологияларга бўлган талабнинг барқарор омили ҳисобланади. Ишда сўнгги ишларда эришилган уибу усуллардан фойдаланиши натижалари умумлаштирилди. Илгор жаҳон тажрибасини таҳлил қилиши асосида уларни макрорегуляция амалиётига чукурроқ татбиқ этиши йўллари ва шартлари кўрсатилган. Тезкор таҳлил қилиши ва қисқа муддатли прогнозлаш учун ягона миллий идоралараро ахборот ресурсининг тузилиши ва шакллантириши босқичлари тақлиф қилинган. Замонавий рақамли платформалардан фойдаланишига асосланган янги таҳлилий кўрсаткичлардан кенгроқ фойдаланиши бўйича амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** макромолиявий оператив таҳлил, бир-бира тўғри келадиган ва етакчи кўрсаткичлар, башорат қилиши усуллари, мантиқий тузилмалар, тенденциялар, мониторинг, макроиқтисодий хатарлар.

## **Development of methodological foundations of operational analysis and forecasting as a prerequisite for the digital transformation of the economic regulation system**

**Sergey Chepel,**  
doctor of Economic Sciences,  
Chief Scientific Officer of Institute for Forecasting and  
Macroeconomic Research

**Abstract:** modernization of the economic management system based on the expansion of the use of methods of operational analysis and monitoring of the current economic situation, short-term (conjunctural) macro-financial forecasting is a stable factor in the demand for new digital technologies. The paper summarizes the results of the use of these methods, achieved in recent years. On the basis of a critical analysis of the world's best practices, the ways and conditions of their deeper implementation in the practice of macro-regulation are shown. The structure and stages of the formation of a single national interdepartmental information resource for operational analysis and short-term forecasting are proposed. Practical recommendations on the wider use of new analytical tools based on the use of modern digital platforms are given.

**Keywords:** macro-financial operational analysis, matching and leading indicators, forecasting methods, logical constructions, trends, monitoring, macroeconomic risks.

УЎК: 330.101

**Сайдфозил ЗОКИРОВ,**  
*иқтисодиёт фанлари номзоди,*  
*Прогнозлаштириши ва макроиктисодий*  
*тадқиқотлар институти гурӯҳ раҳбари,*  
**e-mail:** saidfozil@rambler.ru

## Янги иқтисодий география: назария ва амалиёт

Пол Кругман ўзининг 1979 йилда бажарилган тадқиқот ишида ишчи кучи ҳаракатланишининг иқтисодиётга таъсирини ўрганиб, ушбу омил ва миқёсга боғлиқ ҳолда тежамкорлик ўсишининг бирикуви йирик шаҳарларга сармоялар оқимини йўналтиришини илмий жихатдан асослаб берди. Олимнинг фаразича, мамлакат айрим худудларида ишбилармонлик фаолияти кучайиши бошқа худудларда унинг сусайишига олиб келиши мумкин. Фақат 1991 йилга келиб Кругман "Ўсиб бораётган фойда ва иқтисодий география" асарида бир вактнинг ўзида муайян маконда ҳам товар оқимлари, ҳам ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларни жойлаштиришни моделлаштиришга имкон берувчи қатъий математик ёндашувни таклиф этди. Ушбу модель кейинроқ "марказ-чекка худуд" деб ном олди.

Ушбу таълимотга мувофиқ, кўпгина мамлакатлар асосий ишлаб чиқариш омиллари билан деярли бир хил даражада таъминланганлар. Бундай шароитда уларга оммавий ишлаб чиқариш нисбатан осон бўлган маҳсулотларга ихтисослашиш ва шу орқали бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларини олиб бориш фойдали бўлади. Бундай ҳолатда ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва уни нисбатан пастроқ нархда сотиш имконини беради. Оммавий ишлаб чиқариш самарасига эришиш учун эса бундай турдаги маҳсулотларга катта сифимли бозор бўлиши даркор. Бунда ҳалқаро савдо катта роль ўйнайди, зеро у ҳар қандай алоҳида мамлакатнинг энг улкан бозоридан кўра каттароқ бўлган ягона интеграциялашган бозорни шакллантириш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши билан бир маҳсулот бирлигига сарфланадиган ўртача ҳаражатлар камайиб боргандা миқёс самараси юзага келади. Давлатлар ўртасидаги савдони классик ҳалқаро савдо назарияси асосида тушунтириш мумкин

бўлмаган ҳолда миқёсдаги тежамкорликни тушуниши имконини беради. Бу, биринчи навбатда асосий ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил даражада таъминланган давлатлар ўртасидаги савдога, технологик жиҳатдан бир хил турдаги маҳсулотлар савдосига ҳамда тармоқ ичида табақалашган маҳсулотлар (масалан, автомобилларнинг бутловчи қисмлари) савдосига тааллуқлидир. Миқёс самараси асосидаги ташки савдо экспортга йўналтирилган тармоқларнинг бозор таркибида муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва бир мамлакат ичида худудларнинг нотекис ривожланиши муаммолари олимларни узоқ йиллар ўйлантирган. Шаҳарлар иқтисодиёти янги иқтисодий географиянинг табиий ўтмишдоши ҳисобланади. Ички тежамкорлик кўлами фоясидан А. Хиршман, Х. Абдул-Рахмон, М.Фуджита ва бошқаларнинг худудий ривожланиш муаммоларига бағишлиланган асарларида ҳам фойдаланилган. Бироқ, биз П.Кругманнинг 1991 йилда чоп этилган мақолосида таклиф қилинган ёндашувга кўпроқ эътибор қаратдик.

Кругман ўз олдига иқтисодий механизмларни аниклаш ва уларнинг ўзаро ўхшаш худудлар иқтисодиётда меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг худудий ҳаракати жараёнларига таъсирини тушуниш вазифасини кўйди. Асосан икки тармоқдан, яъни ракобатбардош қишлоқ хўжалиги ва монополистик саноат ишлаб чиқаришдан иборат бўлган иқтисодиётларни кўриб чиқайлик. Ҳар 2 тармоқ ўз навбатида ягона омил – дехқонлар ва ишчилар меҳнатидан фойдаланади. Омиллар ҳар бир секторда ўзига хос ва улар секторлар орасида ҳаракатланмайди. Фарз қиласи, ҳар бир секторда меҳнат таъминоти белгиланган бўлсин.

Иқтисодиётда уй хўжаликлари бир хил бўлиб, улар икки хил товарни – қишлоқ хўжалиги (Са) ва саноат (Ст) маҳсулотларини истеъмол қила-

ди. Бу маҳсулотлардан қай бирининг афзаллиги Кобб-Дуглас функциясида ўз аксини топган.

$$U = C_m^\mu C_a^{1-\mu} \quad (1)$$

Умумлашма саноат маҳсулоти (1) хилма-хил  $N$  турлардан таркиб топган бўлиб, ҳар бир алоҳида маҳсулотга бўлган талаб ҳам турличадир. Шундан келиб чиқиб, умумлашма саноат маҳсулотининг талаб функцияси алмаштиришнинг доимий эластиклиги билан  $\sigma > 1$  тавсифланади.

$$C_m = [\sum_{i=1}^N C_i^{(a-1)/a}]^{\sigma/(\sigma-1)} \quad (2)$$

Фараз қиласайлик, иқтисодиёт иккита худуддан иборат. Ҳар бир худудда дехқонлар ҳам, ишчилар ҳам бор. Бунда дехқонларнинг худудий тақсимоти бир текис бўлиб, уларнинг ҳаракати минтақалар ўртасида рўй бермайди; ишчилар эса худуддан худудга эркин ҳаракат қилишлари мумкин. Минтақадаги ишчилар меҳнатининг таклифини  $L_2$  деб белгилаймиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси ҳар бир товар бирлигига бир ишчини талаб этади, деб фараз қиласайлик. Ушбу маҳсулотни худудлар ўртасида ташиш ҳеч қандай харажатни талаб қилмайди.

**Саноат маҳсулотининг ҳар бир турини ишлаб чиқариш доимий ва ўзгарувчан харажатлар ёрдамида моделлаштирилган ички миқёс самараси билан тавсифланади.** Бунда технология параметрлари барча турлар учун бир хил:

$$L_{mi} = \alpha + \beta x_i \quad (3)$$

Бунда  $L_{mi}$  –  $i$  саноат маҳсулоти бирлигини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган  $x_i$  ишчилар сони.

Саноат молларини ташиши қиммат дея тахмин қилинади ва харажатлар "айсберг" кўринишида моделлаштирилади, яъни, қўшни минтақага бир бирлик товар етказиб бериш учун, заводдан  $t > 1$  маҳсулот юборилиши керак. Саноат ва қишлоқ хўжалиги товарлари ўртасида ташиш сарфларидағи фарқлар ечимни соддалаштириш учун зарур: у бутун иқтисодиёт бўйича дехқонлар иш ҳақи тенглигини таъминлайди ва ундан барча худудларда номинал қийматларни белгиловчи универсал меъёр сифатида фойдаланиш мумкин.

Фараз қиласайлик, саноат фирмалари сони кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Фойдани максималлаштирувчи монопол рақобатчи фирма ўз маҳсулотига маржинал харажатлар ва талаб эластиклиги асосида нарх белгилайди. Биринчи худудда саноат маҳсулотининг нархи қуйидаги формулада ўз аксини топган:

$$p_1 = \left( \frac{\sigma}{\sigma - 1} \right) \beta w_i \quad 4$$

Бунда  $p_1$  – биринчи худуддаги ишчиларнинг иш ҳақи.

Шундай қилиб, 2 минтақада саноат маҳсулотларининг нисбий нархлари ушбу худудлар саноатидаги нисбий иш ҳақи билан аниқланади:

$$\frac{p_1}{p_2} = \frac{w_1}{w_2} \quad (5)$$

Юқорида баён этилган янги савдо назарияси моделида бўлгани каби фирмаларнинг саноат тармоғига эркин кириши ҳар бир минтақадан танлаб олинган фирмани нол даражадаги фойда билан таъминлайди, яъни:

$$(p_1 - \beta w_1)x_1 = aw_1 \Rightarrow x_1 = x_2 = \frac{a(\sigma-1)}{\beta} \quad (6)$$

Ушбу нисбатдан келиб чиқадики, минтақаларда фирмалар кўлами бир хил бўлиб, улар факат талаб ва технология параметрлари билан белгиланади. Бу натижа фойдалилик функцияси маҳсус қўриниши билан тавсифланади ҳамда у муаммонинг ечимини ва иқтисодий механизми моҳиятини англашни осонлаштиради. Бундан келиб чиқадики, минтақада саноат корхоналари сони унда банд бўлган ишчилар сонига тўғри мутаносиблиқда бўлади:

$$\frac{n_1}{n_2} = \frac{L_1}{L_2} \quad (7)$$

Пол Кругман худудлар ўртасида ишчилар ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларга мурожаат этишдан олдин, минтақалар ўртасида ишчиларнинг тақсимоти белгиланган иқтисодиётдаги қисқа муддатли мувозанатни кўриб чиқади. Шубҳасиз, бу ҳолатда биз бир мамлакатнинг икки худуди ўртасидаги савдо алоқалари ва транспорт харажатлари билан халқаро савдонинг стандарт модели ўртасида ўхшашликнинг гувоҳи бўламиз.

Агар саноат ишчиларининг худудлар бўйича тақсимланиши симметрик бўлса, минтақаларда иш ҳақи бир хил бўлиши аниқ. Агар худудлардан бирида саноат ишчилари кўпроқ бўлса, у ҳолда икки худуд саноатидаги реал иш ҳақи нисбатига қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланувчи икки хил омил таъсири кўрсатади. Аввало, бу маҳаллий бозор таъсири хисобланади. Одатда фирмалар ишлаб чиқаришни катта шаҳарларда жойлаштиришга интиладилар, зеро бу нарса уларга ишлаб чиқариш кўламини ва транспорт харажатларини тежаш имконини беради, чунки ишлаб чиқарил-

ган аксарият маҳсулотлар маҳаллий бозорда со-тилади. Шундай қилиб, ички миқёс тежамкорлиги ҳам, транспорт харажатлари ҳам маҳаллий бозор таъсирини англатади. Ҳолбуки, минтақа кўлами-нинг ортиши мос ҳолда унда саноат маҳсулотла-ри ҳамда экспорт ҳажми ўсишига олиб келади. Маршаллнинг ташки таъсирини, яъни компания тежамкорлиги нуқтаи назаридан ташки таъсирни эътиборга олсан, бундай самарага эришиб бўлмас эди. Маҳаллий бозорнинг таъсири саноатда иш ҳақи даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Яъни, шаҳар қанча катта бўлса, саноат ишчиларининг иш ҳақи шунча юқори бўлади.

Бошқа томондан, катта бозорда истеъмолчи учун рақобатнинг кучайиши натижасида монопол корхона ишлаб чиқаришни нисбатан кичикроқ аҳоли пунктига кўчириши мумкин. Бу таъсир минтақалар ўртасида иш ҳақи бўйича нисбатнинг бутунлай тескари томонга ўзгаришига олиб келади. Ушбу икки омилнинг умумий натижаси мавхум бўлиб, бу модел кўрсаткичларига боғлик.

Бироқ, минтақалар ўртасидаги саноат ходимлари ҳаракатланиши билан боғлик ўзгаришларни аниқлашда бизни нафақат иш ҳақи даражаси, балки уларнинг харид қобилияти, яъни реал иш ҳақи ҳам қизиқтиради. Ҳар икки худудда ҳам қишлоқ ҳў-жалик маҳсулотлари қиймати бир хил бўлгани ту-файли, биз кўпроқ саноат товарлари хариди билан боғлик бўлган реал иш ҳақига эътибор қаратамиз ва биз бу ерда моделнинг муҳим жиҳатларидан бири – нарх индекси самарасини олишга ҳам эришамиз. Шаҳар иқтисодиёти ҳажми қанча катта бўлса, унда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари турла-ри ҳам шунчалик хилма-хил бўлади. Шунга мос ҳолда минтақада ишлаб чиқарилган маҳсулот турларига нисбатан унга кириб келган импорт маҳсу-лотлари салмоғи анча кичик бўлади. Кичкина мин-тақада эса аксинча, истеъмол маҳсулотлари тарки-бida маҳаллий ишлаб чиқариш улуши кам, импорт салмоғи эса юқори бўлади.

Маълумки, импорт маҳсулотлари баҳосини бел-гилашда транспорт харажатлари ҳисобга олинади. Айни чоғда, маҳаллий товарлар қийматига бундай харажатлар қўшилмайди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бир хил шароитда, катта шаҳарлардаги сано-ат маҳсулотларининг нарх индекси кичик минтақа-даги саноат моллари нарх индексидан паст бўлади.

Фараз қиласайлик, дастлабки пайтда иқтисодиёт-да саноат ишчилари худудлар ўртасида бир текис

тақсимланган бўлсин. Юқорида айтилганидек, бу ҳолда саноат ишлаб чиқаришининг жойлашуви, иш ҳақи ва бошқа омиллар бўйича ҳар икки минтақа-нинг имкониятлари бир хил бўлади. Бироқ, бундай мувозанат барқарорми? Яъни, агар кам сонли ходимлар мамлакатнинг бошқа худудига кўчиб кетса-лар, бу ҳолат ишчилар кўчиб келган минтақада реал иш ҳақининг ўсишига олиб келадими (бу эса, ўз навбатида, бу ерга янги мигрантларнинг жалб қи-линиши икки минтақа иқтисодиёти ўртасидаги та-фовутларни кучайтирадими)? Ёки кичикроқ ҳудуд саноатида реал иш ҳақини ошириш эвазига бундай фарқлар бартараф этилиб, ходимларни ортга қайта-ришга эришиладими? Агар биринчи ҳолат амалга ошса, биз бир ҳудудда саноат ишлаб чиқаришнинг агломерациялашув жараёнини гувоҳи бўламиз ва агар агломерация жараёнлари ниҳоятда жадалла-шиб кетса, у ҳолда бир ҳудуд – саноат марказига ва иккинчиси – аграр минтақага айланади. Ушбу ҳолат моделнинг "марказ – чекка ҳудуд" деб номланиши-га сабаб бўлди. Агар симметрик мувозанат аҳоли миграциясига чидамли бўлса, у ҳолда иқтисодиёт-да ишлаб чиқаришнинг бир текис тақсимланиши ўз-ўзини сақлаб қолади.

**Моделнинг юқоридаги таҳлилидан қўриниб турибдики, қўйидаги З хил самара таъсири миграцияга барқарорликнинг бир хилда тақ-симланишини белгилайди:**

- маҳаллий бозор самараси: монополистик фирманинг ишлаб чиқаришни йирик бозорларга яқин жойлаштириши ва кичик бозорларга маҳсулотлар экспортини ошириш тенденцияси;

- турмуш қиймати самараси: у кўпроқ саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда бўлади, зеро ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматида транспорт харажатлари ҳам ётади;

- рақобат самараси: рақобатдош бўлмаган фирмалар ишлаб чиқаришни рақобатчилар кам бўлган жойларда ташкил этишга интиладилар.

Физик ҳодисаларга биноан, агломерация жа-раёнини рағбатлантирувчи кучлар марказга инти-лувчи, қарама-карши йўналишда ҳаракатланувчи кучлар эса марказдан қочувчи кучлар деб аталади. Иқтисодиётда қандай кучларнинг "ғолиб" бўлиши тежамкорлик кўламига, талабнинг қай даражада қондирилаётганига ва транспорт харажатлари миқёсига боғлик.

Кругман ишлари бу уч турдаги самаранинг ўза-ро таъсири ишлаб чиқаришни иқтисодиётга жой-

лаштириш динамикасини қандай белгилешини күрсатади: минтақалар иқтисодий ривожланишда бир-бирига яқинлашадими ёки аксинча, узоклашадими? Ишлаб чиқаришда миқёс тежамкорлигининг ўсиши агломерация жараёнларини күчайтиради, деган хуосага олиб келади. Бунинг устига, саноат ишлаб чиқаришда миқёс тежамкорлигининг нозик чегараси мавжуд бўлиб, бу чегара бузилганда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари қандай бўлишидан қатъий назар, симметрик мувозанат ўзгаради, агломерация жараёнлари эса ўз-ўзидан кучаяди. Бошқача айтганда, иқтисодиётнинг "марказ – чекка ҳудуд" тамойили асосида ривожланиши муқаррар бўлиб қолади. Агар миқёс тежамкорлиги кўлами юкорида қайд этилган чегарадан пастда бўлса, параметрлар комбинациясидан келиб чиқиб, ҳам марказга интилувчи, ҳам марказдан қочувчи кучлар иқтисодиётда етакчи бўлиши мумкин. Шу билан бирга, юкори транспорт харажатлари ва саноат маҳсулотлари хилма-хиллигининг юкори эластиклиги марказдан қочувчи кучларни мустаҳкамлайди ва минтақаларнинг яқинлашишига олиб келади.

Шундай қилиб, Кругман жуда оддий ва тушунарли моделга асосланиб, ҳудудда ишлаб чиқариши жойлаштириш манзарасини акс эттиреди. Бу эса ўз навбатида, минтақавий иқтисодиёт ёки шаҳарлар иқтисодиёти йўналишидаги тадқиқот ишларининг ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатди.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика: теория и политика / пер. с англ. 5-го межд. изд. - СПб.: Питер, 2004. - 832 с.
2. Кругман П. Р. Рыночная структура и внешняя торговля (Market structure and foreign trade: increasing returns, imperfect competition and the international economy, 1985, в соавторстве с Э. Хеллманом);
3. Кругман П.Р. Стратегическая торговая политика и новая международная экономическая теория (Strategic Trade Policy and the New International Economics, 1986);
4. Кругман П. Р. Торговая политика и структура рынка (Trade Policy and Market Structure, 1989);
5. Кругман П.Р. Пространственная экономика: города, регионы и международная торговля (The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade, 1999, в соавторстве с М. Фудзита и Э. Венаблсом).
6. Крылов Дмитрий. Пол Кругман: ученый-экономист, публицист и пророк. <https://iq.hse.ru/news/177678472.html>

### **Янги иқтисодий география: назария ва амалиёт**

**Сайдфозил Зокиров,**  
иқтисодиёт фанлари номзоди,  
Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий тадқиқотлар  
институти гурӯҳ раҳбари

**Аннотация:** мақолада Нобель мукофоти совриндори Пол Кругманнинг янги иқтисодий география назарияси мөмчияти ёритиб берилган. Унга кўра, П.Кругман ҳудудлар ўртасида ишчилар ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришилар ва унга таъсир кўрсатувчи омилиларни ҳамда 3 хил (маҳаллий бозор, турмуши қиймати, рақобат) самаранинг миграцияга таъсирини ўрганиб, "марказ – чекка ҳудуд" тамойили асосида ҳудудий ривожланиши қонуниятларини очиб берган.

**Калил сўзлар:** миқёс самараси, тежамкорлик, моделиштириши, технология, уй хўжалиги, саноат, ҳудуд, иш хақи.

### **Новая экономическая география: теория и практика**

**Сайдфозил Зокиров,**  
кандидат экономических наук,  
руководитель группы Института  
прогнозирования и макроэкономических исследований

**Аннотация:** в статье освещается сущность новой теории экономической географии лауреата Нобелевской премии Пола Кругмана. Согласно данной теории, П.Кругман изучил изменения в перемещении рабочей силы между регионами и факторов, влияющие на это, а также влияние 3-х типов (местный рынок, стоимость жизни, конкуренция) эффектов масштаба на миграцию и выявил закономерности регионального развития по принципу «центр - периферия».

**Ключевые слова:** эффект масштаба, экономия, моделирование, технология, домохозяйство, промышленность, регион, заработная плата.

### **New economic geography: theory and practice**

**Sayidfozil Zokirov,**  
PhD in Economics,  
Group manager Institute for Forecasting and  
Macroeconomic Sciences Researcher

**Abstract:** the article highlights the essence of the new theory of economic geography by Nobel Prize laureate Paul Krugman. According to this theory, P.Krugman studied changes in the movement of labor between regions and the factors influencing this, as well as the influence of 3 types (local market, cost of living, competition) of scale effects on migration and identified patterns of regional development according to the principle "center - periphery".

**Key words:** economies of scale, economy, modeling, technology, household, industry, region, wages.

УҮК: 658 (5751)

**Тоштемир БЕРДИЕВ,**  
*АТ “Халк банки” Банк стратегияси ва инновацион ривожлантириши  
департаменти директори ўринбосари,  
e-mail: toshtemir.berdiev82@mail.ru*

## **Англо-Американ моделига асосланган корпоратив бошқарувнинг амалдаги ҳолати** (HSBC Holdings Public Limited Company банки мисолида)

Корпоратив бошқарув англо-американ (аутсайдерлик) модели АҚШ, Канада, Буюк Британия, Янги Зеландия ва Австралия каби давлатлар учун хосдир. Ушбу мамлакатларда компанияларнинг капитал эгалари асосан институционал ва хусусий сармоядорлар бўлиб, уларнинг мақсадлари қисқа муддатда курсдаги фарқдан даромад олиш ҳисобланади. Улар фонд бозори орқали компания капиталини шакллантиришда иштирок этадилар, шунинг учун ушбу модел аутсайдерлик модели деб аталади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши корпорациянинг юқори бошқарув органи ҳисобланади. Корпорация кўп сонли эгаларига (миноритар акциядорларга) тегишли, яъни компания акцияларининг 2–5 фоизига эгалик қилувчи акциядорни йирик акциядор деб аташ мумкин. Акциядорлар сони юз минглаб бўлиши сабабли, ушбу йиғилишлар кўпроқ расмий характерга эга.

Англо-Американ моделидаги асосий бошқарув органи компания фаолиятини бошқарадиган, акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш кафолати ва корпоратив бошқарув меъёрлари ва тамойилларига риоя қилинишини таъминлайдиган директорлар кенгаши ҳисобланади [1]. Директорлар кенгаши компаниянинг уставида кўзда тутилган президентни, бош ижрочи директорни, вице-президентларни, хазиначиларни ва бошқа раҳбарларни сайлайди ва тайинлади. Бош ижрочи директор (Chief Executive Officer – CEO) одатда жуда катта ваколатларга эга бўлиб, у директорлар кенгаши ва акциядорлар олдида жавоб беради. Англо-Американ моделида акциядорларнинг манфаатларини бир-бiriга боғлиқ бўлмаган, компания бошқаруви кучли таъсирида бўлган кўплаб кичик сармоядорларни ҳимоя қиласди. Компанияни ҳақиқий бошқариш

профессионал менежерлар томонидан амалга оширилади. Ушбу моделни қўллашда асосий муаммо компания эгалари ва ёлланган менежерлар ўртасидаги муносабатлардир. Шу муносабат билан, ушбу моделда корпорацияни бошқариш устидан назорат қилишнинг асосий воситаси фонд бозорининг ро-лидир. Таъкидлаш керакки, Англо-Американ моделида банклар аҳамиятсиз рол ўйнайди. 1933 йилда банк ташкилотларига ўзларининг ихтиёрида бошқа компанияларнинг овоз берувчи акцияларининг 5 фоизидан кўпроғини тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилишни тақиқловчи Гласс–Стигал қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши сабаби фонд бозорида спекуляцияларнинг олдини олиш, операцияларнинг "шаффоғлиғи"ни таъминлаш ва тижорат банкларидаги депозитлар тўғрисидаги маълумотлар махфийлигини таъминлашдир. Шунингдек, қонун банкларнинг тижорат ва инвестицион фаолиятининг бирлашиши натижасида келиб чиқадиган манфаатлар тўқнашувларини бартараф этишга қаратилган.

Англия-Америка моделининг иштирокчилари бу менежмент, директорлар ва акциядорлар, давлат идоралари, биржалар, ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари ва корпорацияларга корпоратив бошқарув ва ишончли вакилларга овоз бериш бўйича маслаҳат берадиган консалтинг компаниялардир. Корпоратив бошқарув тизими иштирокчилари, яъни "корпоратив бошқарув учбурчаги" – бу менежмент, директорлар кенгаши ва акциядорлардир [2].

Ушбу модел бошқа моделларга қараганда кўпроқ маълумотларнинг очиқлигини талаб қиласди. Акциядорларнинг йиллик ҳисботига ёки йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига қўйидаги маълумотлар киритилиши керак: молиявий

маълумотлар, капитал таркиби тўғрисидаги маълумотлар, тайинланган директорларнинг олдинги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, бошқарув учун умумий мукофот миқдори, устав капиталининг 5 фоиздан ортиқ акциядорлари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар бўлиши шарт [3].

Англо-Американ (аутсайдерлик) модели банк амалиётидаги холатини HSBC Holdings Public Limited Company банки мисолида таҳлил қилиб ўтамиш.

HSBC Holdings plc банки дунёдаги энг йирик молиявий конгломератлардан бири, активлар ва бозор капиталлашуви жиҳатидан Буюк Британиянинг энг йирик банкидир.


Forbes Global 2000 рейтинги бўйича дунёдаги энг йирик оммавий компаниялар рейтингида 2018 йилда 17-ўринни, энг қиммат брендлар рўйхатида эса 52-ўринни эгаллади. 2017 йилда у активлар ҳажми бўйича энг йирик банклар рўйхатида 7-ўринни эгаллади [4]. Бош офис Лондонда жойлашган. HSBC Holdings Public Limited plc банки чакана тармоғи Осиё, Европа, Шимолий Америка, Жанубий Америка ва Африканинг 64 мамлакатида 3900 га яқин филиалларни ўз ичига олади ва қарийб 40 миллион мижозларга хизмат кўрсатади, фаолиятнинг асосий худудлари Буюк Британия ва

Гонконг ҳисобланади. Дунёнинг 130 давлатида 197 мингдан ортиқ акциядорга эга бўлиб, 64 та давлатда 235 минг ходим фаолият юритмоқда [5].

2019 йил 31 декабрь ҳолатига бошланғич нархи 0,50 АҚШ долларидан иборат бўлган оддий акцияларнинг сони 20,2 млн. донани, оддий акция учун диведент 0,51 АҚШ доллари ташкил этди [5].

Самарали корпоратив бошқарув HSBC Holdings plc банки имиджининг бир қисмидир. Шу сабабли, банк ўз фаолиятини самарали корпоратив бошқарув тамойиллари ҳамоҳанглигига олиб боради. Ўз-ўзини тартибга солиш воситаси сифатида корпоратив бошқарув кодекси шаффофф ва намунали корпоратив бошқарув бўйича тавсиялар ва таклифларни ўз ичига олади. Банкда корпоратив бошқарувни Буюк Британия ва Гонконг қонунлари ва 2018 йил Буюк Британия ва Ирландия Молиявий ҳисботлар бўйича кенгаши (FRC) томонидан қабул қилинган Буюк Британия корпоратив бошқарув кодекси (The UK Corporate Governance Code) асосида амалга оширади. Аввало, корпоратив бошқарув ва назорат механизmlарини янада шаффофф қилиш ва шу билан иқтисодиётнинг юқори даражаларига инвесторларнинг ишончини кучайтиришга қаратилган.

HSBC Holdings plc директорлар кенгаши таркиби бир босқичдан (One-tier Board System) иборат:



1-расм.HSBC Holdings plc нинг корпоратив бошқарув тузилмаси [6].

Директорлар кенгаси гурухнинг узоқ муддатли муваффақиятларини кўллаб-куватлаш, сармоядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар учун барқарор қийматни таъминлаш, шунингдек, хабардорлик, ошкоралик ва мунозаралар маданиятини тарғиб қилиш тарафдори. Директорлар кенгаси раиси бошчилигидаги бошқарув стратегия ва таваккалчилликни белгилайди. Шунингдек, бошқарув томонидан тавсия этилган стратегик мақсадларга эришиш учун капитал ва операцион режаларни тасдиқлади. Мустақил директорлар бошқарув олдида жавобгар бўлиб, ижро этувчи директорлар ўз вазифаларини лозим даражада бажаришини таъминлайдилар. Кенгаш аъзоларининг аксарияти мустақил директорлар ҳисобланади. Ижро бўлмаган ва мустақил директорлар HSBC Holdings plc гуруҳ ичida бошқа лавозимда фаолият олиб боришлари мумкин, ижро чи директорларга эса бу тақиқланади.

Барча директорлар ҳар йили қайта сайланиши керак бўлади. Кенгаш қарорларни ўз ичига олган ҳужжатларда ҳар бир директорни сайлаш учун уларнинг ҳиссаларининг аниқ сабабларини белгилаб қўйиши ва компаниянинг узоқ муддатли барқа-


рор муваффақияти учун муҳим бўлиб қолиши керак. Кенгаш Раиси ўз лавозимида, биринчи марта тайинланган кундан бошлаб, узоги билан тўқизйил қолиши мумкин [7].

Директорлар кенгаси тўғридан-тўғри акциядорларга ҳисобот беради. Ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йигинида директорларни қайта сайлаш учун овоз берилади.

Бошқарув компаниянинг ўз мақсадларига эришиш учун зарур ресурслар мавжудлигини таъминлайди. Кенгаш, шунингдек, хавфларни бошқариш ва бошқариш учун имкон берадиган оқилона ҳамда самарали бошқарув тизимини яратади.

HSBC Holdings plc директорлар кенгаси фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида кенгаш қошида 5 та қўмита ташкил қилинган.

Қўмиталар – бу HSBC Holdings plc турли хил фаолиятларини ташкил қилиш ва назорат қилишда тўла ваколат берилган кичик гурухлардир. Ҳар бир доимий комиссияга ижро бўлмаган кенгаш аъзоси раислик қиласи ва аниқ мавзууларни кўриб чиқиши ваколатига эга.



2-расм. HSBC Holdings plc нинг директорлар кенгаси қўмиталари тузилмаси [7].

Қўмитанинг барча аъзолари ижро бўлмаган мустақил директорлар ҳисобланади. Бир киши бир неча қўмита аъзоси бўлиши мумкин. Барча директорлар йил якунлари бўйича қайта сайланишга мажбурдирлар.

1. Гурухнинг аудит қўмитаси қўйидагилар учун жавобгардир:

- молиявий ҳисботларнинг ишончлилигини мониторинг қилиш;
- молиявий ҳисбот билан боғлиқ ички назорат тизимларини бошқариш;
- глобал ички аудитнинг самарадорлигини мониторинг ва таҳлил қилиш;



- компаниянинг молиявий-бухгалтерия сиёсати ва амалиётини таҳлил қилиш;

- ташқи аудиторни бошқариш ва иш ҳақини тўлаш ҳамда ташқи аудиторни тайинлаш бўйича Директорлар кенгашига тавсиялар ишлаб чиқиши.

2. Гурухнинг риск бўйича қўмитаси қўйидагилар учун жавобгардир:

- Директорлар кенгашига юқори даражадаги таваккалчиликлар ва хатарларни бошқариш, шу жумладан жорий ва прогноз қилинадиган хавфлар, келажақдаги хавф стратегияси ва гурухдаги таваккалчиликларни бошқариш бўйича маслаҳат бериш;

- риск ва хавф-хатарларга бардошлилк бўйича кенгашга маслаҳат бериш;

- гурухнинг рискларни бошқариш тизими ва ички назорат тизимларининг самарадорлигини таҳлил қилиш (Аудит қўмитаси жавобгар бўлган ички молиявий назорат тизимлари бундан мустасно);

- ижро назоратини мониторинг қилиш ва хатарларни бошқариш;

- HSBC Holdings plc нинг ахборот хавфсизлиги мұхити ва кибер-хавфсизлик тизими билан боғлик масалаларни назорат қилиш;

- гурухнинг мукофот бериш бўйича қўмитасига мукофотларнинг риск даражасини камайтириш бўйича маслаҳат бериш.

3. Гурухнинг мукофотлаш қўмитаси қўйидагилар учун жавобгардир:

- компаниянинг иш ҳақи сиёсатини акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун Директорлар кенгашига тавсиялар бериш;

- гурухнинг мукофот сиёсати учун умумий таъмойиллар, параметрлар ва бошқарув тузилмасини яратиш;

- гурухнинг ижрои директорлари ва бошқа юқори лавозимли ходимларига иш ҳақини тасдиқлаш;

- компаниянинг ва унинг шўъба корхоналарининг иш ҳақини тўлаш сиёсати самарадорлигини рискларни изчил ва самарали бошқариш нуқтаи назаридан мунтазам таҳлил қилиш.

Қўмита директорларининг ҳеч бири ўзларининг иш ҳақини белгилашда қатнашмайди.

**4. Тайинловлар ва корпоратив бошқарув қўмитаси қўйидагилар учун жавобгардир:**

- Кенгашни тайинлаш жараённига раҳбарлик қилиш, шунингдек Кенгаш ва унинг қўмиталарига тайинлаш учун номзодларни аниқлаш ва Кенгаш томонидан тасдиқлаш учун тақдим этиш;

- HSBC Holdings plc нинг асосий шўъбалари директорлар кенгашига тайинланишларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

- Директорлар кенгаши аъзолари ва бошқа юқори мартабали раҳбарларнинг ворислик режалаштиришга тўлиқ эътибор бериш;

- компаниянинг ва унинг шўъба корхоналарининг корпоратив бошқарув тузилмаси устидан назорат ва мониторинг олиб бориш ва ушбу тузилма корпоратив бошқарувнинг энг яхши стандартлари ва амалиётига мос келишини таъминлаш мақсадида Директорлар Кенгashi учун тавсиялар ишлаб чиқиши.

5. Раислик қўмитаси қўйидагилар учун жавобгардир. Бизнесни бошқариш учун режалаштирилган фавқулодда тасдиқлашни талаб қиласидан муаммоларни хал қилишда режалаштирилмаган кенгаш йиғилишлари ўртасида кенгаш номидан иш олиб боради.

HSBC Holdings plc да Директорлар кенгаши ва акциядорлар ўртасида маълумотли ва конструктив

мулоқот учун самарали корпоратив бошқарув жуда мұхим ҳисобланади. Банк акциядорлар билан уларнинг эхтиёжларини қондириш учун алоқа ўрнатишига интилади. Янги акциядорларга маълумотлар қоғоз кўринишида, ҳамда веб-сайт орқали етказиб берилади. Ўзаро алоқада ошкоралик, аниқлик, ўз вақтида тақдим этиш ва маълумотларнинг долзарбилигига эътибор қаратилади. Ҳар қандай индивидуал ёки институционал инвестор HSBC Holdings plc гурухига мурожаат қилиб, Гурух раиси, Баш ижрочи директор, гурух молия директори ёки гурух компаниясининг котиби ва Баш ижрочи директор билан алоқа қила олади. HSBC Holdings plc банки ўз фаолиятини корпоратив бошқарувнинг асосий таомойили – шаффоффлик асосида амалга ошироқада. Банкнинг акционерлар таркиби асосан майда инвесторлардан иборат бўлиб, асосий қарорларни директорлар кенгаши қабул қиласи. Кенгаш қошидаги қўмиталар фаол иш олиб боради. Мустақил директорлар жалб қилиш амалиёти кенг қўлланилади. Бу эса ўз-ўзидан қўмиталар фаолиятида ижрочи директорлар таъсирини камайтиришига ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Англо-Американ моделда акцияларнинг 20-30%и акцияларнинг назорат пакетига эгалик қилувчи акционерлар кўлида узоқ муддат сақланиб қолади, 70-80% акциялар эса мобил, яъни фонд бозорида сотилади ва эгаларини тез ўзгарирадилар. Бу ўринда акциялар томонидан корпорация бошқарувини назорат қилишнинг асосий воситаси сифатида фонд бозорининг роли ошади. Корпоратив бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари айнан мулкнинг тарқоқлиги билан боғлиқ. Миноритар акциядорлар менежерлар устидан назоратнинг етарли ваколатлари ва усулларига эга эмаслар, бундай вазиятда корпорация устидан реал назоратни менежерлар кўлга киритадилар.

Англо-Американ моделининг афзаллиги - фонд бозори орқали катта миқдордаги сармояларни жалб қилиш қобилиятидир. Бундан ташқари, ушбу корпоратив бошқарув моделининг яна бир хусусияти, фаолият шаффоффлиги даражасини оширишидир. Молиявий маълумотларнинг эркин тасаруфда бўлиши, ҳалқаро корпоратив бошқарув стандартларини кўллайдиган компанияларга инвесторларнинг юқори даражада ишончини шакллантиришига имкон беради.

Англо-Американ моделининг камчилиги - унинг қимматли қоғозлар бозори таъсирида намоён бўладиган спекулятив мулоҳазалар асосида компания

активларининг ҳақиқий қийматини бузиб кўрсатилишидир. Бу холат молиявий инқирозлар даврида яққол намоён бўлади.

Банклар устав капиталининг юқори даражада концентрацияси ва капиталнинг асосий қисми давлатга тегишлилиги мамлакатимиз банк тизимининг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсирир кўрсатмоқда. Хусусан, Ўзмиллийбанкнинг - 100%, Ўзсаноатқурилишбанкнинг - 96,1%, Асака банкнинг - 100%, Ипотека банкнинг - 94,7%, Агробанкнинг - 97,2%, Ҳалқ банкнинг-100%, Алоқа банкнинг - 97,7%, Турон банкнинг - 97,9%, Микрокредитбанкнинг - 97,8%, Қишлоқ қурилиш банкнинг - 98% капитали давлатнинг бир ёки икки ташкилотига тегишли [8]. Бу холат жадал ривожланётган жаҳон иқтисодиётига банкларимизнинг мослашувчанлик ва ўзгаришларга сезирлик дараҷасини пасайтироқада.

Фикримизча, Англо-Американ моделининг ютуқ томонларидан бири бўлмиш банклар капитали асосан миноритар акционерларга тақсимланишини мамлакатимиз банк тизимиға тадбиқ этиш мақсадга мувофик бўлади. Яъни бир шахсга банклар акцияларининг 5 фоизидан кўпроғига тўғридан-тўғри ёки билвосита эгалик қилишни қонуний тақиқлашнинг чора-тадбирини кўриш керак. Бу ўз-ўзидан банкларга чет эллик ва маҳаллий инвесторларнинг қизиқишининг ошишига, бу орқали банклар акцияларининг фонд бозоридаги айланишини тезлаштириб, акциялар нархлари ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

Англо-Американ модели бошқа моделларга қараганда кўпроқ маълумотларнинг очиқлигини талаб қиласи. Банк акциядорлари акциялар сонидан қаттий назар акциядорларнинг йиллик ҳисоботи ёки йиллик умумий йиғилишининг кун тартиби маълумотлари, молиявий маълумотлар, директорларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, менежментнинг мукофот миқдори, йирик акциядорлар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа зарурий маълумотларни тўғридан-тўғри ола билиш имкониятига эга бўлишлари кафолатланган бўлиши зарур.

Банкларимиз ўз фаолиятлари шаффоффлиқ дараҷасини оширсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

**Бунинг учун қўйидаги омилларга эътибор бериш керак:**

Биринчидан, банклар имкон қадар барча манфатдор томонлар (стейкхолдер) гурухларини турли лойиҳаларга жалб қилишлари, банкдаги турли жа-

раёнларни такомиллаштириш, умумий муаммоларни аниқлаш мақсадида корпоратив лойихалар ва дастурларни амалга оширишда халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш амалиётини күпроқ күллаш, эришилган натижаларни оммавий ахборот восьиталарида кенг ёритиб бориши;

иккинчидан, барча манфаатдор томонлар (стейхолдер) гурухлари билан ўзаро алоқа механизми ташкил этиш, оммавий ахборот восьиталарида кенг миқёсда маълумотлар бериш, унинг ёрдамида корпоратив сиёсатни тўғрилаш, мижозлар ва шериклар билан ишончли муносабатларни ўрнатишлари зарур.

Shveytsariya Konstitutsiyasiga binoan, davlat ahamiyatiga molik bo'lgan mulklarni musodara qilish yoki cheklash faqat istisno tariqasida qayta ko'rib chiqilishi mumkin. Yani yirik infratuzilma va jamoat bino-inshootlari, avtomobil yo'llari, temir yo'llar va aeroportlar qurilishi to'liq moliyalashtirish yoki zararni to'liq qoplab berish sharti bilan amalga oshiriladi. Bunda nizolar paydo bo'lganda, kantonlar va federal sudlar tomonidan hal qilinadi. Agar bu holda nizolar echimi qoniqlantirmasa Inson huquqlari bo'yicha Yevropa Konvensiyasi tomonidan belgilangan normalar asosida ko'rib chiqiladi [7].

Xalqaro mulk huquqi indeksi (International Property Rights Index) 2020 yil hisoboti bo'yicha Shveytsariyaning XMHI ko'rsatkichi -0,042 ga pasayib, 8,53 ga etdi va G'arbiy Evropa mintaqasida 2-o'rinni va dunyoning 189 davlatlari orasida 2-o'rinni egalladi. Jahon valyuta fondi tomonidan Shveytsariya Iqtisodiyotni rivojlantirish guruhining bir qismi, Jahon banki tomonidan esa "Yuqori daromadli mamlakat" deb tasniflanadi.

Yuridik va siyosiy subindekslari 0,018 ga o'sib, 8,621 ga etdi, sud mustaqilligi bo'yicha 8,701, qonun ustuvorligi bo'yicha 8,862, siyosiy barqarorlik bo'yicha 7,901 va korruptsiyani nazorat qilish bo'yicha 9,019 ball. Yig'gan. Jismoniy mulk huquqi subindekslari -0,059 ga pasayib, 8,366 gacha bo'lib, mulk huquqlarini himoya qilishda 9,04 ball, mulkni ro'yxatga olishda 9,491 va kreditlarga kirish qulayligi 6,567 ballni tashkil etdi.

Intellektual mulk huquqlari subindekslari -0,086 ga kamayib, 8,603 gacha bo'lib, intellektual mulkni muhofaza qilishda 8,825 ball, Patent muhofazasida 9,083 va Mualliflik huquqini himoya qilishda 7,9 ballni tashkil etdi.

Shuningdek, Shveytsariya (OECD, EFTA) mintaqaviy integratsiya shartnomalarining a'zosi hisonlanadi [8].

Germaniya Federativ Respublikasining "Huquqiy himoya kafolati" to'g'risidagi qonuning 19-moddasining 4-bandи insonning o'ziga xos o'z huquqlari buzilgan taqdirda amalga oshiriladi. Shu

munosabat bilan Germaniya Federativ Respublikasining ushbu qonuniga muvofiq fuqarolarning huquqlarini himoya qilish maqsadida "ommabop" da'vo (shikoyat) taqdim etishga yo'l qo'ymaydi. Ba'zi birlashmalar o'zining sub'ektiv huquqlarini emas, balki jamoatchilik manfaatlarini himoya qilishda "ommaviy" sudda'vosida yoki "Altruistik ommaviy da'vo" orqali himoya qilishga harakat qiladi. Bu jarayon qonun chiqaruvchi oddiy qonun xujjatlari bilan ushbu birlashmalarga vakolatni sudga da'vo kiritmagunga qadar davom etadi. Agar huquqlarni himoya qilishning konstitutsiyaviy-huquqiy ta'minotidan kelib chiqadigan bo'lsak, Germaniyada ayrim yerlar uchun sudllarga va jamoa sub'ektlariga da'vo ariza kiritish imkoniyati mavjud. Masalan, atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida.

Odatda, fuqarolik ishining natijalari bo'yicha bitta sud qarori kifoya qiladi. Shu bilan birga, bir qator davlatlarda ixtiyoriy sheriklar, dastlabki va qarshi da'volar, uchinchi, shaxslarning da'volari bo'yicha alohida qarorlar qabul qilishga ruxsat beriladi (masalan, Germaniya fuqarolik kodeksining 300-moddasida ko'rsatilgan).

Germaniyada turli xil ilmiy va ilmiy-tadqiqot muassasalari mavjud bo'lib, ular yuqori darajadagi avtonomiylar va o'zaro ta'sirlarning ko'pligi bilan ajralib turadi. Bundan tashqari, Germaniya xususiy mulk to'g'risidagi qonunchiligining o'ziga xos xususiyatiga egadir, bu yuqori darajadagi tafsilotlar bilan ajralib turadi bunda: "Patent advokatlari to'g'risida" kodeks, "Patent to'g'risida"gi qonunlar, "Sanoat namunalarini huquqiy himoya qilish to'g'risida", "Mualliflik huquqi va qo'shni huquqlar to'g'risida", "Tovar belgilarini va boshqa belgilarni himoya qilish to'g'risida", "Foydali model to'g'risida", "Tashkilotlar tomonidan mualliflik huquqi va huquqlarni boshqarish to'g'risida", "Sanoat mulkiga bo'lgan huquqlarni kengaytirish to'g'risida", "Germaniya patent va tovar belgilari idorasini va Federal patent sudining xarajatlari to'g'risida", "fuqarollarning ixtiolarini himoya qilish to'g'risida", "Qoidalarni amalga oshirish tartibi to'g'risida", "Belgilarni xalqaro ro'yxatdan o'tkazish to'g'risida", va boshqalar qonunchilikni tartibga solishda tizimini yaratishga asos bo'lib xizmat qilib kelmoqda [9].

Germaniya Xalqaro mulk huquqi indeksi (International Property Rights Index) 2020 yil hisoboti bo'yicha Germaniyaning XMHI ko'rsatkichi -0,109 ga pasayib, 7,741 ga etdi va G'arbiy Evropa mintaqasida 9-o'rin dunyoda 16-o'rinni egalladi.

Yuridik va siyosiy subindekslari -0,062 ga pasayib, 7,599 ga etdi, sud mustaqilligi bo'yicha 6,688, qonun ustuvorligi bo'yicha 8,261, siyosiy barqarorlik bo'yicha

6,56 va korruptsiyani nazorat qilish bo'yicha 8,893. Jismoniy mulk huquqi subindexi -0,114 ga pasayib, 7,483 gacha bo'lib, mulk huquqlarini himoya qilishda 7,185 ball, mulkni ro'yxatdan o'tkazishda 8.34 va kreditlarga kirish qulayligi bo'yicha 6,923 ballni tashkil etdi.

Intellektual mulk huquqlari subindekslari - 0,151 ga pasayib, 8,142 gacha bo'lib, intellektual mulkni muhofaza qilish idrokida 7.094 ball, patentni himoya qilishda 9,333ball va mualliflik huquqini himoya qilishda 8 ballni tashkil etadi [10].

Amerika Qo'shma Shtatlarida xususiy institut davlatning har qanday jamoatchilik bilan aloqalar tizimida markaziy o'rnlardan birini egallaydi, bu borada Amerika qonunlarida o'ziga xos modellarga ega: oddiy va murakkab tizimlar.

Amerika mulk huquqi tizimida, mulk huquqi ob'ektlari umumiy doirasidan yer ajratadi va davlat imtiyozlarini belgilaydi (eminent domain), ya'ni jamoa ehtiyojlari uchun mol-mulkni qaytarib olish mumkin. Bundan tashqari, mulkdorning uzoq muddatda o'ziga tegishli bo'lgan mol-mulkni tasarruf etishi qonunan mustahkamlab qo'yilmagan.

Xususiy mulk huquqlari himoyasini mustahkamlash bo'yicha davlatning pozitsiyasi savdo to'siqlari to'g'risidagi yillik hisobotda o'z aksini topgan bo'lib bu AQSH Senati Moliya qo'mitasiga AQSH savdo vakili tomonidan tayyorlangan. Federal tergov byurosi, Adliya va bojxona vazirligining birgalikdagi ishi xususiy mulk huquqlarini himoya qilishni ta'minlaydi. Har yili xususiy mulk huquqlarini samarali himoya qilishni ta'minlamaydigan "maxsus hisobot 301" ro'yxati tuziladi [11].

Tahlil natijasida qayd etilgan davlat tajribasini tahlil qilganda mulk huquqlari, sudlar samaradorligi va korrupsiyon holatlarning mavjud emasligi mahalliy idoralar va sud tizimlari har tomonlama mustahkamlab qo'yilganini ko'rishimiz mumkin.

Xalqaro mulk huquqi indeksi (International Property Rights Index) 2020 yil hisoboti bo'yicha Amerika Qo'shma Shtatlarining XMHI ko'rsatkichi -0,153 ga pasayib, 8,05 gacha bo'lib Shimoliy Amerika mintaqasida 1-o'rinni va dunyoda 13-o'rinni egalladi.

Huquqiy va siyosiy subindekslari -0.254 ga kamayib, 7,229 gacha bo'lib, sud mustaqilligi bo'yicha 7,038, qonun ustuvorligi bo'yicha 7,907, siyosiy barqarorlik bo'yicha 6,324 va korrupsiyani nazorat qilish bo'yicha 7,646 ball bilan qayd etildi.

Jismoniy mulk huquqlari subindekslari -0.115 ga pasayib, 8,229 gacha bo'lib, mulk huquqlarini muhofaza qilishda 7.6 ball, mulkni ro'yxatdan o'tkazishda 9.523

va kreditlarga kirish qulayligi bo'yicha 7.563 ballni tashkil etdi.

Intellektual mulk huquqlari subindekslari -0,088 ga kamayib, 8,693 bal, intellektual mulkni muhofaza qilishda 7,828 ball, patent muhofazasida 9,75 va mualliflik huquqini himoya qilishda 8,5 ballni tashkil etgan [12].

Yuqoridagilarni inobatga olib, ko'rsatib o'tilgan kamchiliklarni kompleks va tezkor hal etishni, barcha darajadagi davlat organlarining yagona uslubiy rahbarlik ostida o'zaro muvofiqlashtirilgan hamkorlik qilishini, xususiy mulkning ishlashi, yer uchastkalarini realizatsiya qilish, tender savdolarini o'tkazish hamda davlatga tegishli bo'lmanan bino va inshootlarni buzishga oid aniq va lo'nda huquqiy normalarni yaratishni, tadbirkorlik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlashni, aholining keng qatlamlarini biznes bilan shug'ullanishga faol jalb etishni talab etiladi.

Ushbu kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida Davlatimiz rahbari tomonidan 2019 yil 13 avgustdag'i "Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlarini kuchaytirish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash borasidagi ishlarni tashkil qilish tizimini tubdan takomillashtirish, shuningdek, tadbirkorlik sub'ektlarining moliyaviy resurslar va ishlab chiqarish infratuzilmasidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish to'g'risida"gi farmoni qabul qilinganligi barcha masalalarga oydinlik kiritishga sabab bo'ldi [13].

Farmonga asosan xususiy mulk bilan bog'liq kamchiliklarni kompleks va tezkor hal etish, barcha darajadagi davlat organlarining yagona uslubiy rahbarlik ostida o'zaro muvofiqlashtirilgan hamkorlik qilishini yo'lga qo'yish, yer uchastkalarini realizatsiya qilish, tender savdolarini o'tkazish hamda davlatga tegishli bo'lmanan bino va inshootlarni buzishga oid aniq va lo'nda huquqiy normalar yaratildi. Bu esa tadbirkorlik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash va ertangi kunga bo'lgan ishonchi, aholining keng qatlamlar biznes bilan shug'ullanishiga imkon yaratadi desak noo'rin bo'lmaydi.

Hozirgi kunda O'zbekiston deyarli barcha Xalqaro reytinglarda o'z ishtirokini ta'minlab kelmoqda, amalga oshirilayotgan islohotlarning samaradorligi barcha Xalqaro indekslarda o'z mavqeyini ko'rsatmoqda, Shuni alohida ta'kidlash kerakki, O'zbekistonda nafaqat mamlakat iqtisodiyotida, balki siyosiy-iijtimoiy va huquqiy kabi muhim sohalarda ham ijobji tendensiya ko'zatilmoqda. Bu esa mamlakatlar orasida har tomonlama rivojlanishga olib keladi.

Birgina misol, yaqinga Heritage Foundation tadqiqot instituti ekspertlari tomonidan 2021 yil uchun "Iqtisodiy erkinlik indeksi"ni e'lon qildi. Unda O'zbekiston 108-qatordan joy oldi va o'tgan yilga nisbatan 6 pozitsiyaga ko'tarildi [14].

Ushbu indeks 12 ta asosiy ko'satkichlar bo'yicha hisoblanganda o'rtaча ball 58,3% ni tashkil etdi (+1,1 balli o'sish), birinchi navbatda, sud tiziminining samaradorligi ya'ni mulk huquqi bo'yicha 57 (-1,3), Sud samaradorligi, 50,8 (+16,6), Hukumat yaxlitligi bo'yicha 30,5 (+2,3) pog'onaga ko'tarilganligi barcha sohada olib borilayotgan islohotlar natijasi hisoblanadi [15].

**O'zbekistonda Xususiy mulkning daxlsizligini yanada takomillashtirish va Xorijiy mamlakatlar tajribasini inobatga olgan holda quyidagi ishlarni amalga oshirish taklif etiladi:**

- O'zbekistonni Xalqaro mulk huquqi indeksi (International Property Rights Index)da bosqichma-bosqich aks ettirish va yo'l xaritasi loyihasini ishlab chiqish lozim;

- mulk huquqi al'yansi mutaxassislar ishtirokida intellektual va jismoniy mulk himoyasi masalalari bo'yicha fikr almashish va seminarlar tashkil etish;

- mulk huquqi al'yansi va O'zbekistonning tadqiqot institutlari o'rtasida respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlarni baholash va xususiy mulk huquqi kafolatlarini mustahkamlash yuzasidan choratadbirlar rejasini ishlab chiqish;

- xalqaro mulk huquqi indeksining huquqiy va siyosiy subindekslari, 1-sud mustaqilligi bo'yicha, 2-qonun ustuvorligi bo'yicha, 3-siyosiy barqarorlik bo'yicha, 4-korrupsiyani nazorat qilish bo'yicha;

- jismoniy mulk huquqlari subindekslari: 1-mulk huquqlarini muhofaza qilish, 2-mulkni ro'yxatdan o'tkazish va 3- kreditlarga kirish qulayligi bo'yicha;

- intellektual mulk huquqlari subindekslari, 1-Intellektual mulkni muhofaza qilish, 2-patent muhofazasida, 3-mualliflik huquqini himoya qilishni yanada mustahkamlash ishlari olib borilishi lozim.

### **Manba va adabiyotlar**

1. Korxona va tashkilotlar demografiyasi. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistikka/usreo-2>. stat.uz. (n.d.).

2. 163-I-con 21.12.1995. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining birinchi qismini tasdiqlash to'g'risida. <https://lex.uz/docs/-124764>.

3. 156-XII-con 01.11.1990. O'zbekiston SSRda ijroiya va boshqaruvin hokimiyatining tuzilishini takomillashtirish

hamda O'zbekiston SSR Konstitutsiyasi (asosiy qonuni)ga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida. <https://lex.uz/docs/-351253>.

4. <https://www.gov.kz/memleket/entities/adilet>. <http://www.adilet.gov.kz/ru/articles/spravka-o-provedennyh-i-provodimyh-reformah-dlya-ukrepleniya-poziciy-rk-v-reytinge-gik-vef.gov.egov.kz>. (n.d.).

5. [www.internationalpropertyrightsindex.org](https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/finland). (n.d.). Finland. <https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/finland>

6. Орынбековна, К.Ж. (2019). Международный опыт ведущих стран по рейтингу глобального индекса конкурентоспособности Всемирного экономического форума по защите права собственности и Интелле. Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан, [https://cyberleninka.ru/article/n/mezhnarodnyy-opyt-veduschih-stran-po-reytingu-globalnogo-indeksa-konkurentosposobnosti-vsemirnogo-ekonomicheskogo-foruma-po](https://cyberleninka.ru/article/n/mezhunarodnyy-opyt-veduschih-stran-po-reytingu-globalnogo-indeksa-konkurentosposobnosti-vsemirnogo-ekonomicheskogo-foruma-po).

7. Trade mark law - Swiss Federal Institute of Intellectual Property. <https://www.ige.ch/en/law-and-policy/national-ip-law/trade-mark-law.html>. www.ige.ch. (n.d.).

8. [www.internationalpropertyrightsindex.org](https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/switzerland). (n.d.). Switzerland. <https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/switzerland>.

9. Орынбековна, К.Ж. (2019). Международный опыт ведущих стран по рейтингу глобального индекса конкурентоспособности Всемирного экономического форума по защите права собственности и Интелле. Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан, [https://cyberleninka.ru/article/n/mezhnarodnyy-opyt-veduschih-stran-po-reytingu-globalnogo-indeksa-konkurentosposobnosti-vsemirnogo-ekonomicheskogo-foruma-po](https://cyberleninka.ru/article/n/mezhunarodnyy-opyt-veduschih-stran-po-reytingu-globalnogo-indeksa-konkurentosposobnosti-vsemirnogo-ekonomicheskogo-foruma-po).

10. [www.internationalpropertyrightsindex.org](https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/germany). (n.d.). Germany. <https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/germany>

11. Тягай Е.Д. Модели права собственности в современном праве США // Вестник РУДН. Серия «Юридические науки». – 2009. – № 4. – С. 41.

12. [Internationalpropertyrightsindex.org](https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/united-states-of-america). (2019). United States of America <https://www.internationalpropertyrightsindex.org/country/united-states-of-america>

13. PF-5780-сон 13.08.2019. Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlarini kuchaytirish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash borasidagi ishlarni tashkil qilish tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar, shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy resurslar va ishlab chiqarish infratuzilmasidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish to'g'risida: <https://lex.uz/docs/-4473481>.

14. EconomyPress (2021). Узбекистан поднялся в Индексе экономической свободы 2021 на 108 позицию рейтинга. <https://telegra.ph/Uzbekistan-podnyalsya-v-Indeksse-ekonomicheskoy-svobody-2021-na-108-poziciyu-reytinga-03-04>

15. Economy Press (2021). Узбекистан поднялся в Индексе экономической свободы 2021 на 108 позицию

рейтинга. <https://telegra.ph/Uzbekistan-podnyalsya-v-Indeksse-ekonomicheskoy-svobody-2021-na-108-poziciyu-reytinga-03-04>.

### **Tadbirkorlarning xususiy mulkining huquqiy asoslari: xorijiy mamlakatlar tajribasi**

**Bunyod Karimov,**

*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar Instituti katta ilmiy hodimi*

**Annotasiya:** ushbu maqolada hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitidagi tadbirkorlik sub'ektlari xususiy mulklari dolzarb muammolarga bag'ishlangan bo'lib, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirishda huquqiy muammolari o'rganilgan va xorijiy davlat xususiy mulk sohasida olib borilgan islohotlari ko'rsatib berilgan. Shuningdek, Xalqaro mulk huquqlari indeksi va uning tarkibiy elementlari o'rganigan.

**Kalit so'zлari:** xususiy mulk, mulk daxsizligi, tadbirkorlar xususiy mulki, huquqni muhofazasi, huquqi kafolatlar.

### **Правовая основа частной собственности предпринимателей: опыт зарубежных стран**

**Бунёд Каримов,**

*старший научный сотрудник Института прогнозирования и макроэкономических исследований*

**Аннотация:** в статье рассматриваются актуальные проблемы частной собственности хозяйствующих субъектов в условиях рыночной экономики, правовые проблемы реализации экономических реформ, а также реформы, проводимые в сфере частной собственности зарубежных стран. Также были изучены Международный индекс прав собственности и его компоненты.

**Ключевые слова:** частная собственность, неприкосновенность собственности, частная собственность предпринимателей, правоохранительные органы, правовые гарантии

### **Legal basis of private property of entrepreneurs: experience of foreign countries**

**Bunyod Karimov,**

*Senior Research, Institute of Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract:** this article examines the current problems of private property of business entities in the current market economy, the legal problems in the implementation of economic reforms and the reforms carried out in the field of private property of foreign countries. The International Property Rights Index and its components were also studied.

**Keywords:** private property, property inviolability, private property of entrepreneurs, law enforcement, legal guarantees.

УЎК: 332.143

Суҳроб МАҲМУДОВ,  
*Қарши давлат университети докторанти,*  
e-mail: smahmudov01@gmail.com

## Тузилмавий ўзгаришлар орқали минтақалар иқтисодий ўсишини таъминлаш

### Кириш

Иқтисодиётни самарали ривожлантириш аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида ривожланаётган ижтимоий муносабатларни инновацион технологиялар бозори томонидан илгари сурилаётган таалабларга мослаштиришни назарда тутади. Бу турдаги иқтисодиётда меҳнат бозоридаги тузилмавий ўзгаришларнинг вазифалари иш билан бандларни иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича оқилона равишда тезкор қайта тақсимлаш; меҳнат унумдорлигини ошириш, кадрлар малакавий даражасини ошириш ва янги профессионал маконни шакллантириш; меҳнат шаклини ўзгартириш, унинг интеллектуаллашуви; ходимнинг инновацион турини шакллантириш; меҳнат жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда янгича усуллардан фойдаланиш; янги турдаги ўзини иш билан мустақил таъминлашни ривожлантириш; бандлик тизимида янгича муносабатларнинг пайдо бўлиши; иш билан бандликнинг мослашувчанлигини оширишдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасида худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолатида қатор фарқли жиҳатларни кузатиш мумкин. Минтақа иқтисодиётининг умумий мувозанати ва тузилмавий хусусиятларини белгиловчи омиллар мажмуи мамлакат худудларига кўра фарқланади. Иқтисодиётнинг трансформацияси шароитида иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи омиллар самарадорлигини аниқлаш худудларни ривожлантириш, минтақавий меҳнат бозорини тартибга солиши ва ундаги устуворликларни белгилаш мақсадларига хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотда омиллар самарадорлигининг жон бошига ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсишига таъсирини аниқлашда Жаҳон Банкининг Шепли декомпозицияси асосидаги ёндашувидан фойдаланилди.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши Шепли декомпозицияси воситасида умумий даражада ва тармоқлар кесимида бир ишчига тўғри келадиган ЯИМ ва иш билан бандликнинг ўзгариши билан боғлиқ ўсиш каби иккита таркибий қисмга ажратилиши мумкин. Кейинги босқичда ўсишнинг тармоқлар ичидаги меҳнат унумдорлиги ўзгариши ва ишчиларнинг тармоқлараро силжиши билан боғлиқ таркибий қисмлари аниқланади. Шу билан бир қаторда, ушбу услубиёт ёрдамида бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ўсиши учун қуйидаги манбаларни ажратиш мумкин: омиллар ялпи самарадорлигининг (ОЯС) ўсиши, иш билан бандликнинг бир тармоқдан иккинчисига ҳаракатланиши ёки капитал-меҳнат нисбати ўзгариши. Бу ўсиш профилининг тасвири деб аталади.

Декомпозиция Жаҳон Банки (ЖБ) томонидан ишлаб чиқилган JoGG [2] (иш ўрни яратиш ва ўсиш декомпозицияси) услубиётига асосланади. ЖБ бандлик даражаси ва унумдорлик ортишининг қашшоқликни камайтиришдаги аҳамиятини Ниқарагуа мисолида таҳлил қилган. Ушбу воситадан Лотин Америкаси, Африка ва Осиёнинг бир қатор мамлакатларида иқтисодий тузилмавий ўзгаришлар [3], Уганда [4], Руанда [5] ва Нигерияда [6] “ишиз ўсиш” ҳолатларини таҳлил қилиш мақсадида фойдаланилган. Аггарвал [7] бу воситадан бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ҳиндистондаги ўсиш, бандлик ва тузилмавий ўзгариш муносабатларига таъсирини таҳлил қилиш учун фойдалangan. Шу билан бир қаторда, ЖБ Ўзбекистоннинг жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсишининг декомпозициясини 21 йиллик давр (1996–2016) учун таҳлил қилган [8].

**Тадқиқот методологияси ва маълумотлар базаси.**  
Иқтисодий ўсишнинг иш билан бандликдаги ўзгаришлар, бир ишчига ва аҳоли жон бошига тўғри

келадиган маҳсулотга боғлиқлигини умумий даражада ва тармоқлар кесимида аниқлаш услубиёти 1-расмда тасвирланган.



**1- расм. Декомпозициянинг босқичма-босқич ёндашуви**

**Манба:** World Bank Group. 2018. *Growth and Job Creation in Uzbekistan : A In-depth Diagnostic*. World Bank, Washington, DC. © World Bank. P 6.

1-босқич бандлик ва самарадорлик ўсишининг ялпи профилини тушунишга имкон беради. Ўсиш унумдорлик ва иш билан бандликнинг ўзишига пировардида ҳамда тармоқлар (ёки минтақалар) бўйича қандай таъсири қилганини тушуниш учун аҳоли жон бошига ЯИМни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{Y}{N} = \frac{Y}{E} \cdot \frac{E}{A} \cdot \frac{A}{N} \quad (1)$$

Ёки:

$$y = \omega \cdot e \cdot a \quad (2)$$

бу ерда  $Y$  – ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ),  $E$  – жами иш билан бандлар,  $A$  – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг умумий сони ва  $N$  – жами аҳоли сони. Шу тарзда  $Y/E = \omega$  бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот,  $E/A = e$  иш билан банд бўлган аҳолининг улуши (яъни ишчи кучи)<sup>1</sup> ва  $A/N = a$  ишчи кучининг жами аҳоли сонидаги улуши.

Шундай қилиб, аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми (кейинги ўринларда меҳнат унумдорлиги)нинг ўзгариши, бандлик даражаси ўзгариши ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўзгаришига боғлиқ ўсиш билан ифодаланиши мумкин. Кўлланилган услубда Шепли декомпозициясидан фойдаланилади. Бу шуни англатадики, жон бошига ЯИМнинг умумий ўзгариши унинг  $\omega$ ,  $e$  ва  $a$  таркибий қисмларининг ҳар бирiga тегишли ўзгаришлар йиғиндиси бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир компонентга боғлиқ бўлган ўсиш қисмини  $\omega$ ,  $e$  ва  $a$  деб белгиласак, у ҳолда иқтисодиётнинг ўсиш суръати қуидагича ифодаланиши мумкин:

1. Аслида иш билан бандлик даражаси меҳнат бозорида иштирок этувчи меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига нисбатан аниқланади.

$$\frac{\Delta y}{y} = \bar{\omega} \frac{\Delta y}{y} + \bar{e} \frac{\Delta y}{y} + \bar{a} \frac{\Delta y}{y} \quad (3)$$

ва умумий ўсиш қуидагида бўлади:

$$\Delta y = \bar{\omega} \cdot \Delta y + \bar{e} \cdot \Delta y + \bar{a} \cdot \Delta y \quad (4)$$

бу ерда бу ерда  $\bar{w}$  ўсишнинг бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ўзгариши билан боғлиқ улуши:

$$\bar{\omega} \equiv \Delta\omega \left[ \frac{e_{t=1}a_{t=1} + e_{t=0}a_{t=0}}{3} + \frac{e_{t=1}a_{t=0} + e_{t=0}a_{t=1}}{6} \right] \quad (4.1)$$

/Δy

е ўсишнинг бандлик даражаси ўзгариши билан боғлиқ улуси:

$$\bar{e} \equiv \Delta e \left[ \frac{\omega_{t=1}a_{t=1} + \omega_{t=0}a_{t=0}}{3} + \frac{\omega_{t=1}a_{t=0} + \omega_{t=0}a_{t=1}}{6} \right] \quad (4.2)$$

/Δy

а ўсишнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улуши ўзгариши билан боғлиқ қисми:

$$\bar{a} \equiv \Delta a \left[ \frac{\omega_{t=1} e_{t=1} + \omega_{t=0} e_{t=0}}{3} + \frac{\omega_{t=1} e_{t=0} + \omega_{t=0} e_{t=1}}{6} \right] \quad (4.3)$$

$/\Delta y$

ω ·Ду бир ишчига түғри келадиган махсулот күзатилганидек ўзгарган сценарийга мос келадиган ўсиш микдорини акс эттиради, лекин бандлик даражаси ва меҳнатга лаёқатли ўшдаги аҳоли улуси “ўзгармас бўлиб қолди”, а ва е ўзгармади, дегани бу “дастлабки йил даражасида қолди” дегани эмас. Аслида бу икки компонент ўзгаришсиз қолишнинг бир неча йўллари мавжуд. Уларнинг иккаласи ҳам биринчи йилда кузатилган даражада, иккаласи ҳам охирги йилда кузатилган даражада ёки улардан бири дастлабки йилда кузатилган даражада, бошқаси эса охирги йилда кузатилган даражада қолишлари мумкин. Айрим декомпозициялар фақат иккала компонент ҳам дастлабки ёки охирги йилда кузатилган даражада қоладиган ва шу билан қолдиқ билан тугайдиган ҳолатни кўриб чиқади. Шепли де-

композицияси барча мумкин бўлган муқобилларни кўриб чиқади, сўнгра ҳар бирининг ўртасида қийматини аниклайди (ҳар бир компонентнинг ўзгаришсиз қолиши мумкин бўлган йўллар сонини акс эттирувчи вазнлар орқали) ва шу йўл билан жуда катта бўлиши мумкин бўлган қолдиқни бартараф қиласи. Шундай қилиб, ҳар бир компонентда контрафакт сценарийнинг талқини мавжуд. Худди шу тарзда, е<sup>–</sup>Ду бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнатга лаёкатли ўшдаги аҳолининг улуси “ўзгармаган” сценарийга мос келадиган ўсиш ҳажмини ифодалайди. Демографик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган жон бошига ЯИМ ўсиш миқдори а<sup>–</sup>Ду бўлади.

## **Самарадорлик таъсирларининг декомпозицияси куйидаги аниқланади:**

Меҳнат унумдорлиги ўзгаришларининг тармоқлар ичидаги ҳиссаси:

$$\bar{\omega}_W = \bar{\omega}_W^\omega \cdot \bar{\omega} = \left[ \left( \sum_{i=1}^S \Delta\omega_i \cdot \left( \frac{S_{i,t=0} + S_{i,t=1}}{2} \right) \right) / \Delta\omega \right] \cdot \bar{\omega} \quad (4.4)$$

бу ерда  $s$  – иқтисодиёт тармоғида иш билан бандларнинг жами иш билан бандлар микдоридаги улуси.

Тармоқлараро иш билан бандлик ўзгаришларининг ҳиссаси:

$$\bar{\omega}_B = \bar{\omega}_B^\omega \cdot \bar{\omega} = \left[ \left( \sum_{i=1}^S \Delta\omega_i \cdot \left( \frac{\omega_{i,t=0} + \omega_{i,t=1}}{2} \right) \right) / \Delta\omega \right] \cdot \bar{\omega} \quad (4.5)$$

Тармоқлар кесимида декомпозиция эса қуийдагича аниқланади:

$i$  тармоқда тармоқ ичидаги меҳнат унумдорлиги ўзгариши:

$$\bar{\omega}_i = \bar{\omega}_i^\omega \cdot \bar{\omega} = \left[ \left( \sum_{i=1}^S \Delta\omega_i \cdot \left( \frac{S_{i,t=0} + S_{i,t=1}}{2} \right) \right) / \Delta\omega \right] \cdot \bar{\omega} \quad (4.6)$$

$i$  тармоқда кузатилган иш билан бандлик улусидаги силжишларнинг ҳиссаси:

$$\begin{aligned} \bar{s}_i &= \bar{s}_i^{\omega_B} \cdot \bar{\omega}_B \\ &= \left[ \Delta s_i \cdot \left( \frac{\omega_{i,t=0} + \omega_{i,t=1}}{2} - \frac{\omega_{t=0} + \omega_{t=1}}{2} \right) / \Delta\omega_B \right] \cdot \bar{\omega}_B \end{aligned} \quad (4.7)$$

Тармоқларда иш билан бандлик ўсишининг ҳиссаси:

$$\bar{e}_i = \bar{e}_i^\theta \cdot \bar{e} = [\Delta e_i / \Delta e] \cdot \bar{e} \quad (4.8)$$

Хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва худудий статистика бошқармалари маълумотлари асосида республика ва унинг 14 маъмурий-иктисодий районлари кесимида 2017-2019 йиллар учун амалга оширилди.

Маълумки, ҳар йили давлат статистика қўмитаси ЯИМ дефлятори кўрсаткичини эълон қилиб боради, бироқ ЯИМ ва ЯҚҚ ўсиш кўрсаткичлари орасида тафовут мавжуд. Шунун инобатта олиб, 2017 йил учун ЯҚҚ ҳажми ЯҚҚ ўсиш кўрсаткичлари бўйича ортга қайтиш орқали 2019 йил нархларига нисбатан хисобланди. 2017 йил учун тармоқлар-

нинг кўшилган қиймати ЯҚҚ таркибида тармоқлар улусига кўра аниқланди.

Йиллик статистик хисботларда ЯИМ ва ЯҚҚ қаторида, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва иқтисодиётда бандлар кўрсаткичлари йил охирига, жами аҳоли сони эса йил бошига кўра эълон қилинади. Шунинг учун хисоб-китобларни амалга оширишда жами аҳоли сони кўрсаткичининг 2018 йил ва 2020 йил бошидаги микдорлари танланди.

#### Тахлил ва натижалар

1-жадвалда умумий декомпозиция учун ишлаптиладиган асосий маълумотлар келтирилган. ЯИМ

таркибида маҳсулотларга соф солиқларнинг акс этиши тармоқлар кесимидағи таҳлилда кичик тафо-

вутларга сабаб бўлишини инобатга олиб, тадқиқотда ЯҚҚ кўрсаткичидан фойдаланилди.

### Ахоли жон бошига ЯҚҚ ўсишининг декомпозицияси омиллари

Кўрсаткичлар	2017	2019	Ўзгариш (%)
ЯҚҚ (2019 й. млрд. сўм)	416357,46	464854,52	11,65
Жами ахоли (минг киши)	32656,70	33905,20	3,82
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ахоли (минг киши)	19610,10	19951,64	1,74
Жами иш билан бандлар (минг киши)	13520,30	13541,1	0,15
Жон бошига ЯҚҚ (2019 й. млн. сўм/киши)	12,75	13,71	7,54
Меҳнат унумдорлиги (2019 й. млн. сўм/киши)	30,79	34,33	11,48
Иш билан бандлик даражаси (%)	68,95	67,87	-1,56
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ахолининг улуши (%)	60,05	58,85	-2,00

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Таҳлил даври мобайнида Ўзбекистонда ахоли жон бошига ЯҚҚ 7,5% ўсишни қайд этган. Ушбу ўсиш меҳнат унумдорлигининг ўсиши (11,5%), меҳнатга лаёқатли ёшдаги ахоли улушкининг камайиши (-2,0%) ва иш билан бандлик даражасининг пасайиши (-1,6%) билан биргаликда содир бўлган.

2-жадвал ва 2-расмда (4) формула ёрдамида ҳисобланган жон бошига ялпи ўсишни асосий таркибий қисмларга ажратиш натижалари тасвиранланган.

### Ахоли жон бошига ЯҚҚ ўсишининг декомпозицияси

Кўрсаткичлар	млн.сўм (2019 йил нархларида)	%
Ахоли жон бошига ЯҚҚнинг умумий ўсиши	0,961	100
Меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг ҳиссаси	1,437	149,58
Иш билан бандлик даражасидаги ўзгаришнинг ҳиссаси	-0,208	-21,67
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ахоли улуши ўзгаришининг ҳиссаси	-0,268	-27,90


*Манба:* муаллиф ҳисоб-китоблари.

Натижалар шуну кўрсатади, иш билан бандлик даражаси ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги ахоли улушкининг ўзгаришлари тескари йўналишда ҳаракат қилди. Жон бошига ЯҚҚнинг -27,9% ўзгаришини ахоли таркибидаги ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, агар бошқа омиллар ўзгаришсиз қолганда, ахолининг ёш таркибидаги ўзгариш ҳақиқий кузатилган ўсишнинг -27,9%

ига тенг бўлган пасайиши (-2,1%) келтириб чиқарар эди. Шундай экан, бу даврда ҳар бир меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга нисбатан қарамоғида бўлганлар (вояга этмаганлар ва қариялар) кўпроқ бўлган, дейишимиз мумкин. Ушбу меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг ҳар иккала даврда ҳам бандлик даражаси ва унумдорлиги бир хил бўлган деб фараз қилинадиган контрафактли мисол яратганимиз са-

бабли, боғлиқликнинг паст даражаси аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирди. Иш билан бандликдаги ўзгаришлар кузатилган ўсишнинг -21,7%ини ташкил этди. Бу шуни англатадики, агар унумдорлик бир хил даражада ва меҳнатга лаёқат-

ли ёшдаги ҳар бир аъзонинг қарамоғида бўлғанлар сони доимий равишда сақланиб қолса, иш билан бандликнинг қуи даражаси жон бошига ЯҚҚнинг -1,6% га пасайишига олиб келади.




**2-расм. Ялпи бандлик, унумдорлик ва демографик ўсиш профили (2019 й. млн.сўмда)**

*Манба:* муаллиф ҳисоб-китоблари.

Ўсишга ижобий таъсир кўрсатган ягона омил бу – меҳнат унумдорлиги. Бошқа омиллар ўзгаришсиз қолганда, меҳнат унумдорлиги ўзгаришлари натижасида жон бошига ЯҚҚ 11,3% га ўсган

бўлар эди. 3-расм ва 3-жадвалда ҳисоб-китоблар бўйича якуний натижалар мос равишда 2019 йил нархларига нисбатан млн.сўмда ва фоиз улушида келтирилган.



**3-расм. Ўсишнинг тармоқлар бўйича декомпозицияси (2019 й. млн.сўмда)**

*Манба:* муаллиф ҳисоб-китоблари.

Жон бошига ЯҚҚ ўзгаришида 157,7% ўсиш меҳнат унумдорлиги, -27,9% пасайиш демографик компонент, -21,7% пасайиш иш билан бандлик даражаси ҳамда -1,21% пасайиш иш жойини кўчиришнинг салбий таъсири, яъни ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги юқори тармоқлардан пастларига “кўчиб ўтиши” билан изохланади.

**З-жадвал**

**Ўсишнинг тармоқлар бўйича декомпозицияси**

	<b>Меҳнат унумдорлиги ўзгаришларининг хиссаси (%)</b>	<b>Иш билан бандлик ўзгаришларининг хиссаси (%)</b>	<b>Тармоқлараро силишилар хиссаси (%)</b>	<b>Жами (%)</b>
Тармоқлар хиссалари				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	-20,04	-19,25	-2,10	-41,39
Саноат	137,00	-3,75	-0,76	132,49
Курилиш	19,38	1,22	-1,21	19,40
Савдо	-0,67	-7,02	1,74	-5,95
Ташиш ва сақлаш	-2,87	-2,04	-0,41	-5,32
Таълим	8,17	0,86	-0,61	8,42
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	7,88	0,36	-0,59	7,66
Бошқа турлар	8,89	7,94	-4,23	12,59
Жами	157,74	-21,67	-8,17	127,90
Демографик компонент				-27,90
Жами				100
2017-2019 йилларда аҳоли жон бошига ЯҚҚ умумий ўзгариши, (%)				7,54

*Манба:* муаллиф ҳисоб-китоблари.

Тармоқлар кесимидағи натижаларда жон бошига ЯҚҚ ўсишида асосий улуш саноат (132,5%) тармоғининг ижобий ҳиссасига тўғри келган, салбий улушнинг салмоқли ҳиссаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғига (-41,4%) тўғри келади. Саноатда иш билан бандликнинг кам миқдорда пасайишига қарамай, меҳнат унумдорлигининг ўсиши шунчалик каттаки, бу иш билан бандлик ва ишчи кучининг саноат тармоғига ўтиши (яъни саноат тармоғининг нисбий вазни) ва унумдорлиги паст бўлган бошқа тармоқлардан узоклашишдаги йўқотишларни қоплади. Ўсишга ижобий таъсир кўрсатган барча тармоқларда асосий ҳисса меҳнат унумдорлигининг ортиши билан боғлиқ. Бу тармоқлар ичida фақат хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларидагина меҳнат унумдорлиги билан бир қаторда иш билан бандлик ўзгаришларининг ўсишни таъминлашдаги ҳиссаси (7,9%) юқори бўлган. Умумий иш билан бандлар таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда ташиш ва сақлаш тармоқларининг улуши камайди. Бу тармоқлар-

да меҳнат унумдорлигининг ўртача кўрсаткичдан юқорилиги инобатга олинса, ишчиларнинг бу тармоқдан узоклашиши ўсиш суръатини секинлаштириди. 4-жадвалда Ўзбекистон Республикаси минтақалари бўйича олинган натижалар умумлаштирилган.


**Тармоқлар кесимидағи  
натижаларда жон бошига  
ЯҚҚ ўсишида асосий улуш  
саноат (132,5%) тармоғининг  
ижобий ҳиссасига тўғри  
келган, салбий улушнинг  
салмоқли ҳиссаси қишлоқ,  
ўрмон ва балиқ хўжалиги  
тармоғига (-41,4%)  
тўғри келади.**

**4- жадвал**
**2017-2019 йилларда миңтақаларда жон бошига ЯҚҚ ўсишининг тармоқлар бўйича  
декомпозицияси (жамига нисбатан % ҳисобида)**

Ўсиш омиллари	Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа	Бошқа хизмат тармоқлари	Жами
<b>Қорақалпоғистон Республикаси (9,14% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	13,15	71,63	22,54	-8,11	-13,04	-34,32	51,85
Иш билан бандлик	-0,20	2,38	9,33	0,61	-2,22	77,67	87,58
Тармоқлараро силжишлар	0,31	-12,29	-0,23	5,53	-2,21	-16,67	-25,56
Жами	13,27	61,72	31,64	-1,97	-17,47	26,69	<b>113,87</b>
Демографик компонент							<b>-13,87</b>
<b>Андижон вилояти (11,78% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	9,24	114,55	10,95	-1,74	-16,64	34,59	150,95
Иш билан бандлик	-9,50	-1,49	0,03	-6,22	2,73	-21,40	-35,85
Тармоқлараро силжишлар	0,00	1,37	-1,03	0,50	1,21	5,05	7,10
Жами	-0,26	114,43	9,95	-7,46	-12,70	18,24	<b>122,20</b>
Демографик компонент							<b>-22,20</b>
<b>Бухоро вилояти (8,46% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	14,20	114,32	19,47	8,74	-6,51	33,71	183,95
Иш билан бандлик	-16,63	-10,69	-13,04	-8,89	-8,12	3,39	-53,98
Тармоқлараро силжишлар	0,00	-1,08	2,48	0,89	-0,55	-6,04	-4,30
Жами	-2,42	102,55	8,92	0,74	-15,17	31,06	<b>125,67</b>
Демографик компонент							<b>-25,67</b>
<b>Жizzах вилояти (8,12% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	46,48	9,77	20,36	-7,07	-36,85	-2,58	30,11
Иш билан бандлик	-14,44	19,66	21,83	13,66	14,29	88,78	143,78
Тармоқлараро силжишлар	-33,25	-0,08	-1,41	0,00	6,88	-22,01	-49,86
Жами	-1,21	29,34	40,78	6,59	-15,67	64,19	<b>124,03</b>
Демографик компонент							<b>-24,03</b>
<b>Қашқадарё вилояти (0,83% пасайиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	-5,43	-945,67	-39,41	-16,38	36,65	-47,98	-1018,21
Иш билан бандлик	462,57	80,57	-36,00	124,51	84,59	-463,18	253,05
Тармоқлараро силжишлар	193,80	150,33	42,06	-46,91	-0,64	306,87	645,50
Жами	650,94	-714,77	-33,34	61,21	120,59	-204,28	<b>-119,66</b>
Демографик компонент							<b>219,66</b>
<b>Навоий вилояти (5,83% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	-122,55	447,59	16,07	-31,66	-26,12	-54,80	228,53
Иш билан бандлик	-53,07	-12,92	-14,24	-9,23	-7,55	23,49	-73,53
Тармоқлараро силжишлар	-0,76	7,92	3,41	1,03	0,20	-28,47	-16,67
Жами	-176,38	442,59	5,24	-39,87	-33,47	-59,77	<b>138,33</b>
Демографик компонент							<b>-38,33</b>
<b>Наманган вилояти (7,79% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	-4,98	27,44	37,92	6,82	-16,01	34,85	86,04
Иш билан бандлик	2,22	6,57	-2,50	-3,59	4,12	57,18	64,00

Тармоклараро силжишлар	-12,35	-0,03	2,47	4,97	0,57	-14,74	-19,11
Жами	-15,11	33,99	37,89	8,21	-11,32	77,29	<b>130,94</b>
Демографик компонент							<b>-30,94</b>
<b>Самарқанд вилояти (1,02% пасайиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	37,95	-350,15	-77,97	-24,80	26,80	-400,31	-788,46
Иш билан бандлик	196,39	66,93	-2,54	37,87	65,05	267,76	631,47
Тармоклараро силжишлар	15,47	-1,92	17,79	33,78	6,94	-31,25	40,81
Жами	249,82	-285,14	-62,72	46,86	98,79	-163,79	<b>-116,18</b>
Демографик компонент							<b>216,18</b>
<b>Сурхондарё вилояти (3,53% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	49,34	16,86	83,88	5,84	-41,51	65,61	180,04
Иш билан бандлик	-41,17	4,29	-9,65	-0,73	6,44	62,65	21,83
Тармоклараро силжишлар	-24,00	0,06	1,77	0,32	3,97	-26,30	-44,18
Жами	-15,83	21,21	76,01	5,43	-31,10	101,96	<b>157,68</b>
Демографик компонент							<b>-57,68</b>
<b>Сирдарё вилояти (9,14% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	25,94	73,15	52,64	2,84	3,15	10,29	167,99
Иш билан бандлик	-56,50	1,28	-0,13	-5,03	-10,26	35,11	-35,53
Тармоклараро силжишлар	-0,12	6,86	-0,24	0,75	-3,47	-20,13	-16,35
Жами	-30,69	81,28	52,27	-1,44	-10,57	25,27	<b>116,12</b>
Демографик компонент							<b>-16,12</b>
<b>Тошкент вилояти (11,35% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	-39,47	172,94	20,46	0,52	-14,49	16,31	156,28
Иш билан бандлик	-13,70	-1,63	0,82	-7,79	-2,64	-23,88	-48,83
Тармоклараро силжишлар	-0,11	8,51	-3,31	0,45	0,00	6,11	11,65
Жами	-53,29	179,82	17,97	-6,82	-17,13	-1,46	<b>119,10</b>
Демографик компонент							<b>-19,10</b>
<b>Фарғона вилояти (8,66% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	33,88	56,15	22,68	8,18	-10,10	59,68	170,45
Иш билан бандлик	-10,36	-8,37	1,40	-5,54	-3,51	-15,90	-42,27
Тармоклараро силжишлар	0,44	-0,26	-1,60	0,00	-0,41	1,00	-0,84
Жами	23,96	47,51	22,48	2,64	-14,03	44,77	<b>127,34</b>
Демографик компонент							<b>-27,34</b>
<b>Хоразм вилояти (5,26% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	27,83	28,02	15,42	15,68	-18,55	81,81	150,22
Иш билан бандлик	-13,49	6,04	7,65	-8,22	-4,53	-9,04	-21,59
Тармоклараро силжишлар	-2,28	4,05	-3,83	2,75	-5,48	0,78	-4,00
Жами	12,06	38,12	19,24	10,21	-28,55	73,55	<b>124,63</b>
Демографик компонент							<b>-24,63</b>
<b>Тошкент шаҳри (14,49% ўсиш)</b>							
Мехнат унумдорлиги	0,00	76,62	27,79	10,42	-6,10	20,23	128,96
Иш билан бандлик	-1,55	-6,12	3,43	-11,28	2,72	3,97	-8,83
Тармоклараро силжишлар	1,48	-3,76	-1,00	0,41	1,26	-2,98	-4,59
Жами	-0,07	66,74	30,22	-0,45	-2,12	21,23	<b>115,55</b>
Демографик компонент							<b>-15,55</b>

*Манба:* муаллиф ҳисоб-китоблари.

Тадқиқ қилинган худудлар орасида жон бошига ЯҚҚнинг пасайиши Қашқадарё (-0,83%) ва Самарқанд (-1,02%) вилоятларида кузатилган. Қашқадарё вилоятида пасайишга асосий таъсир иш билан бандликнинг тармоқларaro силжиши хиссасига (-645,50%) тўғри келади. Бу ҳолат вилоятда иш билан бандларнинг меҳнат унумдорлиги юқори тармоқлардан пастиларига ўтиши, унумдорлик паст тармоқларда янги иш ўринлари яратилаётгани билан изоҳланади. Самарқанд вилоятида эса иш билан бандлик даражасининг тушиши жон бошига ЯҚҚ пасайишнинг (-631,47%) асосий омили ҳисобланади. Вилоятда иш билан бандлик даражаси 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 4,3 фоиз пунктига камайган.

Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида меҳнат унумдорлигининг ўсиши жон бошига ЯҚҚ ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатган асосий омил ҳисобланади. Ҳусусан, Сирдарё вилотининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўсиши кузатилган. Республика ва унинг бошқа барча минтақаларида ташиш ва сақлаш, аҳборот ва алоқа тармоқларида унумдорликнинг пасайиши кузатилган. Қорақалпогистон Республикаси ва Жizzах вилоятида эса иш билан бандлик даражасининг ошиши ўсишнинг асосий улушини таъминлаган.

Иқтисодиёт тармоқлари кесимидағи ҳисоб-китоблар натижасига кўра, жон бошига ЯҚҚ ўзгаришида асосий улуш Қорақалпогистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида саноат тармоғи; Жizzах, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида эса бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларига тўғри келиши аниқланди.

#### **Тадқиқот натижаларининг мұхомаси**

Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсишига қайси тармоқлар ва омиллар кўпроқ боғлиқлигини аниқлаш минтақаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, ҳусусан, уларда камбағалликни камайтириш манбаларини аниқлашда илк қадам бўлади. Ўзбекистон Республикаси бўйича олинган натижалар шуни кўрсатадики, бу масаланинг тўртта муҳим жиҳати мавжуд. **Биринчидан**, ҳозирда ҳар бир меҳнатга лаёқатли ёшдагилар қарамоғида бўлганлар сони ортиб бормоқда. Демографик ўзгаришлар аҳоли жон бошига даромаднинг камайиши ва шу билан камбағалликнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

**Иккинчидан**, меҳнат унумдорлиги энг юқори бўлган саноат тармоғида иш билан бандлар улуши камайди, бу аҳоли жон бошига ЯИМ ўсишига салбий таъсир кўрсатиб, камбағалликни кучайтириши

мумкин. Ушбу силжишнинг манбаларини тушуниш ва меҳнат шароитларини яхшилаш билан алоқадорлиги, бу тармоқларда ишчилар фаолият юритишининг сабаблари ва уларнинг даромадлари миқдорини ўрганиш муҳим аҳамият қасб этади.

**Учинчидан**, меҳнат унумдорлиги мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан паст тармоқларда (курилиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари) иш билан бандлар улушининг ортиши ҳам жон бошига ЯИМ ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

**Тўртинчидан**, қўйидаги саволларга жавоб тошиш лозим: тармоқларда яратилаётган янги иш ўринлари учун иш ҳақи тўлаш миқдори қониқарлими, камбағаллар уларга кириш имкониятига эгами, қандай иш ўринлари яратилади, бу тармоқларда нима сабабдан иш билан бандлик ўсмоқда ва бу барқарорми?

#### **Холоса ва таклифлар**

Ўсиш декомпозицияси таҳлили натижаларига кўра, мамлакатимиз минтақаларида меҳнат унумдорлигининг ошиши иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи асосий омили ҳисобланади. Инновацион иқтисодиёт шароитида хўжалик юритувчи субъектлар инновацион фаолигининг ошиши бир томондан янги, юқори малакали иш ўринлари пайдо бўлишига ва бошқа томондан кам малакали ишчиларни ишдан бўшатишига олиб келади.

Мамлакат миқёсида иқтисодиётда бандларнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, ташиш ва сақлаш каби меҳнат унумдорлиги юқори тармоқлардан унумдорлик паст тармоқларга йўналиши яратилаётган янги иш ўринларининг иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини пасайтироқда. Шу билан бир қаторда, барча худудларда меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг жами аҳоли сонидаги улушининг йиллар давомида пасайиб бориши, «ишиз ўсиш», яъни иқтисодий ўсиш билан иш билан бандликнинг ортиши биргаликда содир бўлмаслиги мамлакат ва минтақалар иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

**Бизнингча, мамлакат ва унинг худудларида иқтисодий ўсишни таъминлаш**, бунда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ижобий самараси ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш ва бу орқали камбағалликни қисқартиришда қўйидагиларни инобатга олиш лозим:

- янги иш ўринларини ташкил этишда ихтисослашув ва жойлашув афзалликларини инобатга олган ҳолда минтақавий меҳнат унумдорлигининг ўртача қийматидан юқори тармоқлар устуворлигини ошириш лозим;

- рақамли иқтисодиёт шароитида халқ хўжалигининг технологик бўлмаган тармоқларини тарк этган ишчиларда касбий тайёргарликнинг етарли даражада бўлмаслиги сабабли уларнинг иқтисодиётнинг янада технологик тармоқларига қўшилишини таъминлаш ва таркибий ишсизликни камайтириш мақсадида бу тоифадаги ишсизлар учун давлат таълим дастурларини тақдим этиш, кўчирилган ишчиларга таълим берадиган фирмаларга субсидиялар тўлаш, таркибий ишсизларга иш жойлари мавжуд бўлган худудларга кўчиб ўтишда кўмаклашиш тадбирларини йўлга кўйиш лозим;

- иш билан бандликнинг фаол сиёсати доирасидаги дастурларни ривожлантириш орқали ҳар бир фуқаронинг иш топишга қаратилган фаолиятини рағбатлантириш. Бу тадбирлар фуқароларнинг нофоаол сиёсатга, хусусан, ижтимоий тўловлар орқали даромад олишга бўлган қарамлигини камайтиради.

#### **Манба ва адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб сайти. [stat.uz](http://stat.uz)
2. World Bank (2009). *Job Generation and Growth (JoGG) Decomposition Tool. Understanding the Sectoral Pattern of Growth and its Employment and Productivity Intensity. Reference Manual and User's Guide Version 1.0. Poverty Reduction and Economic Management (PREM)*. World Bank.
3. Byiers, B., Berliner, T., Guadagno, F., & Takeuchi, L.R. (2015). *Working for economic transformation (ODI Dimension Paper 03)*. London: Overseas Development Institute.
4. Bbaale, E. (2013). *Is Uganda's growth profile jobless?*. International Journal of Economics and Finance, 5(11), 105–123.
5. Malunda, D. (2013) *The employment intensity of non-agricultural growth in Rwanda: analysing the links between growth, employment, and productivity in Rwanda*, presented to IPAR 3rd Annual Research Conference, Kigali: Umubano Hotel 13-14 November 2013.
6. Ajakaiye, O., Jerome, A. T., Nabena, D., & Alaba, O. A. (2016). *Understanding the Relationship between Growth and Employment in Nigeria* WIDER Working Paper Series 124. World Institute for Development Economic Research (UNU-WIDER) Helsinki.
7. Aggarwal, Aradhna. (2018). *Economic Growth, Structural Change and Productive Employment Linkages in India: Did Market Transition Matter?*. South Asia Economic Journal. 19. 64-85. 10.1177/1391561418761074.
8. "World Bank Group. 2018. *Growth and Job Creation in Uzbekistan : A In-depth Diagnostic*. World Bank, Washington, DC. © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/31935> License: CC BY 3.0 IGO."

#### **Тузилмавий ўзгаришлар орқали минтақалар иқтисодий ўсишини таъминлаш**

**Сухроб Махмудов,**  
Қарши давлат университети докторант

**Аннотация:** мақолада иш билан бандлик, бир ишчи ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулотдаги ўзгаришларнинг минтақалар иқтисодий ўсишига таъсири таҳлил қилинган. Омиллар самарадорлиги Жаҳон Банкининг жон бошига ЯИМ ўсишига декомпозицион ёндашуви асосида аниқланган. Мамлакат ва унинг ҳудудларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ижсобий самарасини ошириши орқали камбагаликни қисқартириши юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ялпи қўшилган қиймат, иқтисодий ўсиши, декомпозиция, тармоқлараро силжисишилар, меҳнат унумдорлиги, "ишиз ўсиши".

#### **Обеспечение экономического роста регионов за счет структурных изменений**

**Сухроб Махмудов,**  
докторант Каршинского государственного  
университета

**Аннотация:** в статье анализируется влияние изменений занятости, выпуска на одного работающего и выпуска на душу населения на экономический рост регионов. Влияние факторов было определено на основе декомпозиционного подхода Всемирного банка к росту ВВП на душу населения. Были разработаны предложения по сокращению бедности за счет увеличения положительного воздействия секторов и отраслей в стране и ее регионах.

**Ключевые слова:** валовая добавленная стоимость, экономический рост, декомпозиция, межотраслевые сдвиги, производительность труда, «безработный рост».

#### **Ensuring economic growth of regions through structural changes**

**Sukhrob Makhmudov,**  
doctoral student of Karshi State University

кузатиб бориш учун мавжуд бўлган қўп қиррали статистик таҳлил усулларга мурожат қилиш мақсадга мувофиқ деб таъкидлаган [10]. Т.А.Бурцева ва Н.В.Трофимова худудлар иктисодиётida рўй бераётган объектив ҳолатларни статистик баҳолаш мақсадида маҳсус илмий методларни таклиф қилган ҳамда прогнозлашда шу методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги айтилган. Кўлланган маҳсус илмий методлар, худудлар иктисодиётини самарали бошқарувининг муаммоларини ечишга қаратилган [11]. Г.Г.Аралбаева худудий ижтимоий-иктисодий тизим мониторингининг асосий йўналишлари номли монографиясида худудлар иктисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилинган [12].

Мамлакатимиз олимларидан: Ё.А.Абдуллаевнинг макроиктисодий статистика: 100 саволга 100 жавоб қўлланмасида мамлакат, вилоят ва туманларнинг рейтингини ишлаб чиқиб бўйича кўрсаткичлар тизими таклиф қилинган [13]. З.А.Нуриддинов ўзининг минтақалар иктисодиётини инновацион ривожлантариш ва инвестицион жозибадорлигини статистик баҳолаш номли иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертациясида динамик норматив номли статистик баҳолаш методининг замонавий тадқиқини ишлаб чиқган [14, 15].


Юқорида қайд этилган ва бошқа илмий тадқиқот ишлари худудлар иктисодиётининг ривожланишини иктисодий-статистик таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қиласди. Лекин мазкур тадқиқотларда худудлар иктисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолашга етарлича эътибор берилмаганлиги илмий мақоланинг тадқиқот иши сифатида танланшига асос бўлди.

**Иктисодий тизимнинг  
умумий хусусиятини баҳоловчи  
усул ва унинг асосида ишлаб  
чиқилган интеграл ўлчов,  
биринчи навбатда, худудларнинг  
иктисодий ривожланиш  
потенциалини ҳақиқий  
ҳолатини ҳамда худуд  
ривожланишини акс  
эттириши керак.**

## Динамик норматив усули

Худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолашда мантиқий ҳамда аналитик методлардан фойдаланилади. Булар ҳам ўз навбатида иқтисодий-математик, омилий таҳлил, эксперт баҳолаш, динамик норматив, индикатив таҳлил ва бошқа методларга бўлинади.

Юқорида келтирилган қисқача баён асосида, биз худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолаш методларининг қуидаги таснифини таклиф қиласиз.



**1-расм. Худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолаш методлари.**

Динамик норматив усули статистик кўрсаткичлар динамикасининг таҳлилига асосланади. Бу кўрсаткичлар алоҳида-алоҳида эмас, ўзаро боғлиқликда ва уларнинг тенденцияси келишилган ҳолда кўриб чиқилади. Тенденциялар танланган кўрсаткичлар билан боғлиқ иқтисодий коэффициентларда ва вақт бўйича уларнинг ўзгариши мақсадли ўрнатмаларда берилади. Шу йўл билан олинадиган интеграл баҳонинг комплекслилиги ва тизимлилиги таъминланади. Ушбу усул олинган интеграл баҳоларнинг вақт ва методология бўйича таққосламалигини таъминлашга имкон беради.

Динамик норматив усули амалиётда норматив-омилий ёндашувни амалга оширишга имкон беради. Бунда шу билан бирга индикатор омилларни танлаш статистик кўрсаткичларни танлаш рўйхати орқали ҳам, топширилган коэффициентлар орқали ҳам амалга оширилади. Чунки ушбу усул танланган статистик кўрсаткичлар бўйича интеграл баҳо-

ларни омилларга ажратишга имкон беради ҳамда таклиф қилинаётган баҳолаш информативигини оширади.

Таклиф қилинаётган усул бир-биридан алоҳида ҳисобланмаган статистик кўрсаткичларнинг динамикасини қиёсий таҳлил қилишга асосланади, аммо танланган индикаторларнинг иқтисодий коэффициентлари ва уларнинг вақт ўтиши билан тенденцияларини ўзаро боғлиқлиги ҳамда изчиллигини шу тарзда олинган мураккаб бўлмаган интеграл баҳолаш орқали шакллантирилади. Бундан ташқари, вақт ўтиши билан интеграллаштирилган систематик солишириш методологияси бўйича таққослашни таъминлаш имконини беради, чунки тизимни интеграциялашган динамик норматив, иқтисодий коэффициентлар ва кўрсаткичларнинг норматив ставкаларини белгиловчи мақсадлар ўзгармайди. Бу мониторингни ривожлантириш учун асосий талаблардан бири ҳисобланади ҳамда улар ижтимоий-иктисодий жараёнлардир.

Динамик норматив (ДН) – интеграл ўлчовdir, чунки у ижтимоий-иктисодий тизимнинг ҳусусиятларини характерлаш учун танланган кўрсаткичлар тизими бўлиб, кўрсаткичлар бир-бирига нисбатан ҳаракатларнинг норматив тартиба солинишидир.

Интеграл баҳолашни ишлаб чиқиша динамик нормативда танланган кўрсаткичларнинг ўсиш омиллари билан ўлчанадиган динамикаси бир-биридан ажратилган эмас, балки кўрсаткичларнинг тенденциялари ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлиги билан таққосланади. Кўрсаткичлар динамик нормативда ўзаро боғлиқлиги, уларнинг меъёрий нисбатларини белгиловчи иқтисодий коэффициентлар асосида белгиланади, натижада интеграл баҳолашнинг ўсишини таъминловчи мақсадларга эришилади. Таклиф қилинадиган усулни кўллаш мувофиқлиги унинг кенг қўлланилиши учун интеграл баҳони ҳисоблашни автоматлаштириш воситасини ишлаб чиқиш заруратида, яъни компьютер дастури яратиш керак.

Иқтисодий тизимнинг умумий ҳусусиятини баҳоловчи усул ва унинг асосида ишлаб чиқилган интеграл ўлчов, биринчи навбатда, худудларнинг иқтисодий ривожланиш потенциалининг ҳақиқий ҳолатини ҳамда худуд ривожланишини акс эттириши керак. Иккинчидан, уларнинг мониторингини амалга ошириш учун ахборот воситаси бўлиши зарур, шу асосда худудларнинг ривожланиш стратегияларини ва худуднинг бошқарув сиёсатини баҳо-

лаш мумкин. Айнан динамик норматив усули орқали буни бажариш мумкин, чунки, айрим иқтисодчи-ларнинг фикрича, у турли натижаларни турли қабул килинган қарорлар билан боғлашга имкон беради.

ДН ўсиш дарражалари бўйича белгиланадиган кўрсаткичлар тўплами бўлиб, у ушбу буюртмани узоқ вақт оралиғида сақлаб туриш, ўрганилаётган ижтимоий-иктисодий тизимнинг энг яхши ишлаш тарзини таъминлайди. Бу тизимнинг мавжудлиги эталон модель режимини ифодалайди, интеграл тизимили кўрсаткич ролини бажаради.

ДНнинг сифати, авваламбор, унга киритилган кўрсаткичлар рўйхати таркибига боғлиқ. Улар муайян талабларга жавоб бериши керак: кўрсаткичлар рўйхати тизимнинг яхлитлигини акс эттириши зарур; кўрсаткичларга ва битта кузатиш даврига эга бўлиши лозим.

Кўрсаткичларни танлагандан сўнг ҳисоб-китобга қўшиш учун тартиблаш зарур. Тартиблаш қуидаги усулларда амалга оширилиши мумкин: кўрсаткичлар ҳаракатини сифатий таҳлил қилиш асосида; эксперт усуллар; жуфтлашган тақкослаш ёрдамида.

Нормативларнинг икки тури мавжуд: чизиқли ва чизиқсиз. Биринчи усулда барча кўрсаткичларга аник (ўзгармас) номер(ранг) берилади, сўнгра динамик нормативни тасвирлаш матрицаси тузилади. Ушбу матрица норматив модел деб аталади. Норматив моделни тузиш қуидагича амалга оширилади:

**1-босқич.** Динамик нормативга кирадиган кўрсаткичларнинг сони  $5 < n < 25$  оралиқда таклиф этилади;

**2-босқич.** Жуфт нисбатларнинг иқтисодий интепретацияси;

**3-босқич.** Жуфт нисбатларга норматив характерни бериш;

**4-босқич.** Устунлик бериладиган устунларни тузиш;

**5-босқич.** Устунларни матрица орқали формулаштириш;

**6-босқич.** Устунларни ёпиш;

**7-босқич.** Баҳолашнинг норматив моделини олиш.

Юқорида келтирилганлар асосида динамик норматив методи, бугунги кунда, худудларнинг иқтисодий ривожланишини баҳолашда бошқа методлардан ҳеч бир жихати бўйича қолишмайдиган метод деб ҳисоблаш мумкин ва уни амалиётда қўллашни тавсия қиласиз.

### Таҳлил ва натижалар

Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларни айрим тадқиқотчилар, худуднинг барқарор ривожланиш кўрсаткичлари, деб ҳам аташади. Кейинги пайтларда

худудлар иқтисодиётининг мустакқиллиги масалалари моҳияти ҳамда аҳамияти ошиши муносабати билан худуднинг барқарор ривожланишини баҳолаш кўрсаткичлари худудларнинг иқтисодиётини потенциал ривожланиш кўрсаткичлари ҳисобланади.



**2-расм. Худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳоловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш босқичлари**

Фикримизча, ҳозирда худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки, биринчидан: худудга бир томонлама баҳо беради, иккинчидан: улар бозор иқтисодиётiga ўтиш даври учун ишлаб чиқилган, учинчидан: худуд мамлакатнинг мустақил бир қисми эмас, унинг бир бўлаги ҳисобланган ҳоллар учун таклиф этилган, тўртинчидан: улар барқарор ривожланиш талабларига деярли жавоб бермайди, айниқса, уларда худуд ривожланишнинг қайси тури бўйича ривожланмоқда, деган саволга жавоб йўқ, энг асосийси, уларни ишлаб чиқишида яхлитлик тамойили бузилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, фикримизча, худудлар иқтисодиётининг ривожланишини баҳоловчи кўрсаткичларини 2-расмдаги тартибда яратиш лозим. Ушбу таклифда статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш беш босқичга бўлинган.

Худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолаш унинг мамлакатда тутган ўрнини ўрганишдан бошланади. Худуднинг мамлакатда тутган ўрнини ифодаловчи кўрсаткичлар асосан унинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларини мамлакат кўрсаткичларидағи ҳиссаси билан ўлчанади.

Худуднинг ривожланиш стратегияларини ва бошқарув сиёсатини характерловчи омиллари бўйича

16 та мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари орқали интеграл баҳолаш ишлаб чиқилди. Улар биз берган, мақсадли ўрнатилган динамик нормативларнинг тизимли кўрсаткичлари хисобланади, бу эса ҳудуднинг потенциал ривожланишини интеграл баҳолашни ташкил этишда динамик норматив усулини қўллаш имкониятини яратади. Динамик нормативни қўйида келтирилган алгоритм асосида шакллантирамиз.

Эталон нисбатлар матрицаси  $\{e_{ij}\}$  бизнинг ҳолатда 16га 16 ўлчамдаги матрица бўллади. Агарда мақсадли ўрнатмаларга мувофиқ матрицадаги горизонтал қатордаги кўрсаткичлар вертикал қатордаги кўрсаткичларга қараганда тезроқ (ўрнатма «ўсиш»)

ўсиши керак бўлса, катор ва устун кесишмасида матрицанинг горизонтал қаторида 1 қўйилади, шу ердаги симметрик жойда эса -1 қўйилади. Агар мақсадли ўрнатмага мувофиқ матрица қаторидаги кўрсаткич вертикал қатордаги кўрсаткичга нисбатан секинроқ (ўрнатма «пасайиш») пасайиш керак бўлса, матрицадаги вертикал қаторида -1 қўйилади, бу ҳолатда горизонтал қаторда 1 қўйилади. Агарда динамик норматив кўрсаткичлар ўртасидаги алоқалар аниқланмаган бўлса, у ҳолда 0 қўйилади, диагонал бўйича матрицага ҳамма вақт ноллар қўйилади. Шундай қилиб, матрицада нисбий кўрсаткичлар сонига мувофиқ 16 та ўрнатма берилади.



3-расм. Динамик нормативни шакллантириш алгоритми

Бунда мақсад йўналишлари берилган, яъни: худуднинг экспорт маҳсулотининг ўсиш коэффициенти, худуднинг импорт маҳсулотининг ўсиш коэффициентидан юқори бўлиши керак. Келтирилган йўналишларнинг мазмуни қўйида берилган: агар худудларнинг экспорт маҳсулоти ҳажми ўсадиган бўлса, бунда худуднинг тўлов қобилияти ҳам ўсади, бу эса худуднинг молиявий потенциали ҳолатининг ўстанганини кўрсатади.

Матрица эталонларининг  $\{e_{ij}\}$  бир-бирига мослиги ёки мутаносиблиги мақбуллигини англатади. Шу сабабли ҳам 16 маротабалик қайта кўпайиши амалиётда афзалликларининг туташувига ва билвосита алоқаларни ҳисобга олишни жорий қилишга имкон беради, бу, албатта, интеграл баҳолашнинг тизимлигини оширади.

Худудларнинг потенциал ривожланишини интеграл баҳолаш динамик норматив ва динамик моделлар асосидаги занжирли ҳамда базисли ўсиш коэффициенти (индекслар), таянч кўрсаткичларга таянади ва худудлар учун динамик нормативларнинг интеграл баҳолаши асосида амалга оширилади. Потенциал ривожланишини интеграл баҳолашда Республика ва худудларнинг 2010–2014 ҳамда 2015–2019 йиллар даврларига асосланилган. Келтирилган даврлар муайян маъно ва мазмунга эга. Биринчиси, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврларда Ўзбекистон Республикаси

иқтисодиётининг жонланиши, ривожланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси эса, Республика худудлари ривожланиши учун соғлом конъюнктура даври ҳамда янги Ўзбекистоннинг бошланиши ва иқтисодиётга киритилган инвестициялар оқимининг кескин кўпайиши ҳисобланади.

Таклиф қилинган динамик нормативнинг интеграл баҳолари бўйича, 2010–2014 йиллар оралигига ахоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ялпи худудий маҳсулот) ҳажми бўйича энг юқори даража Навоий вилоятида 5,26 млн. сўм, 2015–2019 йиллар оралигига Тошкент шаҳрида 7,30 млн. сўм бўлган.

З-жадвалда икки давр оралиги учун ҳам ахоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ялпи худудий маҳсулот) ҳажми бўйича вариацион кенглик яъни, энг катта ва энг кичик кўрсаткичлар орасидаги фарқ жуда катта, ўртача миқдор эса энг катта нуқтадан кўпроққа фарқ қилган. Демак, ахоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ялпи худудий маҳсулот) ҳажмининг аксарият кўрсаткичлари энг кичик кўрсаткичга якин. Вариация коэффициенти эса, 2010–2014 йилларда 42,6 %ни, 2015–2019 йилларда 46,09 %ни, аммо биз таклиф қилган динамик нормативнинг интеграл баҳолари орқали аниқланганда мос равиша 7,20 ва 10,82 %ни ташкил қилган. Бизга маълумки, вариация коэффициенти 33 %гача бўлса ўрганилаётган статистик тўплам бирликлари бир жинсли ҳисобланади.

## 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ва унинг вилоятларини интеграл баҳолаш

№	Республика ва вилоятлар	Ахоли жон бошига ялпи ички маҳсулот (ялпи худудий маҳсулот) ҳажми таққослама нархларда (2010 йил нархларида), млн. сўм		Республика ва вилоятлар потенциал ривожланишининг интеграл баҳоси, бир бирлик улушда	
		2010-2014 йй.	2015-2019 йй.	2010-2014 йй.	2015-2019 йй.
1	Ўзбекистон Республикаси	2,89	3,65	0,60	0,52
2	Қорақалпоғистон Республикаси	1,43	2,09	0,49	0,40
3	Андижон вилояти	1,92	2,31	0,58	0,51
4	Бухоро вилояти	3,12	4,08	0,52	0,49
5	Жizzах вилояти	2,08	2,71	0,56	0,41
6	Қашқадарё вилояти	2,63	3,05	0,52	0,41
7	Навоий вилояти	5,26	6,02	0,52	0,43
8	Наманганд вилояти	1,56	2,01	0,58	0,49
9	Самарқанд вилояти	2,23	2,81	0,52	0,46
10	Сурхондарё вилояти	1,71	2,14	0,48	0,40
11	Сирдарё вилояти	2,44	2,90	0,49	0,38

12	Тошкент вилояти	3,01	3,65	0,55	0,47
13	Фарғона вилоти	1,83	2,26	0,58	0,52
14	Хоразм вилояти	1,89	2,46	0,52	0,42
15	Тошкент шаҳри	4,60	7,30	0,58	0,50
<b>Минимум</b>		<b>1,43</b>	<b>2,01</b>	<b>0,48</b>	<b>0,38</b>
<b>Максимум</b>		<b>5,26</b>	<b>7,30</b>	<b>0,60</b>	<b>0,52</b>
Ўртача		<b>2,23</b>	<b>2,81</b>	<b>0,52</b>	<b>0,46</b>
<b>Ранг</b>		<b>3,83</b>	<b>5,29</b>	<b>0,12</b>	<b>0,14</b>
<b>Стандарт оғиши</b>		<b>1,10</b>	<b>1,52</b>	<b>0,039</b>	<b>0,049</b>
<b>Варқация</b>		<b>1,20</b>	<b>2,31</b>	<b>0,0015</b>	<b>0,0024</b>
<b>Варқация коэффициенти</b>		<b>42,6</b>	<b>46,09</b>	<b>7,20</b>	<b>10,82</b>

Бундан ташқари, биз таклиф қилаётган динамик норматив усули орқали ишлаб чиқилган Республика ва вилоятлар потенциал ривожланишининг интеграл баҳосини ҳам юқоридаги жадвалда кўришимиз мумкин.

### Хулоса ва таклифлар

Ҳозирги стратегик иқтисодиёт шароитида, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам, худудларни потенциал ривожланишини статистик баҳолаш, яъни айнан битта интеграл кўрсаткич асосида аниклаш муҳи хисобланади. Статистик тадқиқотларни худудлар салоҳиятидан келиб чиқиб олиб бориш ҳамда уларга ички ва тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар ҳажмини оширадиган тизим ҳамда юқори даражада иш ўринларини яратиш лозим.

### Юқорида билдирилган муроҳазалар юзасидан қўйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини баҳолашда статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур, статистик кўрсаткичлар тизими худуднинг ички хусусиятларини очиб бориши ҳамда ташқи алоқаларни баҳолаши, энг асосийси, потенциал ривожланиш асосида аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифати ўсишини ифодалаши керак, деб хисоблаймиз.

2. Худуднинг потенциал ривожланишини статистик баҳолашда факат индикаторлар тизимидан фойдаланиш мумкин ва у беш босқичдан иборат бўлади ҳамда ҳар бир субъект учун алоҳида танланниши ҳам мумкин.

3. Потенциал ривожланиши баҳолашнинг норматив-хуқукий ҳамда ахборотлар базасини тақомиллаштириш зарур. Фикримизча, нашрлар оммабоп қилиниши керак, худудий статистик ташкилотларнинг мустақиллигини ошириш вақти келди,

маҳаллаларда статистик органнинг бўлнимини очиш замон талабидир.

4. Худудларнинг потенциал ривожланишини статистик баҳолашда мантиқий ва аналитик міқдорлардан фойдаланилган. Ҳар қандай прогноз ёки баҳолаш ҳақиқий маълумотлар асосида тузилмаса, унинг ҳеч кимга кераги йўқ. Шунинг учун динамик норматив усули таклиф қилинди.

5. Динамик норматив усули ёрдамида ўтказилган статистик тахлил асосида худудларнинг потенциал ривожланишининг интеграл кўрсаткичи юкори бўлган худудлар Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари, худудларнинг потенциал ривожланишининг интеграл кўрсаткичи паст бўлган худудлар Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари эканлиги аникланди.

### Манба ва адабиётлар

1. Capello R. *Regional Economics*. 2007. p. 321.
2. Capello R. *Regional Economics. Second edition*. Published November 10, 2015 by Routledge 378 Pages 68 B/W Illustrations
3. Camagni R., Capello R. *Regional innovation patterns and the EU regional policy reform: towards smart innovation policies*. Seminal Studies in Regional and Urban Economics, 2017. p. 313-343.
4. Capello R., Nijkamp P. *Handbook of Regional Growth and Development Theories: Revised and Extended Second Edition*. 2019. p. 367-375.
5. Stimson R.J., Stough R.R., Roberts B.H. *Regional Economic Development Analysis and Planning Strategy. Second Edition*. Springer Berlin Heidelberg New York. 2006. p.457.
6. Kourtit K., Nijkamp P., Stough R. *Drivers of Innovation, Entrepreneurship and Regional Dynamics*. 2011. p. 385.
7. Johansson B., Karlsson Ch., Stough R.R. *Theories of Endogenous Regional Growth. Lessons for Regional Policies*. 2001. p. 414.

8. Nunnenkamp P., Spatz J. *Foreign Direct Investment and Economic Growth in Developing Countries: How Relevant Are Host-country and Industry Characteristics?* Kiel Working Paper №1176, 2003. p. 13.
9. Takahiro Akita, Kazumi Kawamura. *Regional Income Inequality in China and Indonesia A Comparative Analysis.* 2002. p.41.
10. Аксянова А.В. Кластерная методология исследования региональных экономических систем по уровню инвестиционной привлекательности// Вестник Казанского технологического университета. 2011, №1. С.247-253.
11. Бурцева Т.А., Трофимова Н.В. Изменение конкурентоспособности территорий Калужской области в период ее активного инвестиционного развития //Труды 35-ой международной научной школы-семинара «Системное моделирование социально-экономических процессов» – Кострома: Издательско-полиграфический центр Воронежского государственного университета, 2012.
12. Арайбаева Г.Г., Основные направления мониторинга региональной социально-экономической системы: монография/-М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2009.
13. Абдуллаев Ё. Макроиктисодий статистика 100 саволга 100 жавоб. – Т.: Мечнат, 1998. – 382 б.
14. Нуридинов З.А. Минтақаларнинг инновацион ривожланиши ва инвестицион жозибадорлигини статистик баҳолари методлари// Давлат статистика қўмитасининг «Ўзбекистон статистика ахборотномаси» илмий электрон журнали. 2019. №1.
15. Нуридинов З.А. Минтақалар иқтисодиётини инновацион ривожлантириши ва инвестицион жозибадорлигини статистик баҳолаш. Фалсафа доктори диссертация Автореферати. Тошкент 2020 й. 64 б.

### **Худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолаш**

**Зуфар Нуридинов,**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори,  
Кадрлар малакасини ошириши ва статистик  
тадқиқотлар институтининг  
мустақил изланувчisi,  
**Татьяна Бурцева,**  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
Россия Федерацияси Менежмент давлат  
университети,  
**Фазлиддин Насриддинов,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
мустақил изланувчisi

**Аннотация:** Ушибу мақолада мамлакат худудлар иқтисодиётининг потенциал ривожланишини статистик баҳолашга ўйналтирилган тадқиқот натижасида методологик тавсиялар тақлиф этилган. Нати-

жада динамик норматив усули орқали худудлар иқтисодиёти ривожланишининг интеграл кўрсаткичи яратилган.

**Калит сўзлар:** баҳолаш, индекслар, худудлар иқтисодиёти, интеграл кўрсаткич, статистика, эконометрика, статистик моделлаштириши.

### **Статистическая оценка потенциального развития экономики регионов**

**Зуфар Нуридинов,**  
доктор философии по экономическим наукам,  
Исследователь Института повышения квалификации  
кадров и статистических исследований,  
**Татьяна Бурцева,**  
доктор экономических наук,  
Государственный университет управления  
Российской Федерации,  
**Фазлиддин Насриддинов,**  
Исследователь Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация:** в статье представлены методические рекомендации по результатам исследования, направленного на статистическую оценку потенциала развития экономики регионов страны. В результате динамическим нормативным методом был создан интегральный показатель развития региональных экономик.

**Ключевые слова:** оценка, индексы, региональная экономика, интегральный показатель, статистика, эконометрика, статистическое моделирование.

### **Statistical assessment of the potential development of the economy of the region**

**Zufar Nuriddinov,**  
Doctor of Philosophy (PhD) in economics,  
Researcher of institute for Advanced Training  
and Statistical Research,  
**Tatyana Burtseva,**  
Doctor of Economics,  
State University of Management,  
Russian Federation, Moscow  
**Fazliddin Nasriddinov,**  
Researcher, Tashkent State University of Economics

**Abstract:** the article presents methodological recommendations based on the results of a study aimed at a statistical assessment of the development potential of the economy of the country's regions. As a result, an integral indicator of the development of regional economies was created using a dynamic normative method.

**Keywords:** assessment, indices, regional economics, integral indicator, statistics, econometrics, statistical modelling.

УЎК: 339.5.01

**Жавохирбек ШЕРАЛИЕВ,**  
*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти катта илмий ходими,  
e-mail: arvi19920804@gmail.com,*  
**Элёр СУННАТУЛЛАЕВ,**  
*Прогнозлаштириши ва макроиқтисодий  
тадқиқотлар институти катта илмий ходими,  
e-mail: elyorrm2211@gmail.com*

## **Коронавирус пандемияси даврида сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи савдо соҳасига таъсири**

### **Кириш**

Хитой Халқ Республикасининг Уханъ шаҳрида 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида пайдо бўлган коронавирус пандемиясининг жаҳон миқёсида кенг тарқалиши глобал инқизорзни вужудга келтириди. Иқтисодий тилда айтадиган бўлсақ, бу пандемия ялпи талаб ва ялпи таклифга, макроиқтисодий барқарорликка ташқи “зарба” бўлиб, олдинги иқтисодий инқизорлардан кўлами ва зарари жиҳатидан катта фарқ қиласди. Қисқа вақт ичидаги пандемиянинг глобал миқёсда кенг тарқалиши деярли барча давлатлардаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга салбий таъсири кўрсатмоқда.

Шунингдек, ҳозирги кунга қадар мамлакатлар иқтисодиёти ҳеч қачон бундай кенг кўламли муаммоларга дуч келмаган. Бу эса ривожлананаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти ва савдо алоқаларида тобора ноаниқликларнинг ортишига, уларда қабул қилинган иқтисодий стратегиялар ва дастурлардаги прогноз кўрсаткичларнинг ўзгаришига сабабчи бўлди. Ушбу ноаниқликлар (сиёсий, иқтисодий, молиявий хатарлар) эса мамлакатлар иқтисодиётига ва ташқи савdosiga сезиларли даражада салбий таъсири кўрсатмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тадқиқотнинг мақсади сифатида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ташқи савдо соҳаларига сиёсий хатарларнинг таъсирини таҳлил қилиш ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланди. Бунда сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ташқи савдо соҳаларига салбий таъсири этиши тамоилига асосланади. Ушбу тадқиқотнинг илмий аҳамияти сифатида Ўзбекистон иқтисодиёти учун ушбу мавзу нисбатан янги эканлиги ҳамда бу соҳада илмий-тадқиқот материалла-

рининг етарлича шаклланмаганлиги ҳамда ўрганилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

### **Асосий қисм**

Сиёсий хатарларнинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири турлича бўлиши мумкин. Масалан, сиёсий хатарларнинг ортиши натижасида кўплаб мамлакатларда бекарорликни исботлаши мумкин бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг қисқариши кузатилади. Чет эл инвестицияларининг қисқариши бутун иқтисодий ўсишнинг секинлашишига, шунингдек, ижтимоий масалаларнинг салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Шунингдек, тўсатдан секинлашган иқтисодий ўсиш мамлакат ёки компаниянинг ўз қарзларини тўлаш қобилиятига таъсири килади, бу эса ўз навбатида қимматли қозозлар бозорига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шу билан бирга, иқтисодий ўсишнинг секинлашуви ёки инқизор валюта билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Мамлакатнинг миллий валюта қийматининг пасайиши, ўз навбатида, экспортнинг пасайишига ва иқтисодий ўсишнинг секинлашишига олиб келади.

Таҳлилларга келадиган бўлсақ, мамлакатимиз иқтисодиётига хавф түғдирадиган энг катта сиёсий хатарлардан бири - бу коррупция ҳисобланади.

Охирги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-хукуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Ахолининг хукуқий онги ва маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди. Хусусан, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ҳамда сифатини ошириш, юкори даражадаги қулай ҳамда

сифатли ишбилиармонлик мухитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имиджини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган "Коррупцияга карши курашиш тўғрисида"ги 419-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 5729-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнданги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қар-

ши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 6013-сонли Фармони ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатлар қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2016-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш борасида меъёрий-хукуқий асослар яратилиши, шунингдек, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ишлаб чиқилганлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларро комиссиясининг ташкил этилиши бу соҳада мамлакатимиз янги босқичга чиққанини англатади.

## 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияни идрок этиш индекси ва унда тутган ўрни [1]

Кўреаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Коррупцияни идрок этиш индекси бўйича тўплаган балли	16	16	17	17	18	19	21	22	23	25	26
Коррупция индекси бўйича тутган ўрни	172	177	170	168	166	153	156	157	158	153	146

Лекин, қонуний асосларнинг яқин йилларда шакллангани дунё ҳамжамиятининг мамлакатимизга бўлган сиёсий нуқтаи назарини яхшилади холос, бу эса етарли даражада эмас.

Хусусан, "Transparency International" халқаро ташкилотининг 2020 йилги "Коррупцияни идрок қилиш индекси" натижаларига эътибор берадиган бўлсақ, кейинги 10 йиллиқда Ўзбекистон бор йўғи 10 баллик ижобий натижага эришди, холос. Бунда Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда 16 балл билан 172-ўринни, 2014 йилда 18 балл билан 166 ўринни, 2020 йилда 26 балл билан 180 мамлакат орасидан 146-ўринни банд қилган ҳамда юкори коррупциялашган мамлакат сифатида баҳоланганди.

Шунингдек, дунё мамлакатларидан Янги Зеландия (88 балл), Дания (88 балл), Финландия (85 балл), Швеция (85 балл), Швецария (85 балл), Сингапур (85 балл), Норвегия (84 балл), Голландия (82 балл), Люксембург (80 балл), Германия (80 балл) каби мамлакатлар юкори ўринларни, Ўзбекистон (26 балл) Марказий Африка Республикаси ва Бангладеш каби мамлакатлар билан биргаликда 146 ўринни банд этган.

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг 2012–2019 йиллардаги Коррупцияни идрок этиш индексидаги ўзгаришлар ва тутган ўрни (хорижий мамлакатлар билан таққослама таҳлили) [2]

Мамлакат номи	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	Ўрни (2019)
Янги Зеландия	90	91	91	91	90	89	87	87	88	1
Дания	90	91	92	91	90	88	88	87	88	1
Финландия	90	89	89	90	89	85	85	86	85	3
.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....
Ўзбекистон	17	17	18	19	21	22	23	25	26	146
Бангладеш	22	22	23	26	25	21	25	25	26	146
Марказий Африка Республикаси	26	25	24	24	20	23	26	25	26	146
.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....	.....
Жанубий Судан		14	15	15	11	12	13	12	12	179
Сомали	08	08	08	08	10	09	10	09	12	179


Шу билан бир қаторда коррупцияга қарши қурашишда бир қатор мамлакатлар ижобий натижага эришган. Масалан, Германияда энг коррупцион соҳалардан бири курилиш ҳисоблангани учун ушбу тармоқни тартибга солувчи қонунларга ҳам айрим ўзгартиришлар киритилган [3]. Хусусан, йирик тендерларни фақат битта корхона ютиб олишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, давлат тизимидағи лавозимни эгаллаган раҳбар шахс на ўзи, на ишончли вакиллари орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиш, тадбиркорлик субъектлари бошқарувида ёки уларнинг назорат кенгашлари фаолиятида иштирок этиши мумкин эмас. Мамлакат қонунчилигига нафақат коррупция ҳолатларига, балки ноқонуний йўл билан топилган даромадни легаллаштиришга бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслика ҳам жуда катта эътибор қаратилади.

Канада қонунчилигига парламент вакиллари-

нинг коррупцияга аралashiши Конституцияга қарши ҳаракат ва ҳатто давлатга хиёнат билан бара-вар ҳолат сифатида баҳоланади. Ушбу давлатларда кўриб чиқилаётган масалалар билан алоҳида вако-латли ташкилотлар шуғулланади [4].

Алоҳида эътиборга молик жиҳатларидан бири – мазкур давлатлар жамоатчилигида ҳар қандай иқтисодий фирибгарликлар ва коррупция ҳолатларига нихоятда қаттиқ салбий муносабат шаклланганлигидир [5].

Ўзбекистонда ички сиёсий хатарларнинг иқтисодиёт ва ташкиқ савдоға таъсирини кўрсатувчи омиллар ҳолатини (бизнес муҳитини) “Doing business” халқаро рейтинг кўрсаткичи ифодалайди. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш 2020» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон 7 погона юқорига кўтарилиб, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг юқори кўрсаткичга эришган 20 та мамлакатлар қаторига кирди.



1-расм. “Doing Business” рейтинги бўйича Ўзбекистон Республикасини дунё мамлакатлари орасида тутган ўрни [6]

Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш 2020» (doing business 2020) йиллик рейтингига Ўзбекистон 2019 йил якунлари бўйича 100 балдан 69,9 балл тўплаб, 190 мамлакат орасида 2018 йилдаги 76 ўриндан 2019 йилда 69- ўринга кўтарилди. Жаҳон банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси матбуот хизматига кўра, Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги бошқа тўртта давлат, шу жумладан Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Косово билан биргаликда Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг катта ютуқларга эришган 20 мамлакат қаторидан ўрин эгаллади.

Жаҳон банки эксперталарининг фикрига кўра, Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилашдаги асосий ислоҳотлар қўйидагилар бўлиши керак [7]:

- мулкчилик ва бошқарув тузилмаларини аниқлаштириш, шунингдек, корпоратив шаффоффлени ошириш орқали миноритар инвесторлар ҳимоясини кучайтириш, энг муҳим корпоратив қарорларда акциядорлар хукуқлари ва ролини кенгайтириш;

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун олинадиган солик турини даромад (фойда) солиғи билан бирлаштириш орқали солиққа тортишини соддалаштириш;

- рискка асосланган божхона назорати механизми жорий этиш орқали халқаро савдони соддалаштириш ҳамда бунинг натижасида импорт хужжатларига талабларни ёки импорт тўсиқларини енгиллаштириш;

- ихтиёрий медиация тўғрисидаги қонунни қабул қилиш орқали шартномалар ижросини содда-

лаштириш, шунингдек, тарафларни низоларни мениджа орқали ҳал қилишга ундаш учун молиявий рағбатлар яратиш.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бизнесни бошлаш имкониятлари ҳам бизнес муҳитининг ҳолатини кўрсатиб бера ола-

ди. Хусусан, бизнесни бошлаш учун зарур бўлган вақт - бу ишбилармонларнинг асосий билиши керак бўлган ахбороти ҳисобланади. Хозирги кунда мамлакатимизда бирор бир тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш учун керак бўладиган вақт етарли даражада ҳисобланади.

### 3-жадвал

#### Бизнес бошлаш учун зарур бўлган вақт, кунда [8]

Мамлакатлар номи	2010 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ўзбекистон	14.0	7.5	7.5	5.5	5.5	5.0	3.0	3.0
Қозоғистон	25.0	18.0	16.0	11.0	9.0	9.0	5.0	5.0
Россия	-	13.2	11.5	10.8	10.1	10.1	10.1	10.1
Хитой	-	32.3	29.3	29.3	26.9	22.9	8.5	8.5
Малайзия	17.5	9.5	7.5	7.5	23.5	23.5	13.5	17.5
Вьетнам	36.0	34.0	34.0	20.0	24.0	22.0	17.0	16.0

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2019 йилда Ўзбекистонда бизнес фаолиятини очиш учун 3 кун талаб этилган. Ушбу кўрсаткич бўйича 2010 йил билан солиширгандан катта ўсишга эришилди:

2010 йилда бу кўрсаткич 14 кунни ташкил этарди. Аҳамиятлиси, бошқа давлатларда ушбу кўрсаткич пастроқ. Мисол учун, Россия Федерациясида бизнесни очиш учун 10,1 кун, Хитойда эса 8,5 кун сарф қилинади.

Жорий йилда бизнес юритиш қулайлиги бўйича етакчи ўнликка Янги Зеландия, Сингапур, Гонконг (Хитой), Дания, Корея Республикаси, АҚШ, Грузия, Буюк Британия, Норвегия ва Швеция кирди. Одатда рейтинг етакчилари рўйхатдан ўtkазиш ва мулкни топширишда онлайн жарабёнларга, шунингдек, солик декларацияларини топшириш учун электрон платформаларга эга бўлади.

Яна бир муҳим бўлган, мамлакатнинг тўлов қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткич бу - Кредит рейтингидир. Дунёдаги коронавирус пандемияси таъсирида, кўплаб дунё мамлакатлари қатори, Ўзбекистоннинг ҳам кредит рейтингидаги ҳолати бир оз пасайган. Хусусан, мамлакатимиз банклари 2019 йил Moody's ва Fitch рейтингларида “Барқарор” натижани қайд этган бўлса, 2018 йил 21 декабр ҳолатига кўра, “S&P” рейтингида “Барқарор”, 2020 йил 5 июнда ушбу рейтингда “Негатив” натижани қайд этган.

“  
Иирик кредит рейтинг  
агентликларининг хабар  
беришича кредит рейтинг  
пасайишининг асосий сабаби  
давлатнинг умумий ташқи  
қарзининг ликвид ташқи  
активларга нисбатан ошиб  
кетиши ҳисобланади. Бундан  
ташқари, S&P ҳисботида  
таъкидланишича, агар  
кейинги 6-12 ой мобайнида  
фискал ва ташқи қарз  
даражалари билан боғлиқ  
мавжуд вазият ўзгармай қолса,  
республика суверен рейтинги  
“BB-” дан “B+”гача  
пасайиши  
мумкин.

4-жадвал

Ўзбекистоннинг “Fitch”, “S&P”, “Moody's” кредит рейтингларидағи сўнгги натижалари [9]

Агентлик	Рейтинг	Натижа	Эълон қилинган сана
S&P	BB-	Негатив	2020 йил 5 июнь
Moody's	B1	Барқарор	2019 йил 13 февраль
S&P	BB-	Барқарор	2018 йил 21 декабрь
Fitch	BB-	Барқарор	2018 йил 21 декабрь

Йирик кредит рейтинг агентликларининг хабар беришича кредит рейтинг пасайишининг асосий сабаби давлатнинг умумий ташқи қарзининг ликвид ташқи активларга нисбатан ошиб кетиши ҳисобланади. Бундан ташқари, S&P ҳисботида таъкидланишича, агар кейинги 6-12 ой мобайнида фискал ва ташқи қарз даражалари билан боғлиқ мавжуд вазият ўзгармай қолса, республика суверен рейтинги “BB-” дан “B+”гача пасайиши мумкин. Бунинг асосий сабаби, 2020 йилда давлатнинг умумий ташқи қарзининг ликвид ташқи активлардан ошиб кетиши ҳисобланади [10]. Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳисботига кўра, 2020 йилнинг июль ойи бошига келиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи давлат қарзи 17,1 миллиард АҚШ долларини (ЯИМга нисбатан 29,7 фоиз) ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи секторига таъсир кўрсатадиган асосий ички сиёсий хатарлардан яна бири бу - яширин иқтисодиётга қарши курашнинг қонуний асоси мавжуд бўлмаганлиги ва унга қарши курашиш борасида етарли ишлар амалга оширилмаганлигидир. Хусусан, бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида «яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2020 йил 20 июня қабул қилинганилиги ҳам биргина исботдир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг даражаси бирор ҳалқаро рейтингларда акс этмаган. Бу бизда яширин иқтисодиёт йўқлигидан эмас, балки узоқ йиллар давомида мамлакатимизда бунга масъул идораларнинг ҳалқаро рейтингларда қатнашмасликни афзал билганидадир [11].

Мамлакатимиз олимларининг фикрига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирига оид тадқиқотларда яширин иқтисодиёт даражаси ЯИМга нисбатан 40-50 фоиз атрофида ҳисобланади. Бундай вазиятнинг вужудга келиши яширин иқтисодиёт-

ни “гуллатишга” хисса қўшаётган “уддабурон тадбиркорлар”нинг эмас, уларга ҳомийлик қилаётган айrim амалдорлар ҳатти-ҳаракатларининг ҳам натижаси ҳисобланади. Шунга биноан, яширин иқтисодиётнинг юкори эканлигини нафақат мамлакатимиз иқтисодиётига хавф солувчи иқтисодий хатар, балки сиёсий хатар ҳам деб қарашиб мумкин.

Буни ривожланган демократик давлатларда яширин иқтисодиётнинг даражаси пастлиги ва аксинча, бошка давлатларда жуда юкори экани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, аксарият ривожланган давлатларда яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7-15 фоиз оралиғида, АҚШ, Австрия, Швейцарияда 10 фоизга етмайди. Аксинча, Собиқ Иттифоқ таркиби кирган давлатлар, бир қатор Осиё ва Африка мамлакатларида бу кўрсаткич йиллар давомида ниҳоятда баланд – ЯИМнинг 30-50 фоиз оралиғида (Ўзбекистонда 40-50% оралиғида) қолаётганини кўриш мумкин. Оқибатда бу муаммо ушбу давлатлар иқтисодиётини пастга тортаётган оғир тошга айланган.

Яширин иқтисодиётга қарши курашишда Европа давлатларининг аксарияти солиқ механизмларига бирламчи эътибор қаратганини кўриш мумкин. Германия, Австрия, Дания, Швеция, Испания, Туркияда бу иллатга қарши курашда тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини пасайтириш йўлидан борилганлигини кўриш мумкин. Мисол учун, 2019 йилда Германияда фақатгина уйда меҳнат қилувчиларга солиқларнинг камайтирилиши қисқа муддатда 4,8 млн. шундай фаолият юритувчиларнинг ёки 16 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 13 фоизи расмий рўйхатдан ўтиб, солиқ тўловчилар сафига киришига асос яратди.

Сиёсий хатарларнинг ташқи савдоға таъсири. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг фаол ривожланишини интенсив ташқи иқтисодий фаолиятсиз, шунингдек, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан амалга

ошириб бўлмайди. Келажакда мамлакат иқтисодиётининг самарали ривожланиши Ўзбекистон ва унинг хўжалик юритувчи субъектлари ташки савдо операцияларини қандай олиб бориши ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича қандай чоралар кўрилаётганига боғлик, масалан, тажриба алмасиш, халқаро инвестицион ҳамкорлик, халқаро ишлаб чиқариш тизими ҳамда халқаро савдо ташкилотига қўшилиш ва ҳ.к.

Ташки иқтисодий операцияларни амалга оширишда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши сабабли, хорижий тадбиркор ёки инвесторнинг якуний натижасига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин. Сиёсий хатарлар геосиёсий, ижтимоий-иктисодий вазият ва давлатнинг сиёсати билан белгиланади. Улар халқаро ташкилотлар, мамлакат ёки хорижий давлатларнинг давлат органлари фаолияти натижасида ишлаб чиқариш ва савдо жара-

ёнлари шартларининг ўзгариши ва бузилишида намоён бўлади.

Ташки иқтисодий алоқаларни жадал суръатлар билан кенгайтираётган Ўзбекистон иқтисодиёти учун минтақавий ва глобал иқтисодиётдаги вазиятнинг ривожланишини тўғри хисобга олиш ислоҳотлар муваффақиятининг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Экспортни кенгайтириш ва инвестицияларни жалб қилишга катта эътибор қартилаётган вазиятда ушбу омилнинг аҳамияти катта.

Шунингдек, ташки савдо соҳасида бюрократик тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Doing Business 2020 рейтингида “Халқаро савдо” индикатори бўйича Ўзбекистоннинг позицияси ҳам буни тасдиқлаб турибди – 190 давлат ичидаги 152-йрин. Экспорт қилаётганда чегара ва божхона назоратидан ўтиш учун 32 соат вакт талаб этилади. Таққослаш учун, Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун ўртacha кўрсаткич 16,1 соатни ташкил қилмоқда [12].

#### 5-жадвал

#### Экспорт пайтида чегара ва божхона назоратига сарфланган вақт, соатда [13]

Мамлакатлар номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ўзбекистон	112	112	112	112	111,7	31,8
Қозоғистон	133	133	133	133	105	105
Россия	72	72	72	72	66	66
Хитой	25,9	25,9	25,9	25,9	25,9	20,7
Малайзия	48	48	48	45	28	28
Вьетнам	60	60	58	55	55	55

Экспорт операциялари амалга оширилаётган пайтда хужжатларни расмийлаштириш учун 96 соат сарф қилинмоқда. Европа ва Марказий Осиё давлатларида эса бу жараён 25,1 соатни талаб этади.

#### 6-жадвал

#### Импорт пайтида хужжатларни расмийлаштиришга сарфланган вақт (соат) [14]

Мамлакатлар номи	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ўзбекистон	174,3	174,3	174,3	174,3	174,3	150
Қозоғистон	5,5	5,5	5,5	5,5	5,5	5,5
Россия	42,5	42,5	42,5	42,5	42,5	42,5
Хитой	65,7	65,7	65,7	65,7	24	12,8
Малайзия	10	10	10	10	6,5	6,5
Вьетнам	106	106	76	76	76	76

Импорт операциялари амалга оширилаётган пайтда чегара ва божхона назоратидан ўтиш ва хужжатларни расмийлаштириш учун сарф қилинадиган вақт мос равишда 111 ва 150 соатни ташкил этмоқда (Европа ва Марказий Осиё давлатларида эса – 20,4 ва 23,4 соат). Ушбу кўрсаткичлар экспорт-импорт операцияларини тартибга солувчи давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Сиёсий хатарлар нафақат ички, балки ташки то монлама ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, бу хатарлар мамлакат иқтисодиётига нафақат бевосита, балки билвосита ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, Россия ва Европа ўргасидаги алоқалар Украина ва Крим бўхронидан кейин кескин тус олганлиги, 2014 йилда Европа ва АҚШ томонидан

Россия ширкатларига ва масъул шахсларга қаратса санкциялар киритилишига сабаб бўлди. Шунингдек, кейинчалик ушбу санкциялар кўлами Россиянинг барча иқтисодий тармоқларини камраб олди. Натижада, 2014 йилдан бошлаб Европанинг Россияга қиласидиган экспорт ҳажми йилига 15,7 фоизга камайган ва санкцияларнинг кучайиши билан 40 фоизга етган. Солишириш ўрнида, 2013 йилда Европанинг Россияга қилган экспорт миқдори 120 миллиард еврога тенг бўлган бўлса, 2016 йилда эса ушбу рақам 72 миллиард еврогача тушиб кетган.

Яъни, Россия Федерациясига қарши Европа мамлакатлари ва АҚШ томонидан қўлланган санкциялар нафақат Россия Федерациясига, балки санкция қўллаган давлатларга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатган.

#### 7-жадвал

#### Россия рублининг АҚШ долларига нисбатан ўртача йиллик курси ва Россиядан Ўзбекистонга пул ўтказмалари ўзгариши динамикаси [15]

Кўрсаткичлар	2010 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Рублиниг АҚШ долларига нисбатан курси	30,37	31,85	38,42	60,96	67,03	58,35	62,71	64,74
Пул ўтказмалари, млн. долл.	2845,4	6633,0	5581,0	2370,0	1887,8	2662,9	2902,4	3057,7

Ўша даврда юз берган ҳодисалар ўз ўрнида Россия валютасига жиддий таъсир кўрсатди ва 2015 йилда рублининг долларга нисбатан расмий курси 1,59 баробар арzonлашди ва 60,96 рублни ташкил этди. Айнан 2015 йилда Россиядан Ўзбекистонга фақатгина мамлакат мигрантлари томонидан пул ўтказмаларининг ўзи кескин (2,35 баробар) пасайди. Масалан, 2013 йилда 6633 млн.долларлик пул ўтказмалари амалга оширилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 5581 млн.долларни, 2016 йилда 1887,8 млн.долларни ташкил этган. Бу эса мамлакатимиздаги расмий валюта курсининг ошишига сабаб бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Мана шуни инобатга олган ҳолда, геосиёсий хатарларнинг ҳам мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини ўрганиш ва уларни камайтириш бўйича чоралар кўриш керак, деб ҳисоблаймиз.

#### Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, сиёсий хатарлар аниқ бир механизм билан ҳал этиладиган муаммолар қаторига кирмайди. Уларни ҳал этиш, ташкил алоқалар, иқтисодий, сиёсий, ҳамда ижтимоий

алоқаларнинг мустаҳкамлиги, институционал механизмларнинг мамлакатда юқори сифатда ташкил этилганлиги билан ҳам боғлиқ бўлади.

**Юқоридаги таҳлил ва хулосалардан келиб чиқсан ҳолда, сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ташкил савдо соҳалари таъсирини камайтириш бўйича таклифлар ва тавсиялар келтирилди:**

- мамлакатимизда барча тармоқларни тартибга солувчи қонунларга ҳам айrim ўзгартиришлар киритиш керак. Масалан, йирик лойиҳаларга тендерларни фақат битта корхона ютиб олишига йўл кўйилмаслиги, тендерларга бир-биридан мустақил икки ёки ундан кўп тадбиркорлик субъекти жалб қилиниши керак;

- бизнес ва инвестиция муҳити сезиларли яхшиланиши, коррупциянинг пасайиши, камбағалликнинг қисқариши, хуфёна иқтисодиётнинг қисқариши учун давлат бошқарув органидаги юқори лавозимда ишлайдиган раҳбарларнинг бизнес фаолияти билан шуғулланишига йўл кўймаслик зарур;



- мамлакатимизда бизнес мухитини янада яхшилашда қулай ишбилармөнлик мухити камбағаллик даражаси билан боғлиқлигини инобатга олиш лозим. Натижада, Ўзбекистонда камбағаллик даражасининг камайтирилиши ҳамда иқтисодиётни меъёрий тартибга солиш самарадорлигининг яхшиланиши тадбиркорликни, стартапларни, инновацияларни ривожлантиришга, шунингдек, кредит ва инвестицияларни кенг жалб қилишга олиб келиши мумкин;

- жамоатчиликда ҳар қандай иқтисодий фиригарликлар ва коррупция ҳолатларига ниҳоятда қаттиқ салбий муносабат шакллантириш зарур;

- агар мамлакатимизда норасмий иқтисодиётни ўлдириш эмас, балки уни қонунийлаштириш керак бўлса, унда назоратни кучайтиришга эмас (бу коррупция қўламини янада оширади), қонуний бизнес юритиш харажатларини камайтиришга эътибор қаратишимиз керак. Бунинг учун соликлар ва божхона тўловларини камайтириш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини бекор қилиш ёки соддалаштириш, назорат қилиш механизмлари қўламини қисқартириш ва такомиллаштириш, бизнес учун ресурслар ва хизматлар бозоридаги монополияларни йўқ қилиш, барча тадбиркорлар учун тенг шароит яратиш лозим;

- маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳалқаро стандартлар ва техник регламентларни фаол жорий этиш орқали маҳаллий маҳсулотларнинг замонавий талабларга жавоб беришини таъминлаш зарур;

- маҳсулотни сертификатлаш масалаларида экспорт қилувчи корхоналар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий сертификатлар ва экспорт бозорларида мувофиқликни баҳолаш натижаларининг тан олинишини таъминлаш мақсадида ҳалқаро ташкилотлар билан алоқаларни кенгайтириш керак.

### *Манба ва адабиётлар*

1. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) - Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

2. Ўша манба

3. [https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi qanday?](https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi-qanday)

4. Ўша манба

5. Ўша манба

6. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) - Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

7. [https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi qanday?](https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi-qanday)

8. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) – Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

9. <https://tradingeconomics.com/country-list/rating>

10. [https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonning-suveren-kredit-reytingi-prognozi-qayta-korib-chiqishning-asosiy-sabablari?](https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonning-suveren-kredit-reytingi-prognozi-qayta-korib-chiqishning-asosiy-sabablari)

11. [https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi qanday?](https://www.review.uz/oz/post/ozbekistonda-yashirin-iqtisodiyotning-darajasi-qanday)

12. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) - Жаҳон банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

13. Ўша манба

14. Ўша манба

15. Ўша манба

16. Братерский М.В. Экономические инструменты внешней политики и политические риски: научное издание / М.В. Братерский; Национальный исследовательский университет – Высшая школа экономики. – Москва; Издательский дом Высшей школы экономики, 2016. – 232 с.

17. Jonas Gamsø, Roy C. Nelson. Does partnering with the World Bank shield investors from political risks in less developed countries?//Journal of World Business 54 (2019).

18. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРК-419-сонли “Коррупцияга қарши курашии тўғрисида”ги Қонуни.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашии тизимини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 шюнъядаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашии тизимини тақомиллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

21. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

22. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

23. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) – Жаҳон банки расмий сайти.

24. [www.transparency.org](http://www.transparency.org) – “Transparency International” расмий сайти

25. [https://tradingeconomics.com](http://tradingeconomics.com) – Жаҳон савдо иқтисодиёти расмий сайти.

26. [www.review.uz](http://www.review.uz) - "Экономическое обозрение" журналинг ахборот-таҳлилий портали.

### Коронавирус пандемияси даврида сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи савдо соҳасига таъсири

**Жавохирбек Шералиев,**

Прогнозлаштириши ва макроиктисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими,

**Элёр Суннатуллаев,**

Прогнозлаштириши ва макроиктисодий тадқиқотлар институти катта илмий ходими

**Аннотация:** ушбу тадқиқот ишида сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва ташқи савdosiga таъсири ўрганилган. Шунингдек, сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва ташқи савdosiga таъсири бўйича хорижий мамлакатлар билан структуравий ва динамик солиштирма таҳлили амалга оширилган. Тадқиқот ишининг асосий натижаси сиёсий хатарларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва ташқи савdosiga таъсирининг илмий асосларини ёритишидан иборат.

**Калит сўзлар:** сиёсий хатарлар, иқтисодиёти, ташқи савдо, коррупция, коррупция идрок этиши индекси, “doing business”, яширин иқтисодиёти, кредит рейтинги, экспорт, импорт.

### Влияние политических рисков на экономику и внешнюю торговлю Узбекистана во время пандемии коронавируса

**Жавохирбек Шералиев,**

старший научный сотрудник

Института прогнозирования и макроэкономических исследований,

**Элёр Суннатуллаев,**

старший научный сотрудник

Института прогнозирования и макроэкономических исследований

**Аннотация:** в данном исследовании изучено влияние политических рисков на экономику и внешнюю торговлю Республики Узбекистан. Проведен структурный и динамический сравнительный анализ влияния политических рисков на экономику и внешнюю торговлю Республики Узбекистан с другими странами. Основной результат исследования – разработка научных подходов влияния политических рисков на экономику и внешнюю торговлю Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** политические риски, экономика, внешняя торговля, коррупция, индекс восприятия коррупции, «ведение бизнеса», теневая экономика, кредитный рейтинг, экспорт, импорт.

### The impact of political risks on the economy and foreign trade of Uzbekistan during the coronavirus pandemic

**Javokhirbek Sheraliev,**

senior researcher, Institute of Forecasting and Macroeconomic Research,

**Elyor Sunnatullaev,**

senior researcher, Institute of Forecasting and Macroeconomic Research

**Abstract:** this study investigated the impact of political risks on the economy and foreign trade of the Republic of Uzbekistan, carried out a structural and dynamic comparative analysis of the impact of political risks on the economy and foreign trade of the Republic of Uzbekistan with other countries. The main result of the research is to highlight on the scientific basis the impact of political risks on the economy and foreign trade of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** political risks, economics, corruption, corruption perception index, “doing business”, shadow economy, credit rating, foreign trade, export, import.

УЎК: 608.1.519.862

**Мұхтор СУННАТОВ,**  
*Тошкент давлат иқтисодиёт*  
*университети мустақил изланувчиси,*  
**e-mail:** muxtor.sunnatov@mail.ru

## Интеллектуал мулкни шакллантиришнинг ижтимоий-иктисодий хусусиятлари

### Кириш

Интеллектуал мулк (ИМ) ҳуқуқларининг иқтисодий таҳлили утилитар<sup>1</sup> бўлиб, ҳар қандай тизимнинг фойдаси статик<sup>2</sup> ва динамик<sup>3</sup> нуқтаи назардан унинг харажатлардан устун келадими-йўқлигини сўрайди.

Иқтисодий шарт-шароитлар интеллектуал мулк институти мавжуд бўлишини тақозо этар экан, ўз навбатида бу институт тизими иқтисодий омиллар туртқилари остида доимий такомиллашаб боради. Бошқача айтганда интеллектуал мулк институти фоят тез суръатлар ва шиддат билан ривожланаётган илмий-техника тараққиёти орқасидан юрмасдан, балки уни доимий равишда ўз таъсир доирасида бўлишга имкон берувчи институционал майдон бўлиши лозим. Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар изчиллиги, интеллектуал мулк соҳасини тартибга солишдаги фаолиятида ҳуқуқни кўллаш амалиёти-

ни изчил ва бир хилда таъминлаш ҳамда жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан хурмат ҳиссини шакллантиришни асослаб бермоқда. Жумладан, Президентимиз интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масаласида “Интеллектуал мулк химоясини мустаҳкамлай олсақ, бу ҳам учинчи Ренессансга ишончли пойдевор бўлади”-деб таъкидлади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар кимга илмий ва техникий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қиласи (42-модда). Бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни бошқаришга доир конунчиликни, шу жумладан унинг муҳим иқтисодий таркибий қисмларини шакллантиришни, институционал механизмларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, интеллектуал мулкни миллий тизимда ҳимоя қилиш ва уни ишлаб чиқаришда бошқариш ёки фойдаланишда натижаларни рағбатлантириш масалалари бўйича институционал асослар яратилган бўлсада, аммо бу жараён яхлит бир иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқилмаган.

Интеллектуал мулкнинг умумий муаммолари, уни тартибга солишининг институционал механизмларини ривожлантириш масалалари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга масала сифатида долзарб бўлиб келмоқда. Интеллектуал мулк обьектларининг бозор муносабатлари тизимида товар сифатида ҳаракати иқтисодий-илмий жиҳатдан ўрганилиб чиқилмаган.

1 Утилитаризм (лот. *utilis* – фойдали) – ахлоқий ёндашиш (ахлоқий назария), унга кўра хатти-ҳаракат ёки ҳаракатнинг ахлоқний қиймати унинг фойдалилиги билан белгиланади. Фойдани ахлоқнинг асоси ва инсон ҳаракатлариниг мезони деб биладиган ахлоқий ёндашиш. (Буюк Британияда файласуф И.Бентам тавсифи остида, кейинчалик Австрия мактаби иқтисодчилари томонидан фойда назарияси шаклида ишлаб чиқилган).

2 Статика (юнон. *“statis*” – тик, ҳаракатсиз) – умуман олганда *“statika”* – тушунчаси дам олиш, жим туриш, турғунлик, барқарорлик ёки мувозанатни англатади. Ҳаракатсиз ҳолатни акс эттиради.

3 Динамика (юнон. *“dinamikos”* – куч, ҳаракат) – ҳаракат ва куч таъсирни билан боғланган. Ҳаракат ҳолати, ўсиш, ривожланиш, воқеа, ҳодисалаги жўшқинлик. Динамика ва статика – мавжудлик ва тафаккур, ҳаракат, макон ва замон, дунёнинг ривожланиши ҳақидаги турли фалсафий ва илмий назарияларда муҳим рол ўйнайдиган ўзаро боғлиқ ҳодиса ва тушунчалардир.

Интеллектуал мулк ижтимоий-иқтисодий ҳам юридик категория эканлиги, ушбу категорияни, яъни интеллектуал мулк обьектларини иқтисодиётнинг манбай сифатида ўрганишни ҳамда интеллектуал мулк бозорини бошқариш самарадорлигининг илмий-услубий асосларини таҳлил қилиш долзарб масала бўлганилиги сабабли, унинг институционал механизмини ривожлантириш юзасидан илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

### **Илмий-амалий ҳамда назарий асослар таҳлили**

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш, бу соҳадаги ютуқларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантиришда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш жуда муҳим. Маълумки, жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб айниқса унинг функционал типи ривожи, республиканизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантиришни мутлақо янгича ёндашувда илмий изланишларни ҳамда устувор тамойилларни ишлаб чиқиши талаб этади.

XX асрда мулк муҳим ўрин эгаллаган ягона иқтисодий йўналиш АҚШда шаклланган институционализм эди. Мулк ҳуқуқи назарияси асосчилардан бири Торстейн Веблен (1857-1929) ишлаб чиқариш билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, эгасига даромад келтирувчи сифатида ғойибона мулкчилик тушунчасини кенг илмий муомалага киритди. Шундан кейин XX аср 20-30 йилларида мулкчилик тоифасини аниқлашда янги Австрия мактабининг вакили Людвиг фон Мизес (1881-1973) мулкнинг иқтисодий тоифасини батафсил изоҳлаб берди. У мулк иқтисодий жиҳатдан активдир деб тавсифлади. Шунинг учун мулк тоифасини кўриб чиқиша бундай ёндашувни функционал деб аташ мумкин. Л.Мизес мулкнинг ҳуқуқий тарафларини ўрганмайди, лекин мулкни актив сифатида бошқариш кераклигини ўрганади. Шу билан бирга, у мулк ҳуқуқига оид яна бир қоидани тўғридан-тўғри баён қилди.

XX асрнинг ўрталарида неоинституционализм доирасида мулк категориясини кўриб чиқиш учун яна бир ёндашув шаклланди. Асосчилари А.Алчиан (1914-2013) ва Г.Демсец (1930-2019) лар бўлиб, улар ўз асарларида мулк ҳуқуқи назариясининг асосларини яратдилар. Бу масалада неоинституционал ёндашув ва классик ёндашув ўртасида фарқ шундан иборатки, А.Алчиан, Г.Демсец ва уларнинг издошлари мулкни ташкил этувчи “тўплам” (пучок)

таркибини ўзгартирадиган кучлар рўйхатини кенгайтирадилар. Масалан, 1961 йилда инглиз ҳуқуқшуноси Артур Оноре томонидан ишлаб чиқилган мулк ваколатларининг тўлиқ тўплами 11 элементни ўз ичига олади. Мулк ҳуқуқлари назарияси доирасида “мулк” тушунчаси одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда тақсимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этилади. Айнан, А.Оноре рўйхати ўз ичига олган мулк ҳуқуқлари тўплами таърифи “тўлиқ” хисобланади. Булар:

- 1) мулка эгалик ҳуқуқи (*ins possendi*); 2) фойдаланиш ҳуқуқи (*ins utendi*); 3) тасарруф этиш ёки бошқариш ҳуқуқи (*ins abutendi*); 4) мулкни ўзлаштириш ёки даромад олиш ҳуқуқи (*ins fruendi*); 5) қолдик қиймати ёки суверен ҳуқуқи (*ins vindicfndi*); 6) хавфсизлик ҳуқуқи (*security right*); 7) мерос ҳуқуқи (*inheritance law*); 8) муддатсизлик (*perpetuity*); 9) зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи (*right to prohibit harmful use*); 10) ундириш шаклидаги жавобгарлик (*penalties*); 11) кутилаётган қолдик табиати (*residual nature*).

Шу ўринда ҳар бир ҳуқуқлар тўпламига нисбатан илмий, техник ва саноат соҳаларида интеллектуал мулк ҳусусиятлари таснифини таҳлил қилиб чиқсан (1-жадвал).

**XX асрда мулк муҳим  
ўрин эгаллаган ягона  
иқтисодий йўналиш  
АҚШда шаклланган  
институционализм эди.  
Мулк ҳуқуқи назарияси  
асосчилардан бири  
Торстейн Веблен  
(1857-1929) ишлаб чиқа-  
риш билан ҳеч қандай  
алоқаси бўлмаган, эга-  
сига даромад келтирув-  
чи сифатида ғойибона  
мулкчилик тушунчасини  
кенг илмий муомалага  
киритди.**

**1-жадвал****Интеллектуал мулк хусусиятлари**

№	Мулк ҳуқуклари түплами	Мулк ҳуқукларининг субъектлари					
		№1 вариант: муаллифлик ҳуқуки			№2 вариант: патент ҳуқуки		
		Интеллектуал фаолият натижаларини яратувчи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)	Муаллифлик ҳуқуки эгаларининг мулкий ҳуқукларини бошкаручи ташкилот	Фойдаланувчининг ҳуқукларини олиш	Ихтирочи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)	Патент берувчи ташкилот (ИМА)	Патент олган фойдаланувчи
1	Мулкка эгалик ҳуқуки	+			+		
2	Фойдаланиш ҳуқуки			+			+
3	Тасаррuf этиш ёки бошвариш ҳуқуки	+	+		+		
4	Мулкни ўзлаштириш ёки даромад олиш ҳуқуки	+	+	+	+		+
5	Қолдик киймати ёки суверен ҳуқуки	+			+		
6	Хағфислик ҳуқуки	+		+	+		+
7	Мерос ҳуқуки	+			+		
8	Муддатсизлик	+		+	+		
9	Зарарли фойдаланишини такиқлаш ҳуқуки	+	+		+		
10	Ўндириш шаклидаги жавобгарлик	+	+		+		
11	Кутилаётган қолдик табиати	+			+		

**Манба:** муаллиф томонидан тузилди.

Интеллектуал мулк хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда мулк ҳуқуклари түпламини миллий тизимда тартибга солишини олтита институционал ҳуқукий асосга бўлишимиз мумкин. Булар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Халқаро шартномалар, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идораларнинг бўйруқлари ва қарорларидир.

Келинг, интеллектуал мулк муносабатларининг субъектив томонини, яъни ушбу муносабатлар иштирокчилари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиш схемасини кўриб чиқсан. **Хусусан:**

1) интеллектуал фаолият натижаларини яратувчи муаллифлари(ёки ҳаммуаллифлар) яъни эгалари (мутлақ ҳуқуклар эгалари) тўғрисида;

2) ушбу натижалардан бевосита иқтисодий фаолиятида фойдаланадиган хўжалик юритувчи субъектлар;

3) қолган “учинчи”<sup>4</sup> томонлар.

Интеллектуал мулк муносабатларининг вазифаларидан бири бу муносабатлар объектларини “учинчи” шахсларнинг рухсатсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилишидир ва иккинчиси интеллектуал мулк ҳуқукларига ваколатларни тақсимлашда иштирок этмасликлари сабабли, келажакда улар кўриб чиқилмайди. Мисол сифатида биз интеллектуал мулкнинг мутлақ муаллифлик ҳуқуки ва патент ҳуқуклари объектларига нисбатан субъектлар тузилишини кўриб чиқамиз. Ушбу субъектлар 2-жадвалда келтирилган.

4 Томонлар – мулкка зарар етказувчилар (қароқчилар, қалбакилаштирувчилар), мулқдан рухсатсиз фойдаланувчилар.

2-жадвал

**Мутлақ муаллифлик хуқуки ва патент хуқуқларига оид интеллектуал мулк муносабатларининг субъектлари**

Мутлақ хуқуқлар тури	Субъектлар
Муаллифлик хуқуқи	Интеллектуал фаолият натижаларини яратувчи муаллиф (ёки ҳаммуаллифлар)
	Турдош хукуқларга эга бўлган фойдаланувчи
	Муаллифлик хуқуқи эгаларининг мулкий хукуқларини бошқарувчи ташкилот
Патент хуқуқи	Ихтиро муаллифи (ёки ҳаммуаллифи)
	Интеллектуал мулкни ҳимоя қилувчи агентлик
	Патент олган фойдаланувчи

*Манба:* муаллиф томонидан тузилди.

Интеллектуал мулк обьектлари (ИМО) ва мутлақ хукуқлар обьектларининг хуқуқий асослари ҳар доим ҳам мос келавермайди. ИМОларга баъзида мутлақ хукуқлар тартиби қамраб олинмаган, лекин ижодий натижалари бўлган обьектлар киради, масалан, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау). Баъзи олимлар ноу-хауга мутлақ хукуқларнинг маҳсус режими қўлланилади деб хисоблашади.

Америкалик юрист П.Розенберг мутлақ хукуқларни de iure ва de facto<sup>5</sup> асосида фарқлашни таклиф этади. “Мутлақ хуқуқ de facto, унинг фикрича, ихтиро муаллифи томонидан яратилган ихтиродан фойдаланувчи учун унинг хукуқларини тегишли равишда расмийлаштиришга ҳожат йўқ. Ушбу хуқуқ ихтиро моҳияти ва ундан фойдаланиш усуслари бошқа шахслардан сир сақлангунича амал қиласди. Ихтиронинг хуқуқини тасдиқловчи хужжат бўлмаган тақдирда, исталган шахс ушбу ихтиродан, агар у уни қўллашнинг ноқонуний усусларига мурожаат қиласа, фойдаланиши мумкин.” “de facto” умуман мутлақ хукуқларга нисбатан қўлланилмайди, чунки мутлақ хукуқлар тегишли нормалар билан тартибга солинади. Ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау) ҳимояланмаган обьектdir. “Ноу-хау” сифатида тан олинган ахборот одатда маҳфий характерга эга ишлаб чиқариш сирлари хисобланади ва улар учинчи шахсларга ошкор этилмайди, бошқача айтганда, ноу-хауда фақат хуқукий монополия мавжуд.

Мулк хуқуқи назариясининг баъзи замонавий тарафдорлари фикрича, умуман мулкни иқтисодий таҳлил қилишда иккита тушунча ишлайди, яъни якуний назорат хуқуқи ва қолдиқ даромад. Якуний назорат хуқуқи деганда “ушбу активдан фойдаланиш тўғрисида қонун ҳужжатларида аниқ белгиланмаган ва шартнома бўйича бошқа шахсларнинг ваколатларига берилмаган ҳар қандай қарорларни қабул қилиш хуқуқи” тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, бу қонун билан чекланган ва ихтиёрий равишда бошқа шахсларга бериладиган хукуклардан ташқари, мулкдорга қолган хукуқдир.

Қолган даромад тушунчаси соғ даромадни англатади, яъни актив эгаси барча томонлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган миқдорни олиш хуқуқига эга. Бундан ташқари, ушбу тушунчаларнинг тўғри комбинацияси эгасини актив қийматини сақлаш ва оширишга ундовчи рағбатлантирувчи омилларни келтириб чиқарди. Мулк хукуқлари тўплами қўплаб омилларга масалан, мулк турига қараб (давлат ёки хусусий мулкка, шахсий компания ёки акциядорлик жамияти) фарқ қиласди. Шунинг учун келажакда интеллектуал мулкни иқтисодий категория сифатида, хусусан, интеллектуал мулкни тижоратлаштириш усусларини ўрганаётганда, мулкий муносабатларнинг асосий функцияларидан (интеллектуал мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уларни тасаррuf этиш) келиб чиқадиган ваколатлар тақсимоти сифатида кўриб чиқиш керак. Мулкий хукуқлар мажмууда интеллектуал мулкни тақсимланган хукуқлар тўплами сифатида талқин этишимиз мумкин.

5 Хуқукий вазиятларни муҳокама қилишда “lot. de iure, de jure” “қонун билан ифодаланган” деган маънони англатади, “lot. de facto” “аслида” ҳаракат ёки амалда қўлланиладиган нарсаларни англатади.

Бугунги кунда интеллектуал мулк хуқуқига оид қонунчиликнинг изчил ислоҳ қилинаётгани интеллектуал мулкнинг хуқуқ тизимида асосий институтлардан бири сифатида ривожланаётганидан да-лолат беради. Кейинги йилларда республикамизда ҳам интеллектуал мулк хуқуқига оид қонунчилик таркибан ва мазмунан жиддий янгиланди. Унга кўра интеллектуал мулк хуқуқини патент хуқуки, муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқларга ажратиш мумкин. Миллий қонунларимизда айнан ана шу тоифадаги хуқуқлар эътироф этилгани ҳолда, барча тафаккур мулкининг хуқуқий муҳофаза қилинишини Фуқаролик кодексида кўришимиз мумкин.

Республикамизда интеллектуал мулк хуқуқини ҳимоя қилиш тизимининг яратилишини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин.

**Биринчи босқич** 1991-1995 йилларга тўғри келиб, бу давр жаҳон патент/муаллифлик тизими тажрибасини ўрганиш, соҳага оид ихтисослашган ҳалқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, миллий қонунчилик асосларини яратиш, давлатнинг ваколатли органи, яъни Давлат патент идораси, Муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш Давлат агентлиги ташкил этилди.

**Иккинчи босқич** 1996-2002 йилларга тўғри келади. Бу даврда интеллектуал мулк бойликларини хуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилди. Жумладан, “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқкан жой номлари тўғрисида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини хуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”-ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

**Учинчи босқич** 2003-2012 йилларни қамраб олади ва бу йилларни “ҳамкорлар билан ишлаш даври” деб номлаш мумкин. Хуқуқий муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк обьектлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш, ҳалқаро анжуманлар ўтказиш орқали республикамизда олиб борилаётган соҳага оид ислоҳотларни дунё жамоатчилигига етказиш, соҳага оид миллий қонунчиликнинг кўлланиши ва ҳалқаро актларнинг ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишлари ўтказилиши,

омма ўртасида тарғибот ишларини юритиш кучайганини кўриш мумкин.

**Тўртингчи босқич** 2012-2018 йилларга тўғри келади. Бу давр оралиғида ҳар бир мамлакат иқтисодий-ижтиёмий фаровонликка эришиш борасида интеллектуал мулк муҳофазасининг мустаҳкам тизимига эга бўлиши учун ягона бошқарув тизимини ташкил этди.

**Бешинчи босқич** 2019 йилдан янги даврни, интеллектуал мулк бозорини тартибга солишининг янги институционал даврини бошлаб берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралда “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168-сон қарори қабул қилинди.

Мақолада муаммонинг акс этганлиги. Интеллектуал мулк субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, улар ваколатларининг таркибий қисмлари чуқур таҳлил этилмаган. Интеллектуал мулк бозорини ҳимоя қилиш, бундай иқтисодий хуқуқларни амалга оширилишига кўмаклашувчи ташкилотларнинг фуқаролик-хуқуқий мақоми ҳам атрофлича ёндашув ва тизимли тадқиқотлар асосида ўрганиб чиқилмаган. Айни вақтда интеллектуал мулк обьектларининг хуқуқий мақоми, обьектларга нисбатан хуқуқ соҳибларининг ваколатлар ҳажми ва мазмuni бозор тизимида мутлақ янгича оҳанг касб этмоқда, бу эса ўз навбатида баъзи бир эскирган конструкциялар, қарашлар ва тасаввурларни қайта кўриб чиқишни, мутлақо ўзгача характеристидаги ташкилий, қонунчилик, меъёрий ечимларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бу ўз навбатида “трансакция”<sup>6</sup> ва “трансформация” харажатларини келтириб чиқаради (1-расм). Мулк хуқуқини таъминлаш, яъни чекланган ресурслардан фойдаланувчилар орасидан бошқа шахсларни чиқариб ташлаш трансакция харажатлари муаммосини келтириб чиқаради.

6 Трансакция харажатлари – ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг асосий харажатларидан юқори бўлган операцион харажатлар ёки билвосита боғлиқ харажатлар ва чиқимлар. Трансформация(лат. transformatio – ўзгартириш) – фаолиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш, шаклларни ва усулларни ўзгартириш, ҳалқаро хуқуқ нормаларини ички хуқуқ нормаларига айлантириш, ўзгартириш усулларидан иборат



1-расм. Интеллектуал мулк объектлари ва иқтисодиёт субъектларида трансакция муносабатлари ва улар билан боғлиқ харажатлар турлари

*Манба:* муаллиф томонидан тузилди.

Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк бозорида трансформация харажатлари ҳам трансакция харажатлари каби иқтисодий тизимнинг барча поғоналарида юзага келади. Бу айниқса, интеллектуал мулк бозорини бошқаришнинг институционал механизмларини такомиллаштиришда мулкий хукуқлар мажмууда янги тизим-интеллектуал мулк институти ва ҳамда янги институционал мухитни яратишида нисбатан катта ҳажмларда бўлади.

Иқтисодиёт субъектлари фаолияти жараёнида мулкчилик хукукининг алмашиниши, бошқа шахслар томонидан мулкка нисбатан гайриконуний(эгоистик) хатти-харакатлар содир этилган ша-

роитларда уни ҳимоя қилиш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввал фаолият юритиб турган тартиблар ва нормаларни янгилари билан алмаштириш зарурияти юзага келади. Бундай вазиятларда иқтисодиёт субъектлари ўзаро трансакция муносабатларини амалга оширишга киришади ва бу трансакция харажатларини келтириб чиқаради.

Иқтисодиёт субъектларининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан трансакция харажатларининг вужудга келиш омиллари ва улар ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан такомиллашиб борувчи институционал мухитда трансакция харажатларининг шаклланиши, уларни камайтириш ва оптималь-

лаштириш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу қатори, интеллектуал мулк бозорини тартибга солишининг институционал механизмларини ривожлантиришда-ҳам.

Шу билан бир вактда улар ўткинчи харажатлар эмас, бундай харажатлар кўлами давлатнинг макро даражадаги институционал ислоҳотлар сиёсати ҳамда мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар ривожи билан узвий боғлик ҳисобланади. Шу боис трансформация жараёнлари билан боғлик бўлган давлат ҳамда корхоналар миқёсидаги харажат турлари ва таснифларига алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида қараш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги муаммоларни бозор муносабатларини концепцияси нуқтаи назаридан мушоҳада қилиш илмий тадқиқотларнинг янги йўналишини очиб берибина қолмасдан мавжуд қонун меъёрларининг моҳиятини англаб этиш, янгидан-янги меъёрлар ва хукукий ечимларни ишлаб чиқиш учун назарий негиз бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу эса илмий-ижодий тафаккурнинг ўсишига, интеллектуал мулк мулқдорлари қатламининг вужудга келишига, уларнинг хукуқлари кафолатланишига, интеллектуал мулк обьектларининг иқтисодиётимиз салмоғидаги ҳиссасининг ўсишига ва охир-оқибатда моддий ва маънавий ривожланишига олиб келган бўлар эди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда эса барча тадбиркорлик субъектларини инновацион фаолиятга жалб этиш, олимлар ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга эришиш, интеллектуал мулк обьектларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг турли шакл ва воситаларидан кенг фойдаланиш, миллий патентлар бозорини ривожлантириш лозим. Юқорида кўрсатилган масалалар ўз ечими ни топса, мамлакатимизнинг иқтисодий кудрати янада ошган, жаҳон иқтисодиётидаги салмоғи кенгайган бўларди.

### **Тадқиқотлар натижасида қўйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:**

- бугунги кунда бутун дунёда интеллектуал мулк обьектларини таркибларга ажратиш, обьектларга хукукий режим бериш, хукуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда. Бизнингча, республикамизда интеллектуал мулк хукуқи билан боғлик барча қонунлар-

ни жамлаб, алоҳида кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги айрим нормаларнинг бошқа қонунларда тақрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, кодексда яхлит илмийликка асосланган, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган нормалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, хукукни кўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттириш имконияти янада кенгаяди;

- мулк хукуқлари назарияси доирасида “мулк” тушунчasi одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда тақсимланган хукуқлар тўплами сифатида талкин этилади. Бунда мулк хукуқлари га нисбатан утилитаризм (лот. utilis – фойдали) – ахлоқий ёндашиб (ахлоқий назария) принципларини яратиш талаб этилади. Унга кўра ҳатти-харакат ёки ҳаракатнинг ахлоқий қиймати унинг фойдалилиги билан белгиланади. Демак, миллий иқтисодиётда интеллектуал мулкни бошқариш тамойилларини белгилаб олиш зарур;

- интеллектуал мулк муносабатларининг субъектив томонини, яъни ушбу муносабатлар иштирокчилари ўртасида ваколатларни тақсимланишидан ке-либ чиқсан, интеллектуал мулк муносабатларининг субъектлари, бизнинг фикримизча обьектга бўлган муносабатларга қараб ажратиш мақсадга мувофиқ;

- интеллектуал мулк бозорини ҳимоя қилиш, бунда иқтисодий хукуқларнинг амалга оширилишига кўмаклашувчи ташкилотларнинг фуқаролик-хукуқий мақомида жамоатчилик асосидаги интеллектуал мулк натижаларини рагбатлантирувчи жамоавий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш зарур;

- интеллектуал мулк бозорида трансакция харажатлари мулкий хукуқларнинг барча тақсимотида ҳамда мулкни иқтисодий бошқариш поғоналарида юзага келади. Айниқса, интеллектуал мулк бозорини бошқаришнинг институционал механизмларини такомиллаштиришда трансакция харажатларини оптималлаштириш давр талабига айланмоғи зарур.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 8 деқабр 1992 йил (ўзгартиришлари билан).

2. Ўзбекистон Республика Фуқаролик Кодекси. 29 август 1996 йил (ўзгартиришлари билан).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги “Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4168-сон қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “Интеллектуал мулк обьектларини муҳофаза қилиши тизимини таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4965-сон қарори
5. Армен А.Алчиан, Гарольд Демсец. Производство, стоимость информации и экономическая организация. Опубликовано в *American Economic Review*. 1972. C317.
6. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. 285б.
7. Козырев А.Н. Оценки интеллектуальной собственности: Функциональный подход и математические методы. -М.: 2016. Центральный экономико-математический институт РАН. -73-75с
8. Оқюлов Омонбай, Интеллектуал мулкниң ҳуқуқий асослари., ю.ф.д. илмий даражасини олиши учун ёзилган диссертацияси. -Т.: ТЮДУ.2000. 305б.
9. Олейник А.Н. Институциональная экономика. Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2002. 416с.
10. Keith E. Maskus, *Intellectual Property Rights and Economic Development*, 32 Case W. Res. J. Int'l L. 471. (2000), Available at: <https://scholarlycommons.law.case.edu/jil/vol32/iss3/4>. 506. -473.
11. Маматова Ф.Х. Трансакция харажатларини таҳлил қилиши асослари. -Т.: “Фан ва технология”, 2014й., 165б.
12. Мизес Л. Человеческая деятельность. Трактат по экономической теории М Экономика, 2000, -488с
13. Назина К.Н., Кокурина Д.И., Агабекова С.И., Инновационная политика. Учебное пособие. -М.: Юрайт. 2019. -157-160сс.
14. Рузакова О.А., Права интеллектуальной собственности. -М. 2004. Московская финансово-промышленная академия.308с.
15. П.Милгром, Дж.Робертс. Экономика, организация и менеджмент: В 2-х т./пер. с англ. И.В.Розманского, Д.Е.Тетерина, К.А.Холодилина под редакцией И.И.Елисеевой и В.П.Тамбовцева -СПб.: Экономическая школа, 1999. -т.1 -472с., т.2-424с. См.там.-413-415сс.
16. Л.П.Кураков, В.Л.Кураков, А.Л.Кураков, Экономика и права: словарь-справочник.-М. 2004.
17. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т1.(С),(Д). -Т.2018. -622б.

## Интеллектуал мулкни шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари

**Мухтор Суннатов,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети мустақил изланувчиси

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк бозорини бошқаршининг институционал механизмини таомиллаштириши масалалари кўрилган.

**Калит сўзлар:** интеллектуал мулк, мулк ҳуқуқлари, патент, трансакция, трансформация, муаллифлик ҳуқуқи, контрафакт, институционал иқтисодиёт.

## Социально-экономические особенности формирования интеллектуальной собственности

**Мухтор Суннатов,**  
самостоятельный соискатель  
Ташкентского государственного экономического  
университета

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы совершенствования институционального механизма управления рынком интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** интеллектуальная собственность, права собственности, патенты, сделки, трансформация, авторское право, подделка, институциональная экономика.

## Socio-economic features of the formation of intellectual property

**Mukhtor Sunnatov,**  
An independent researcher of  
Tashkent State University of Economics

**Abstract:** the article deals with the issues of improving the institutional mechanism of intellectual property market management in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** intellectual property, property rights, patents, transactions, transformation, copyright, counterfeiting, institutional economics.

УЎК: 334.71.322

**Дилафруз МУХСИМОВА,**  
**базовый докторант Института прогнозирования**  
**и макроэкономических исследований,**  
**e-mail: mdh\_dimond@mail.ru**

## Факторный анализ экономического роста

В принятой Повестке дня Генеральной Ассамблеи ООН страны смогут оказаться на высоте требований в области устойчивого развития на период до 2030 года только в том случае, если они будут оптимально использовать свой производственный потенциал, перераспределяя ресурсы в пользу секторов с более высокой производительностью труда. Цель в области устойчивого развития нацеливает эту трансформацию на рост производительности. Вместе с тем добавленная стоимость, создаваемая в высокопроизводительных секторах, особенно в обрабатывающей промышленности, остается низкой в наименее развитых странах и не имеющих выхода

к морю развивающихся странах, отличаясь по своей динамике от других групп стран. Эта разница в добавленной стоимости приводит к различиям в динамике производительности и глубине технологического разрыва.

Наряду с этим, в настоящее время во всем мире пандемия коронавируса COVID-19 усугубила ситуацию и привела к снижению экономического роста. В 2020 г. наблюдалось сокращение мировых темпов прироста ВВП (рисунок), при этом наблюдалось сокращение объемов производства, потребления, доходов населения, что породило экономическое напряжение.



Рисунок. Темпы роста ВВП, %

Источник: на основе данных МВФ.

Уменьшение прироста экономического роста наблюдалось, в том числе и в Узбекистане. Темпы роста ВВП в 2020 году по данным Государственного комитета статистики Республики Узбекистан были на уровне 101,6%, хотя в 2019 году они составляли 105,8%.

В мире на производство промышленности приходится около 27% ВВП и обеспечивается 22% от общей занятости и она составляет основную часть всей экономики (Всемирный банк). При сложившейся ситуации актуальность дальнейшего развития отраслей с высокой производительностью как обрабатывающая промышленность возрастает.

Растет число исследований, посвященных изучению обрабатывающей промышленности как основного драйвера экономического роста.

Положительное влияние независимой переменной обрабатывающей промышленности на экономический рост в странах мира подтверждается рядом исследований, среди них работы Смирнаи и Верспаген (2015), Фагерберг (2007), Чакраварти и Митра (2009), Катхурия и Натараджан (2013) и другие. Развивающимся странам, которые стремятся поддержать экономический рост и обеспечить устойчивое создание рабочих мест, обрабатывающая промышленность предоставляет возможность не только сместить баланс экономики в сторону отраслей промышленности с большей добавленной стоимостью, но и создать число рабочих мест при более высокой производительности труда. В этих условиях возникает устойчивый спрос на квалифицированный труд, растут уровень доходов занятых, имеет место положительное воздействие на такие социальные показатели как: человеческий капитал и уровень бедности.

Включение фактора инвестиции в модель экономического роста рассмотрено во многих исследованиях. Инвестиции можно определить как актив, который приобретается с целью получения прибыли в будущем. Ученые Бломстром, Липсей и Зежан (1993) показали, что увеличение скорости формирования основного капитала вызывает быстрый рост ВВП на душу населения, Колмаков, Полякова и Шалаев (2015) в своем исследовании получили результат, что венчурные инвестиции значительно влияли на ВВП в России и США на ежегодной основе в течение 1998–2011 годов. Ибрагим и Окунаде (2015) отметили, что данные за период с 1980 по 2013 год по Нигерии показывают значительно силь-

ное влияние внутренних и иностранных инвестиций на экономическое развитие в долгосрочном и краткосрочном периодах.

Существует большое количество литературы, в которой показано, что одним из важнейших факторов экономического роста является человеческий капитал, среди них работы таких исследователей как Рилей (2012), Лукас (1988), Хорвитц (2005) и другие.

Опыт большинства промышленно развитых стран показывает, что часть их успеха была достигнута за счет массивных инвестиций в развитие человеческого потенциала с особым упором на технические навыки, актуальные для промышленности. Для достижения цели индустриализации, изложенной в Повестке дня и Целям устойчивого развития (ЦУР) на период до 2030 года, более преобразующий подход к развитию человеческого потенциала должен стать главным приоритетом. Развивающиеся страны также могут извлечь уроки из опыта успешных индустриальных экономик, таких как Германия, Сингапур, Япония и Республика Корея.

Эффективное государственное управление, способствуя более результативному разделению труда, более производительным инвестициям и более быстрому осуществлению социальной и экономической политики, ведет к более высокому экономическому росту (ОНН, 2005). Согласно Холлу и Джонсу (1999), институты и государственная политика определяют экономическую среду, в которой люди накапливают навыки, а фирмы накапливают капитал и производят продукцию. При этом в одной стране может проводиться политика эффективной поддержки социальной инфраструктуры, обеспечивающей экономический рост, а в другой стране путем коррупции, конфискационного налогообложения, а также неэффективного законодательства может создаваться общественное отвлечение в экономике. Таким образом, эффективное правительство, с одной стороны, может повысить эффективность рынка, например, путем обеспечения соблюдения прав собственности, чтобы помочь частному сектору стимулировать экономический рост, с другой стороны, может дополнить частный сектор в экономическом росте, ускоряя накопление капитала, направляя ресурсы в соответствующие сектора, а также содействие освоению и изучению новых технологий (для обеспечения роста производительности), особенно в странах с очень слабой структурой рынков.

В исследовании Кенинга и Винклера (2020) рассматривается влияние качества государственной политики в отношении аспектов кризиса, связанных со здоровьем, на межстрановые различия в экономических последствиях пандемии. Результаты показывают, что страны, правительства которых борются с пандемией, менее подвержены серьезным спадам экономического роста, чем страны с плохо функционирующими правительствами.

В данной статье на основе изученного литературного обзора представляется модель, позволяющая количественно оценить влияние факторов на экономический рост. При этом также были изучены такие исследования ученых как Хан М. и Сенхаджи А (2001), Серра и Саксена (2008), Лукаса Р., Кристеску и Тилвар (2019), работы МВФ и другие.

В целях изучения влияния фактора обрабатывающей промышленности на экономический рост была построена эконометрическая модель.

В представленной модели зависимая переменная – это среднее значение темпа роста ВВП за 2000-2019 годы. Рассмотрена выборка из 217 стран мира, а также по группам стран по разбивке методологии Всемирного банка. При этом Всемирный банк ежегодно рассчитывает показатели национального дохода на душу населения в странах мира, все государства и территории классифицируются по трем категориям: страны с высоким уровнем дохода (ВВП на душу населения от 12,615 тыс. долла-

ров США и выше) – 67 стран (1 группа), страны со средним уровнем дохода (ВВП на душу населения от 1,036 до 12,615 тыс. долларов США) – 108 стран (2 группа), страны с низким уровнем дохода (ВВП на душу населения до 1,035 тыс. долларов США) – 31 стран (3 группа).

В качестве независимых переменных рассматриваются факторы: начальный уровень ВВП на душу населения, обрабатывающая промышленность, инвестиции, человеческий капитал, эффективность государственного управления:

$$GDPgr = c1 + c2 * GDPpc + c3 * manuf + c4 * invest + c5 * hc + c6 * goveff,$$

где  $GDPgr$  – темпы роста ВВП, в %, среднее за 2000-2019гг;  $GDPpc$  – ВВП на душу населения за 2000 год (долл. США в постоянных ценах 2010г) (логарифм);  $manuf$  – добавленная стоимость обрабатывающей промышленности, среднее за 2000-2019гг (долл. США в постоянных ценах 2010г) (логарифм);  $Invest$  – темпы роста инвестиций, среднее за 2000-2019гг;  $hc$  – индекс человеческого капитала (от 0 до 1) среднее за 2000-2019гг;  $goveff$  – индекс верховенства законов, среднее за 2000-2019гг.

Начальный (стартовый) уровень ВВП на душу населения в качестве контрольной независимой переменной рассмотрен в одной из первых эконометрических моделей Барро (1997). Интерпретация данного фактора характеризуется уровнем конвергенции.

Таблица 2

## Результаты эконометрического анализа

Переменные	Зависимая переменная – темпы роста ВВП, %									
	(1)		(2)		(3)		(4)		(5)	
	Страны мира	2 группа стран	Страны мира	2 группа стран	Страны мира	2 группа стран	Страны мира	2 группа стран	Страны мира	2 группа стран
Начальный уровень ВВП на душу населения (log)	-0.61***	-0.88***	-0.73***	-0.97***	-0.57***	-0.80***	-0.88***	-1.14***	-1.15***	-1,39***
Обрабатывающая промышленность(log)			0.17***	0.23***	0.13**	0.18***	0.11**	0.17***	0.1*	0,14**
Темпы роста инвестиций					0.12***	0.09**	0.15***	0,09**	0.15***	0,1***
Человеческий капитал							5.04***	5,1***	3.2**	3,6**
Эффективность гос управления									0.8**	1,1***
Константа	8.8***	10.9***	6.2***	6.6***	4.83***	5.9***	4.74***	5,9***	6.35***	3,5***
N	193	103	176	96	157	82	146	77	146	77
R2	0.23	0.13	0.28	0.30	0.38	0,30	0.48	0,43	0.51	0,51

Источник: расчеты автора на основе данных Всемирного банка.

Данное исследование показывает, что на показатель ВВП на душу населения влияют такие факторы как обрабатывающая промышленность, инвестиции, человеческий капитал, эффективность государственного управления. Следовательно, страны с более высоким человеческим капиталом, индустриальным развитием, эффективным государственным управлением имеют более высокий уровень жизни населения (ВВП на душу населения).

Полученные результаты в таблице 2 показали, что выбранные факторы экономического роста (инвестиции, человеческий капитал, обрабатывающая промышленность, эффективность гос. управления) являются статистически значимыми и логически соответствуют теоретико-эмпирическим положениям как для всей выборки (146 страны, модель 5), а также для стран второй группы (77 стран, модель 5).

Тест Бройша-Пагана показал о гетероскедастичности данной модели, но проблема неоднородности дисперсии была решена, используя параметр robust в Stata, что не повлияло на оценки параметров.

В таблице 2 в модели 1 рассматривается влияние логарифма начального уровня ВВП на душу населения в рассматриваемом периоде, при этом ее коэффициент объясняет 23% дисперсии экономического роста для стран мира.

Включение переменной обрабатывающей промышленности представляется столь же важным в объяснении экономического роста, при этом процент объяснения дисперсии при переходе от модели 1 к модели 2 повышается с 23 до 28%.

О важности фактора инвестиции (модель 3) свидетельствует тот факт, что при ее включении объясняющая способность уравнения повышается еще больше (до 38%). Для выборки со второй группой стран в данной модели коэффициент детерминации равен 0,30, а все включенные факторы имеют 1%-ую значимость.

В модели 4 показано, что когда в нее включается фактор "человеческий капитал", то процент объяснения дисперсии увеличивается до 48%. В то же время эта переменная смягчает влияние фактора обрабатывающей промышленности на экономический рост. Необходимо отметить, что и человеческий капитал и обрабатывающая промышленность статистически важные переменные.

Дальнейшее включение переменной эффективность государственного управления (r&l – rule of

law, который принимает значения от минус 2,5 до 2,5) столь же важно в объяснении вариаций экономического роста, при переходе от модели 4 к модели 5 она еще повышается (до 51%).

Необходимо отметить, что при переходе к выборке с набором стран второй группы все рассмотренные факторы не потеряли свою значимость, при этом в окончательной модели процент объяснения дисперсии также равен 51%.

Следовательно, исследование подтверждает, что на экономический рост влияют такие факторы, как человеческий капитал, обрабатывающая промышленность, инвестиции, эффективность государственного правления.

Отличием рассматриваемой в данной работе модели от ранее изученных являются рассмотрение стран мира с выделением группы стран по уровню развития, а также данный набор выбранных факторов, влияющих на рост ВВП. Используя данную модель можно оценить имеющиеся резервы, рассчитать потенциал роста, а также прогноз ВВП страны, в том числе и Узбекистана.

**Для поддержания и дальнейшего экономического роста развивающихся стран можно предложить следующие рекомендации:**

- дальнейшее привлечение инвестиций в развитие человеческого капитала и обеспечение их эффективного использования, что позволит создать кадровый ресурс для инноваций и повысить абсорбционную способность (концепция Когена Левинталя) для принятия иностранных ПИИ и технологий;

- увеличение занятости посредством стимулирования стартапов и создания новых компаний, что позволит развивать промышленность, в том числе обрабатывающей;

- увеличение инвестиций в НИОКР и ускорение коммерциализации разработок будет содействовать технологическим инновациям и повысит конкурентоспособность промышленности, в том числе обрабатывающей;

- мобилизация существующих резервов в целях дальнейшей диверсификации товарной структуры экспорта за счет обрабатывающей промышленности. По данным Всемирного банка, доля обрабатывающей продукции в экспорте товаров за последние три года в среднем в Узбекистане составила 34%, что значительно ниже мирового уровня (69%). При этом необходимо учесть, увеличение



продукции с высокой добавленной стоимостью, как для внутреннего, так и для внешнего рынка требует определенных финансовых ресурсов, привлечение и действие которых необходимо наладить;

- дальнейшее повышение качества госинститутов и рост человеческого капитала. Развитие электронного правительства является его важным элементом. По индикатору "верховенство закона" в 2019 году Узбекистан имеет значение, равное минус 1,04, тогда как Россия – минус 0,72, Украина – минус 0,69, Казахстан – минус 0,43, Китай – минус 0,27. Качество человеческого капитала тесно связано с качеством госинститутов. В условиях низкого качества человеческого капитала невозможно удовлетворить спрос на квалифицированных специалистов, повышать эффективность государственного регулирования, уровень индустриализации и экспортной ориентации малого бизнеса, создавать современные крупные компании – интегрированные в глобальные производственные сети;

- следует обеспечить диверсифицированное привлечение ПИИ в различные отрасли обрабатывающей промышленности, чтобы нарастить промышленный потенциал не только в добывающих, но и в других отраслях, где Узбекистан имеет сравнительное преимущество. Для этого некоторые страны мира (например, Китай) практикуют политику градации отраслей экономики по приоритетности для зарубежного инвестирования.

## *Источники и литература:*

1. Barro, R. *A new data set of educational attainment in the world, 1950-2010* / R. Barro, J.-W. Lee // NBER Working Paper, 15902, 2010. – 47 p.
  2. M. Khan & A. Senhadji, 2000, “*Threshold Effects in the Relationship Between Inflation and Growth*,” IMF WP 00/110.
  3. Cerra and Saxena, “*Growth Dynamics: The Myth of Economic Recovery*,” *American Economic Review*, March 2008
  4. Лукас Р.Э. *Лекции по эконометрическому посмту: пер. с англ. Д.Шестакова* –М.: Изд-во Института Гайдара, 2013. – 288 с.
  5. *IMF Paper: Western Hemisphere/ The Role of Structural Reforms in Raising Economic Growth in Central America/ Prepared by Andrew Swiston and Luis-Diego Barrot/ Authorized for distribution by Marco Piñón October 2011*
  6. Carlos F. Gomes, Yasin Mahmoud M., Lisboa João V. *Key performance factors of manufacturing effective performance. The TQM Magazine*. 2006. Vol. 18, Is. 4. P. 323–340.
  7. Maddison Angus. *When and Why did the West get Richer than the Rest? Exploring economic growth: essays in measurement and analysis; a Festschrift for Riita Hjerpe on her 60th birthday*. Amsterdam: Aksant, 2004. P. 29–62.
  8. Szirmai, A. and B. Verspagen, 2015. *Manufacturing and economic growth in developing countries, 1950–2005. Structural Change and Economic Dynamics*, 34: 46–59. Available at: <https://doi.org/10.1016/j.strueco.2015.06.002>
  9. Chakravarty, S. and Mitra, A. 2009. *Is Industry still the engine of growth? An econometric study of the organized sector employment in India*. *Journal of Policy Modeling*, 31.

10. Fagerberg, J., Verspagen, B. 2007. *Innovation, Growth and Economic Development: Have the Conditions for Catch-up Changed?* International Journal of Technological Learning, Innovation and Development, 1(1).
11. Vinish Kathuria, Rajesh Raj Natarajan Is Manufacturing an Engine of Growth in India in the Post-Nineties? Volume:8 issue:3, page(s): 385-408. 201. <https://doi.org/10.1177/0973174113504849>
12. Magnus Blomstrom, Robert E. Lipsey & Mario Zejan Is Fixed Investment the Key to Economic Growth? Working Paper 4436 DOI 10.3386/w4436, ISSUE DATE August 1993
13. V.Kolmakov, A.Polyakova, V.Shalaev, An analysis of the impact of venture capital investment on economic growth and innovation: evidence from the USA and Russia, Economic Annals, Volume LX, No. 207 / October – December 2015
14. Ibrahim W. Okunade, A Sheu, Analysis of Foreign and Domestic Investment on Economic Growth in Nigeria (1980-2013), vol. 14 no. 4 (2015): Artha journal of social sciences. DOI: <https://doi.org/10.12724/ajss.35.3>.
15. Riley G, 2012, *Economic Growth - The Role of Human & Social Capital, Competition & Innovation*, <http://www.tutor2u.net/economics/revisionnotes/a2-macro-economic-growth-capital.html>, Accessed April 16, 2014;
16. Lucas, R, 1988, On the mechanics of economic development, *Journal of Monetary Economics* 22, pp. 3–42.
17. Sujin Horwitz, The Compositional Impact of Team Diversity on Performance: Theoretical Considerations, June 2005, *Human Resource Development Review* 4(2):219-245, DOI: 10.1177/1534484305275847.
18. Robert E. Hall and Charles I. Jones, Why do some countries produce so much more output per worker than others? *The Quarterly Journal of Economics*, Vol. 114, No. 1 (Feb., 1999), pp. 83-116
19. Khan, Mohsin S., and Senhaji Abdelhak S.2001” Threshold Effects In The Relationship Between Inflation And Growth”, *IMS Staff Papers*, Vol. 48 No. 1.
20. Valerie Cerra, Sweta Chaman Saxena, Growth Dynamics: The Myth of Economic Recovery, *American economic review*, VOL. 98, NO. 1, march 2008, pp. 439-57.
21. Michael König, Adalbert Winkler, COVID-19 and Economic Growth: Does Good Government Performance Pay Off? *Intereconomics*, Volume 55, 2020, pp. 224–231.
22. Amalia CRISTESCU, Gabriela TILVÄR , The main factors of economic growth in the European Union, *Theoretical and Applied Economics Volume XXVI* (2019), No. 3(620), Autumn, pp. 5-20.

## Факторный анализ экономического роста

Дилафуз Мухсимова,

Базовый докторант Института прогнозирования  
и макроэкономических исследований

**Аннотация:** в статье рассматривается влияние таких факторов как обрабатывающая промышленность, человеческий капитал, инвестиции, эффективность государственного управления на экономический рост. Рассмотрен литературный обзор по влиянию факторов на экономику и сделаны выводы на основе, полученных результатов эконометрической модели, показывающих о необходимости развития обрабатывающей промышленности, повышения человеческого капитала, увеличения инвестиций, повышения эффективности государственного правления.

**Ключевые слова:** обрабатывающая промышленность, человеческий капитал, инвестиции, индекс эффективности государственного правления, экономический рост.

## Iqtisodiy o'sishning omillari tahlili

Dilafruz Mukhsimova,

Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti  
tayanch doktoranti

**Annotatsiya:** maqolada ishlab chiqarish sanoati, inson kapitali, investitsiyalar, davlat boshqaruving samaradorligi kabi omillarning iqtisodiy o'sishga ta'siri ko'rib chiqilgan. Tanlangan omillarning iqtisodiyotga bo'lgan ta'siri to'g'risidagi adabiyotlar ko'rib chiqilgan va ekonometrik model natijalari asosida ishlab chiqarish sanoatini rivojlanтирish, inson kapitalini ko'paytirish, investitsiyalarni ko'paytirish va davlat boshqaruvi samaradorligini oshirish zarurligini ko'rsatadigan xulosalar chiqarilgan.

**Kalit so'zlar:** ishlab chiqarish sanoati, inson kapitali, investitsiyalar, davlat boshqaruvi samaradorligi ko'rsatkichi, iqtisodiy o'sish.

## Factor Analysis of Economic Growth

Dilafruz Mukhsimova,

basic doctoral student, Institute of Forecasting and  
Macroeconomic Research

**Abstract:** the article examines the influence of such factors as the manufacturing industry, human capital, investment, the effectiveness of public administration on economic growth. The literature review on the influence of factors on the economy is considered. Based on the results of the econometric model, conclusions were drawn showing the need to develop the manufacturing industry, increase human capital, increase investment, and improve the efficiency of government.

**Keywords:** manufacturing, human capital, investment, government efficiency index, economic growth.

## Аждодларимиз иқтисодий тафаккури

# “БУЮК ТЕМУР”МИ ЁКИ “АМИР ТЕМУР?”

Жаҳон тарихини ўзгартириб юборган, оламшумул ишлар қилган инсонлар бор. Буюк Темур, шак-шубҳасиз, ана шундай шахслардан бири. Унинг буюк шахс бўлганлигини жаҳоннинг аксарият темуршунос олимлари тан олишади. Хорижда Темур ҳақида ёзилган асарларнинг мутлоқ кўпчилигида Турон ҳукмдорига нисбатан “Буюк” сифати қўшиб ишлатилади! Лекин Буюк Темур ўз юртида ҳамон “Амир Темур”, “Соҳибқирон Амир Темур”, “Амир Темур Кўрагон” ва “Темурбек” деб атаб келинмоқда. Буюклигини дунё эътироф этган Темур бобомизнинг номига унинг авлодлари нима учун “Буюк” сўзини қўшиб ишлатмаймиз? Бунинг сабаби нимада? Ана шу саволларнинг жавоби мени роса ўйлантиради...

Юқорида қайд этдимки, жаҳон тарихи, фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган шахслар номига “Буюк” сифати қўшиб ишлатилади. Шу боис жаҳонда Темурни кўпчилик “Буюк Темур” деб атайди. Хорижда Темурга бағишлаб ёзилган асарларнинг аксарияти шундай номланади [1]. Адабиётлар рўйхатининг [1] манбасида кўриниб турибдики, Темур ҳақидаги асарлар кўпчилигининг ҳатто номлари ҳам “Буюк Темур” деб аталган (инглизчада “Great” сўзи ўзбекчада “Буюк” дегани), тадқикот бошқача номланган бўлган ҳолларда ҳам асарнинг матнида бобомиз албатта “Буюк Темур” деб улуғланган. Бизда эса унинг номига бошқа сифатлар қўшиб ишлатилади, яъни “Амир”, “Соҳибқирон”, “Кўрагон” ва “Темурбек”. Темурни “Амир Темур” деб аташ эса, менимча, ҳатто руҳимизга ҳам сингиб кетди. Мазкур атамаларнинг моҳиятини тўғри тушуниш учун темуршунос олимлар Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджоновларнинг “Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)” мақоласига мурожаат қиласиз [2].

1. “Амир”. Темур туғилиши бўйича амир эди. Яъни у ҳаётида ҳеч қандай ютуққа эриша олмаса ҳам, жиддийроқ амалга чиқа олмаса ҳам, туғилган вилояти Кешдан ташқарига чиқолмаса ҳам барibir Амир Темур бўлиб қолаверарди. Сўзимнинг исботи сифатида мазкур мақоладан иқтибос келтираман: “Амир Темур, Темур, Темурбек (тўлиқ исми

Амир Темур ибн Амир Тарагой ибн Амир Барқул). ...Отаси амир Тарагой эса барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. Унинг аждодлари Кеш вилоятида ҳокимлик қилишган”.

Мазкур иқтибосдан кўриниб турибдики, Темурга “Амир” сифати қўшилишида унинг ҳеч қандай хизмати йўқ. Бу ота-бобосидан мерос наасаб ҳисобланган. Шу боис туғилиши билан унинг исми “Амир Темур” деб аталган.

“Амир” унвонининг бошқа маъноси ҳам бор. Ўзбек тилининг изоҳли лугатидан: “АМИР – (ҳоким, ҳукмдор; бошлиқ) ”Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси” [3]. Демак, “амир” унвони “хон ёки “подшо” маъноларини ҳам билдирав экан. Бу ўринда, балки, Темур “хон” ёки “подшо” унвонларидан “амир” унвонини баланд қўйиб, шу ном билан тарихда қолишини ўйлагандир, деган фараз туғилиши ҳам табиий...

Мазкур мақоладан қуйида келтирилган иқтибос эса Темур “амир” наасабини ҳарбий унвон сифатида ҳам тушунганилигидан далолат беради: “Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур қўшиннинг тузилишига катта эътибор қаратди. У «амир» ва «амир ул-умаро» каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий қилди” [4]. Қаҳрамонлик кўрсатган жангчиларни Темур-

нинг ўзи “амир” унвони билан тақдирлаган: “Энг яқин навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олди-кетини ўйлаб иш тутадиган кишилардир” [5].

2. **“Соҳибқирон”.** Бу сўзнинг маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да қўйидагича талқин этилади: ”СОҲИБҚИРОН” (қирон эгаси) 1. Астрология ва афсоналарда: Зухра ва Муштарий ёки Зухра ва Күёшнинг эклиптика даврининг маълум бир дараҷасида тўқнаш келиш вакти (қирон) да туғилган бола (бундай боланинг баҳтли, ғолиб, музaffer ва улуғ мартабали бўлиши башорат қилинган). 2. Шарқ мамлакатларида: қудратли хукмдор, жаҳонгир унвони. 3. Амир Темурнинг шарафли унвони” [6].

Демак, Зухра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) ёки Зухра ва Күёшнинг эклиптика даврининг муайян бир дараҷасида тўқнаш келиш вакти астрология ва афсоналарда “қирон” деб аталаркан ва шу пайтда туғилган боланинг келажаги буюк бўлиши олдиндан маълум бўлар экан. Соддороқ қилиб айтсак, “Соҳибқирон” атамасининг мазмуни илмий асосга эга бўлмасдан, балки астрология ва афсоналардан келиб чиқсан экан!...

3. **“Кўрагон”.** Мен Темурга “Кўрагон” унвонини бериш аслида Буюк Темурнинг шахсини ерга уриш, унга нисбатан камситиш, деб ҳисоблайман. Айрим тарихчилар фикри бўйича бу масала мана бу тарзда баён этилади: “1370 йилнинг 10 апрелида Балх шаҳри Амир Темурга таслим бўлди. Амир Ҳусайн асир олиниб, қатл этилди. Бу ғалабадан сўнг Амир Темур Мовароуннаҳрнинг чингизийлардан бўлган хукмдори Қозонхоннинг қизи Сарой-мулкхонимни ўз никохига олади. Хон қизига уйланганини муносабати билан Амир Темур «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» унвонини олди” [7].

Авало, миллатимиз ва динимизда хотиннинг наасби билан фаҳрланиш ориятсизлик ва уят ҳисобланади. Бу гап ҳатто энг оддий йигитларга ҳам тегишли. Ҳалқимиз асрлар давомида шу ақида билан яшаб келган. Шундай экан, наҳотки, Турондай катта бир давлатга хукмдорлик дараҷасига етган Темур бирорнинг ҳарамидан қолган, лекин хон авлодидан бўлган бева аёлга уйланиши ўзига шараф деб билган бўлса! Бунга ишониш қийин! Бундай бўлиши Темурнинг фурурига мутлақо тўғри келмас эди! Қолаверса, мабодо Темурга “хонга куёвлик” унвони керак бўлса, у Чин-

гизхон авлодидан бўлган ҳали турмуш қурмаган қизга уйланиши мумкин эди!

Ўзида 80 000 сўзни қамраб олган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “кўрагон” сўзининг маъноси у ёқда турсин, ҳатто ўзи ҳам йўқ экан! Агар бугунги кунда тилимизда бу сўз бўлмаса, Темур даврида ҳам бўлмагандир, бу лақабни унинг вафотидан кейин ҳалқимиз душманлари атайлаб ўйлаб топиб, тарихга киритиб юборишганмикин, деган фаразу-гумонлар пайдо бўлиши ҳам табиий бир ҳол...

Шу ўринда бир изоҳталаб ҳолат бор. Яъни айрим тарихчилар ўша даврда “кўрагон” сўзи “хукмдор” маъносида ҳам ишлатилган, дейишади. Лекин мақолада мен бу сўзни “хоннинг куёви” маъносида ишлатилган варианти ҳақида фикр юритдим.

4. Буюк бобомизни **“Темурбек”** деб аташ ҳолатлари ҳам бор. Лекин бу унчалик кўп тарқалмаган вариант бўлганлиги ва мазмуни қўшимча изоҳсиз ҳам тушунарли эканлиги туфайли унга тўхталиб ўтиришни ортиқча ҳисоблайман.

Айрим темуршуносларда Темур Чингизхон авлодидан бўлмаганлиги учун у хонлик таҳтига ўтиришга ҳаққи йўқ эди, деган фикрлар бор. Мутахассисларнинг бу борадаги қарашларига мисол сифатида 4 та китобдан иборат “Улуғ салтанат” тетралогиясини ёзган Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Муҳаммад Али ижодига мурожаат қиласиз: “Ўша пайтдаги таомилга қўра, давлатга Чингизхон асос солган, шунинг учун факат унинг авлодидан бўлганларгина хон аталишга лойик кўриларди” [8].

Бу “таомил” қаердан келиб чиққанлигини тарихчилар бундай тушунтиришади: Темурнинг саккизинчи аждоди Қачули баҳодир ва Чингизхоннинг учинчи аждоди Қабулхонлар (бу киши турк-мўғулларнинг афсонавий онаси Алонкуванинг авлоди бўлган дейилади) ўртасида “Хонлик Қабулхон авлодининг кўлида, сипоҳсолорлик эса Қачули баҳодир болаларида бўлсин”, деган аҳднома бўлган [9]. Балки шундай “аҳднома” бўлганлиги туфайли ўша пайтдаги одамларда факат Чингизхон авлоди вакилларигина “хон” бўлиши керак, деган ақида туғилган бўлиши ҳам мумкин?!

Бундай “аҳднома” ҳақиқатда бўлмагандир десак, Темур ўзининг “Тузуклари”да бунинг бор эканлигини тан олган [10]. Балки шу боис Темур ҳокимијат тепасига келган илк даврида бу фикрга қўшилган ва шу сабаб ўзини “хон” деб эълон қилмаган бўлиши мумкин.

Лекин ҳокимият тепасига келгандан бир неча йил ўтиб, Евроосиё материгининг авваллар чингизийлар хукмронлик қилган катта ҳудудида Темур асосий фигурага айланди. У ҳатто Олтин Ўрда тахтига ўзи ҳохлаган Тўхтамишни хон қилиб қўтариш даражасига етди. Бу улкан ҳудудда унга тенг кела-диган ҳарбий куч қолмади. Ана шундай вазиятда агар Темур ҳохлаганда, у ўзини “Темурхон” деб эълон қилиши мумкин эди ва ҳеч қанақа куч бунга монелик қила олмасди. У бунга ўзи тахтга ўтқизган Тўхтамишхондан рухсат олиши керакмиди?

Қолаверса, бу орада, яъни 1360 йили чингизий Туғлук Темурхон билан Темурнинг Мовароуннахр хукмдори бўлиши тўғрисида янги аҳднома тузилган. Янги тузилган аҳднома ҳақида Темур бундай дейди: Туғлук Темурхон “Мовароуннахрни эса менга қолдирди ва бу хусусда ёрлиғу аҳднома ёзиб берди. ... Мен бутун Мовароуннахр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача чўзилган ерларга хукмрон бўлдим” [11].

Мен Темур ўзини “хон” деб эълон қилмаганинг сабаблари жуда чукур бўлган ва у ҳам Темурнинг буюк шахслигидан бир мисол, деган фикрдаман. Чунки ўзини “хон” деб эълон қилганда Темур фақатгина Чингизхон ишининг давомчisi сифатида тарихда қолар эди, мустақил сулоланинг асосчиси бўла олмасди. **Менинг фаразим бўйича, Темур 1370 йилдаёқ ўзининг келгусида буюк ишлар қилиши ва улкан салтанат барпо эта олишига ишонган! Шу сабабга кўра, Темур онгли равишда ўзига “хон” наасбини олмаган. Чингизий хукмдорлар дунёга машҳур қилган “хон”лик мартабасини Темур ўзига муносиб кўрмаган!**

Лекин Темур йигит ёшидан бошлаб, юртини мӯғуллар истибодидан озод қилиш ва ўз давлатини ташкил этиш ниятида бўлган. Унинг айнан шундай фикрда бўлганлиги “Темур тузуклари”да “мен бутун Мовароуннахр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача чўзилган ерларга хукмрон бўлдим” (бу воқеа 1360 йилда, яъни Темурнинг 24 ёшида юз берган – **таъкид муаллифники**), деб ёзиши (20-бет) ва айнан Темур Мовароуннахрга вақтинча хукмронликка эришган 1360 йилдан бошлаб юз берган воқеаларни “Темур тузуклари”да “Давлат қуриш олдидан қилган иккинчи кенгашим” (20 – 24 бетлар), “Ўз салтанатимни тузиш йўлида қилган учинчи кенгашим” (24 – 26 бетлар), “Салтанатимнинг дастлабки давларида

қилган тўртинчи кенгашим” (26 – 28-бетлар) деб атасидан кўриниб туриби.

Эътибор қилинг, Темур қайсиdir хукмдорга сипоҳсолор бўлиб қолишини ўзига эп кўрмаяпти, балки, “хукмрон бўлдим”, “давлат қуриш олдидан”, “ўз салтанатимни тузиш”, “салтанатимнинг” деган ибораларни ишлатяпти. Яъни у ўз мустақил давлатини тузиш ва унга ўзи хукмрон бўлиши нияти борлигини очиқ-ойдин ифодалаяпти.

Темур айнан ўзи мустақил хукмрон бўлишини ҳохлаганлиги “Тузуклар”дан олинган қуидаги иқтибосда ҳам равshan кўриниб туриби: “...хижрий 762 (милодий 1361) йили Туғлук Темурхон иккинчи марта Мовароуннахрга қўшин тортиб келиб, мени ўз ҳузурига чорлаб нома жўнатди. Мен (рози бўлиб), унинг истиқболига чиқдим ва у билан кўришдим. У орамиздаги аҳдни бузиб, Мовароуннахрни ўғли Илёс Хожага топшириди, мени эса сипоҳсолор қилиб белгилади. Бу ишга ортиқча **рўйхушлик билдирмаётганимни** сезиб, бобом Қачули Баҳодир ва ўзининг бобоси Қабулхонларнинг аҳдномасини кўрсатди” [12].

Демак, бу икки авлод вакиллари ўртасида турли пайтларда тузилган иккита, бир-бирига зид аҳднома бор экан. Аҳдномаларнинг кейингиси биринчисини инкор этяпти. Демак, шу билан Темурнинг давлатнинг мустақил хукмдори бўлиш ҳақидаги ниятига тўсқинлик қиладиган аввалги хужжат ўз аҳамиятини йўқотади.

Темур баъзан номига “султон” сўзини қўшиб ишлатган. “1391 йилда Тўхтамишхон билан жангта бораётib, Даشتி Қипчоқда улкан тошга хотира сатрларини ўйдириб ёздирганда, ўзини “Турон султони” деб атади” [13].

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики. “Амир”, “Соҳибқирон”, “Кўрагон” ва “Бек” наасблари Темурнинг жаҳон тарихи олдидаги буюк хизматларини ифодаламайди. Бу наасбларни ишлатишга мен қарши эмасман. Лекин унга нисбатан “Буюк” унвонини қўшиб, “**Буюк Темур**” деб атасак, бобомизнинг инсоният олдида қилган хизматларини жаҳонда кўпчилик томонидан қабул қилинган таомилга мос ҳолда унинг номида эътироф этган бўлардик.

**Мен Темурни Буюк шахс деб аташ учун қуидаги сабаблар бор, деб ҳисоблайман:**

1. Ўзбек ва яна қатор халқларни мӯғулларнинг 150 йиллик (1219-1370 йиллар) истибодидан озод килди (**1-харитага қаранг**). Хоразм давлатининг

1220 йилги харитаси Темурнинг бугунги Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Қашқар, Озарбайжон каби ўндан ортиқ

давлатларни тўла ёки улар худудларининг катта қисмларини мўғулларга қарамлиқдан озод қилганигидан гувоҳлик беряпти. Шак-шубҳасиз, бу шу ҳалқлар олдидағи ўта катта хизмат ҳисобланади!



**Хоразм давлати харитаси 1-харита**

*Манба:* Хоразм Маъмун академияси маълумоти.

Мен буюк бобомизнинг 660 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бошланган 1995 йилдан бери у ҳақида тадқиқотлар ўтказяпман. Бу борадаги мақолаларим матбуотда, шу жумладан, хорижда ҳам эълон қилингапти. Тадқиқотларим жараёнида Темур шахси ва фаолиятини адабиёт ва оммавий ахборот воситаларида акс этдиришда турлича қарашлар борлигини кўряпман. Темуршуносларимиз Темурнинг ҳаёти, фаолияти, у босиб олган давлатлар сони, харитаси каби қатор саволларда турлича фикрлар билдиришяпти. Илмий нуқтаи назардан бу табиий, албатта. Лекин Темурдек буюк аждодимиз ҳақидаги маълумотларнинг бир тизимга келтирилмаганлиги баъзи ватандошларимизда эътиrozлар туғилишига сабаб бўляпти. Масалан, Интернетда бу борада ўзбек тилида хариталар жуда кам. Борлари ҳам битта санага турлича хариталар беришяпти. Темурнинг 4 та насабининг мазмунини тушунтиришда ҳам илмий ҳақиқат билан ривоятлар аралашиб кетган. Бу борада илмий далилдан ривоятлар устунлик қилиш ҳолатлари мавжуд. Қолаверса, қачондир кимдир бу

борада берган фикрлар сал шакли ўзгартирилган ҳолда китобдан китобга, мақоладан мақолага ўтиб келмоқда. Темурнинг саккизинчи аждоди Қачули баҳодир ва Чингизхоннинг учинчи аждоди Қабулхонлар ўртасидаги аҳднома ҳақида кўпчилик ёзди, лекин 1360 йили Туғлуқ Темурхон ва Темур ўртасида тузилган бошқа аҳднома борлигини нимагадир кам эсга олишади. Кўпчилик Чингизхон ва Темур уруғ оқсоқоллари бўлган шахсларнинг авлоди, улар ўз уруғларидан ҳукмдорлик даражасига чиққан биринчи одамлар дейди. Агар шундай бўлса, ҳали ҳукмдорлик ва тожу-тахт нималигини кўрмаган Қачули Баҳодир билан Қабулхонлар нега шундай аҳднома тузишган? Темур ва Чингизхоннинг аждодлари бир худудда яшаганми, нега мўгул Чингизхон аждодининг исми Қабулхон, деган саволлар ҳам пайдо бўлади. Хуллас, қачондир бу икки авлод ўртасида тузилган, деб ҳисобланадиган аҳднома ҳақида саволлар кўп. Мабодо бу масалаларни темуршунослар ўрганишган бўлса, бу ҳақида фақат ўзларининг ихтисослашган жур-

наллари ва тўпламларида ёзвермасдан, кенг ом-  
мавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилишса  
яхши бўларди. Кўриниб турибдик, темуршу-  
нослик фанида қиласидиган ишларимиз ҳали кўп  
экан, деган фаразлар туғилиши табиий...

Мазкур мақолада мен ишлатган рақамлар ва маълумотлар ҳам қайсиdir бир тарихчимизда бошқача бўлиши мумкин. Мен ўзим тўғри деб ҳисоблаган маълумотларни ишлатдим ва мақоламда уларнинг илмий манбаларини кўрсатдим. Лекин темуршунос олимларимизда бундан аниқ маълумотлар бўлса, уни мамнуният билан қабул қиласман. Чунки ҳақиқат ҳамма нарсадан устун! Яна бир гап. Темур мен баён этган хизматларнинг кичкина бир бўлгини қилган бўлганда ҳам “Буюк Темур” деб аталишга муносиб шахс бўлган! Шу боис Темур мен санаб ўтган “барча ишларни қилганми ёки уни қисман бажарганми”, деган саволлар ўринсиз, деб ҳисоблайман.

2. Темур ўз даврининг энг қудратли ва буюк салтанатларидан бирини барпо этди (**2-харитага қаранг**). Забардаст темуршунос олимлар Бўрибой Аҳмедов ва Абдулаҳад Муҳаммаджоновлар таъбири билан айтганда, мазкур салтанатга Осиё, Европа ва Африка қитъаларидан 27 та давлат кирган. Бу майдони, ахолисининг сони, иқтисодиёти ва ҳарбий қудратининг катталиги бўйича жаҳон тарихидаги энг катта империялардан бири эди! Унинг майдони 4 миллион квадрат километрни ташкил этган! Темур салтанатининг чегаралари Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс кўлтигига қадар фоят катта худудни камраб олган. Бундан ташқари, Темур давлатига Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимоли-гарбда Куйи Волга, Дон бўйлари; шимоли-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача; жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистон-гача бўлган мамлакатлар ҳам тобе бўлган [14].



## **Темур давлати харитаси 2-харита**

*Манба:* <http://www.myshared.ru/slide/1062351/>

3. Темур инсоният тарихидаги энг буюк саркар-далардан бири ҳисобланади. У ҳокимият эгаси бўлган 1370 йилдан то умрининг охиригача, яъни 35 йил

давомида Турун давлати қатнашган барча урушларни ютди. Наинки барча урушларни, балки шу урушлар ичида юз берган барча жангларда голиб чиқди.

Бу ҳақида яна темуршунос ёзувчи Мұхаммад Алига мурожаат қиласыз: “Милодий 1365 йилда Сирдарё бўйидаги Чиноз ёнида мўгуллар билан бўлган машхур “Лой жанг”да Амир Ҳусайн бошлиқ Турон чериги (Амир Темур лашкарбоши эди) мағлуб бўлди. Бу 29 ёшли Амир Темурнинг умрида биринчи ва сўнгти мағлубияти эди. ...Тахминан мингдан ортиқ жанг ўтказди, уларда зафар ҳамиша Соҳибқирон томонида бўлди [15].

Бундай ҳолат тарихда камдан-кам ҳукмдорга насиб қилган. Масалан, Чингизхон, Наполеон каби машхур саркардалар ҳам ўз ҳарбий фаолиятлари мобайнида анчагина жангларни ютқазишган. Чингизхон Жалолиддинга бир неча жангда мағлуб бўлган. Наполеонда ҳам улкан мағлубиятлар бўлганлиги кўпчиликка маълум.

4. Темурнинг жаҳоннинг кўп ҳукмдорларидан ажralиб турадиган яна бир улуғ сифати бўлган, яъни унинг салтанати фақатгина майдони ва ахолисининг сони катталиги билангина дунёнинг биринчи давлатига айланганий ўқ, балки бу худудда маданият, санъат, илм-фан, меъморчилик бекиёс даражада ривожлантирилди. Яъни Темур давлатида илм-фан, маданият, санъат, қурилиш ривожига улкан туртки берди. Салтанат пойтахти Самарқанд эса ўша даврнинг энг гўзал ва маҳобатли шаҳрига айлантирилди.

Темурнинг тарих олдидаги энг буюк хизматларидан бири шундаки, унинг ташаббуси ва раҳбарлигинда инсоният маданияти тарихидаги энг нодир ҳодисалардан бири бўлмиш “Шарқда 2-Ренессанс даври” бошланди. Яъни Темур Шарқда янги Ренессанс даврининг асосчиси бўлган. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат юритмизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Фиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Ҳондамир каби тарихчилар, Махмуд Музаххиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусавиirlар, кўплаб хаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди” [16]!

Темурийлар асос солган Буюк уйғониш даврининг таъсири инсоният маънавий оламида беш юз йилдан кўпроқ давр давом этди, улар қолдирган

буюк мерос эса жами инсониятнинг бебаҳо мулкига айланди.

5. Олтин Ўрдани тор-мор этиб, Россия ва бошка Шарқий Европа давлатларининг мўғуллар истибодидан озод бўлишига шароит яратди. Рус тарихчилариининг фикрларига кўра, “Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, фақат Марказий Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек, тарқоқ Русь князилкларининг бирлашиши учун ҳам буюк аҳамият касб этган” [17]. Яъни Темурнинг Олтин Ўрда давлатини қаттиқ мағлуб этиши унинг қайта ўзига кела ол маслигига сабаб бўлди. Соддароқ айтганда, бу ҳодиса Шарқий Европа давлатларининг мустақилликка эришишига асосий сабаб бўлди.

**6. Темур – Европа ҳалоскори!** Ўзи буни хоҳлагман ҳолда, Боязиднинг қайта-қайта даъватларидан кейин мажбурий равишида Темур у билан жангга киришга мажбур бўлди. Бобомизнинг бу урушда турк сultonни Боязидни енгиши, Европани Усмонли турклардан ҳалос этди. 1402 йили Анқара шаҳрига яқин жойда ўша кунги дунёнинг иккита энг қудратли армиялари ўртасида жанг бўлди. Бу жангда Темур жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири Боязид Йилдирим устидан тўла ғалаба қозонди. Темур бу ғалабаси билан Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг ҳалоскорига айланди. Негаки, сал олдинроқ Боязид Европа давлатларининг бирлашган қўшинини тор-мор этган ва бу қитъада унга қарши турга оладиган ҳарбий куч қолмаган эди. Шу боис Темурни “Европа ҳалоскори” деб атай бошлишди. Боязид устидан қозонилган бу ғалаба билан Амир Темурни Франция қироли Карл VI (1380–1422), Англия қироли Генрих IV (1399–1407) табриклаб, унга маҳсус мактуб юбордилар.

7. Буюк Темур давлатни ташкил этиш ва бошкаришнинг мутлақо янги сиёсатини яратди. Яъни Темур “Темур тузуклари” асарида ўз даврининг адолатли ва прогрессив давлат сиёсати назариясини ишлаб чиқди ва уни амалиётга жорий этди. “Темур тузуклари”да Темур давлатни бошқаришнинг моҳиятини қуидагича таърифлайди: “Давлат ишларининг 9 улуси кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуси эса қилич билан бажо келтирилишини англадим”. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсанай пештоқига “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани ҳам бежиз эмас, албатта.

Айрим тарихчиларнинг, “Темур давлатни бошқаришда Чингизхон таълимотидан фойдаланди”, деган фикрлари эса – ғирт уйдирма! Зоро, Чингизхон ва Темур давлат бошқарувида ўзлари мансуб бўлган диний тартиб-қоидаларга асосланишган, улар эса бир-биридан кескин фарқ қилган. Қолаверса, аждодлари шаҳар-қишлокларда яшаган Темур ва унинг амалдорларининг салоҳияти ҳамда давлатни бошқариш борасидаги билим ҳамда тажрибалири кўчманчилар авлодлари Чингизхон ва унинг вазирларига нисбатан бир неча калла баланд эди! Айрим тарихчилар мана шу оддий иккита ҳолатни кўпинча унтиб қўйишади. Қолаверса, Марказий Осиёда Чингизхон босқинига қадар ҳам улкан салтанатлар бўлган. Масалан, Турк хоқонлиги, Хоразм давлати ва ҳ.к.лар. Улар тажрибасидан фойдаланиш Темурга яқинроқ ва ҳалққа тушунарлироқ эканлиги маълум-ку!

**8. Темур – жаҳон замонавий солиқ сиёсатининг асосчилиридан бири!** Темур ҳокимият тепасига келганда 150 йил давомида Чингизхон ва унинг авлодлари бу юртда иқтисодиётни ўта оғир ахволга солиб қўйганлиги, улар яратган солиқ тизимининг аҳоли манфаатларига тўғри келмаётганини кўриб, “Темур тузуклари” асарида давлатининг иқтисодий асоси бўлмиш солиқ сиёсатининг исломий ақидаларга асосланганadolatli тизимини ишлаб чиқди ва уни улкан салтанатида амалиётга жорий этди. Бу иши билан у ҳақли равишда **жаҳон замонавий солиқ сиёсатининг асосчилиридан бирига айланди**.

Энди жаҳонда солиқ фанининг “оталари” ҳисобланмиш Вильям Петти, Адам Смит ва Давид Рикардолар фаолиятига бир бор назар ташлайлик. Темур вафоти ва “Темур тузуклари”дан энг камида 262 йил кейин “Солиқлар ва йиғимлар ҳакидаги рисола” ни ёзган Вильям Петти, 371 йил ўтиб “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” ини битган Адам Смит ва 412 йил кейин “Сиёсий иқтисод ва солиққа тортиш асослари”ни нашр этган Давид Рикардолар Темурнинг давлатчилик фаолияти ва унинг буюк асари билан таниш бўлганлар, деб ўйлашга етарли асосларимиз бор. Чунки буюк давлат арбобининг оламшумул аҳамиятга молик асари “Темур тузуклари” бу даврда Европа давлатларида маълум эди. Академик Бўрибой Аҳмедов гувоҳлик берганидек, “Тузуки Темурий 15-19-асрларда нафақат олийнасаб киши-

лар, балки бутун жаҳон илм аҳли ўртасида шухрат топди. Асарнинг қўлёзма шаклида ҳам, тошбосма тарзида ҳам жаҳоннинг деярли барча кутубхоналарида борлиги, шунингдек, кўп тилларга – инглиз, француз, рус, урду ва ҳозирги ўзбек тилларига узлуксиз таржима қилиб турилиши бунга исбот – далиллар” [18].

Мазкур олимларнинг жаҳон солиқ сиёсатининг назариясини яратган деб ҳисобланадиган юқорида номлари зикр этилган асарларида баён этилган энг муҳим хулоса ва фикрлар “Темур тузуклари”га жуда-жуда ҳам ўхшаб кетишилиги бу фикримнинг яна бир исботидир. Мазкур асарларни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, Буюк Темур вафотидан 300 – 400 йил ўтгандан кейин Петти, Смит ва Рикардолар “Темур тузуклари” даги асосий фикр-мулоҳазаларни ўз тилларида ва европача баён этиш услубида ёзиб чиқишиган.

**Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазаларимдан қиласидиган хулоsam шундай:** Темур – шубҳасиз, жаҳон тарихидаги энг буюк ва юксак маърифатли, тарихга улкан ҳисса қўшган, уни ўзгартира олган, Шарқ Ренессансининг асосчиси бўлган давлат раҳбари ва саркарда! “Амир”, “Соҳибқрон”, “Кўрагон” ва “Бек” сифатлари унинг инсоният олдидаги шахсий хизматларини тўлалигича эътироф эта олмайди. Тарих олдидаги у қилган хизматларнинг кичик бир бўллагини бажара олишган қатор давлат раҳбарлари, аввало, ўз ҳалқлари томонидан “Буюк Петр”, “Буюк Екатерина”, “Буюк Карл”, “Буюк Фридрих”, деб улуғланишган. Кейинчалик, бу эътирофни бутун дунё қабул қилган ва улар тарихда буюк шахслар сифатида қолишиди.

Эътибор беринг, тарих олдидаги улуғ ишлар қилган шахсларнинг улуғлигини аввало ўз ҳалқлари эътироф этишди ва бошқаларни шунга ўргатишиди. Биз ҳам улардан ибрат олиб, бугундан бошлаб Темурни “Буюк Темур” деб аташни бошлайлик! Бобомиз ҳакидаги юртимизда ёзилган асарларнинг кейинги нашрларида номига “буюк” сўзини қўшайлик, келгусида туғилажак асарлар номларини “Буюк Темур” деб атайлик! Суратга олишга тайёргарлик кўрилаётган янги фильмни ҳам “Буюк Темур” деб номлайлик.

**Ана шундагина ҳаётиниadolatli тамойилига асосланиб яшаган Буюк аждодимизнинг инсоният олдидаги хизматларини унинг авлодлари ҳамadolatli баҳолаган бўлардик!**

## Манба ва адабиётлар

1. Люсъен Керен. “Амир Темур салтанати”. Таржимон: Баҳодир Эрматов, Ўзбекистон НМИУ 2018, ISBN 978-9943-28-570-5

Михаил Иванин. “Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур: ҳарбий санъати, стратегия ва тақтиқаси”. Тошкент: Янги Аср Авлоди, 2019. ISBN 978-9943-20-345-7.

Эдгар Аллан По. “Буюк Темур”. Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. ISBN 978-9943-27-731-1

Юнус Ўгуз. “Амир Темур”. Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. ISBN: 978-9943-27-126-5

Кристофер Марло. “Тамерлан великий”. Государственное издательство художественной литературы, М., 1961.

Евгений Березиков. “Великий Тимур”. Ташкент. Уkituvchi, 1994.

Хильда Хукхэм. “Властитель семи созвездий”. Ташкент. Адолат, 1995.

Яков Нерсесов: Великий Тамерлан. "Сотрясатель Вселенной" Издательство: Эксмо, 2013. Adela C.Y. Lee. "Tamerlane (1336–1405) – The Last Great Nomad Power". Silkroad Foundation. Retrieved 22 May 2012.

Ahmed ibn Arabshah, Tamerlane: The Life of the Great Amir. Bloomsbury Academic, 2017, ISBN 1784531707, 9781784531706

Holden, Edward S. Tamerlane the Great [Volume 22, Issue 130, Oct 1893; pp. 380-390]

Marlowe, Christopher: Tamburlaine the Great. Ed. J. S. Cunningham. Manchester University Press, Manchester 1981.

Marozzi, Justin (2006). Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World. Da Capo Press. p. 342. ISBN 978-0-306-81465-5

Marozzi, Justin, "Tamerlane", in: *The Art of War: great commanders of the ancient and medieval world*, Andrew Roberts (editor), London: Quercus Military History, 2008. ISBN 978-1-84724-259-4

2. Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов. “Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)”. Zyouz.uz электрон сайти. 2017 йил 4 апрель.

3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.И. А – Д / Таҳрир ҳайъати: Т. Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзРФА Тил ва адабиёти инти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашириёти, 2006. – 72-бет.

4. Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов. “Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)”. Zyouz.uz электрон сайти. 2017 йил 4 апрель.

5. Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А. Согуний ва Ҳ. Кароматов тарж. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 111 – 112-бетлар.

6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.Ш. Н – Тағтибли / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзРФА Тил ва адабиёти инти. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашириёти, 2006. – 564-565 – бетлар.

7. Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов. “Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)”. Zyouz.uz электрон сайти. 2017 йил 4 апрель.

8. “Амир Темур солномаси”. Муҳаммад Али. “Темур тузуклари”.

© 2016-2020 – www.temurtuzuklari.uz

9. Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А. Согуний ва Ҳ. Кароматов тарж. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 21-бет.

10. Ўша жойда. 21-бет.

11. Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А. Согуний ва Ҳ. Кароматов тарж. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 20-бет.

12. Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А. Согуний ва Ҳ. Кароматов тарж. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – 21-бет.

13. “Амир Темур солномаси”. Муҳаммад Али. “Темур тузуклари”.

© 2016-2020 – www.temurtuzuklari.uz

14. Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов. “Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)”. Zyouz.uz электрон сайти. 2017 йил 4 апрель.

15. «Амир Темур солномаси». Муҳаммад Али. “Темур тузуклари”.

© 2016-2020 – www.temurtuzuklari.uz

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 1 октябрда бўлиб ўтган Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишинланган тантанали маросимдаги нутқи. <http://iza.uz/posts/3452>.

17. Бўрибой Аҳмедов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов. “Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405)”. Zyouz.uz электрон сайти. 2017 йил 4 апрель.

18. “Темур тузуклари” / Форсчадан А. Согуний ва Ҳ. Кароматов тарж., Б.Аҳмедов . таҳр. остида, - Т. F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. 4-5- бетлар.

Одил ОЛИМЖОНОВ,  
иктисод фанлари доктори, профессор

# 2018 год

## Лауреаты Нобелевской премии по экономике

Американцы Уильям Нордхаус и Пол Ромер получили Нобелевскую премию 2018 года по экономике за исследования, учитывающие климатические изменения и технологические инновации при макроэкономическом анализе.



Уильям Нордхаус

31 Май 1941

США



Пол Ромер

7 Ноябрь 1955

США

Де-факто работы лауреатов ориентированы на поиск ответа на вопрос, как инвестиции в технологии отзываются на экономическом росте и как следует учитывать при его оценке климатические процессы, которые этот технологический прогресс вызывает.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи  
“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш  
түғрисида”ги ПҚ-4653-сон қарорига биноан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар  
институти тузилмасига ўзгартириш киритилди**

**ИНСТИТУТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА  
ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЭТИБ ҚУЙИДАГИЛАР  
БЕЛГИЛАНГАН:**



стратегик режалаштириш, макроиқтисодий ва ташкил иқтисодий фаолият индикаторларни яқин, ўрта ва узоқ муддатда прогнозлаштиришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш;



иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, унинг самарадорлигини баҳолаш, ўрта ва узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш услублари бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;



иқтисодиётнинг реал (саноат тармоқлари, агросаноат комплекси, инфратузилма ва логистика) секторидаги холатни ва таркибий ўзгаришларни баҳолашнинг замонавий индикаторларини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш;



асосий ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантириш, инсон капиталини яхшилашга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиша қатнашиш;



камбағалликни қисқартириш ва уни мониторинг қилиш борасида аҳоли турмуш даражасини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришнинг замонавий услубларини амалиётга тадбиқ қилишда иштирок этиш;



худудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда уларнинг нисбий устунликларини аниқлаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, худудлараро табақалашувни камайтириш, урбанизацияни фаоллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

**ИНСТИТУТГА ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАР  
БЕРИЛГАН:**



давлат ва бошқарув органлари мутахассисларини илмий-тадқиқот муассасалари ходимларини, олий ўқув юртлари, шу жумладан ҳалқаро ва хориж ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчиларини шартнома асосида, эксперт сифатида тадқиқотларга жалб этиш;



ҳалқаро ва амалий ҳамкорликни амалга ошириш, олим ва мутахассисларни хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юбориш, хорижлик олимлар, ҳалқаро жамоат, молия ва иқтисодиёт ташкилотлари вакилларини, хорижий фирмалар, банклар ва компанияларни таклиф қилиш ва қабул уюстириш;



иқтисодий йўналишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолиятини юритиш;



белгиланган тартибда ноширлик ва полиграфия фаолиятини амалга ошириш, даврий нашрлар таъсис этиш;

**ИНСТИТУТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ:**



макроиқтисодиёт, минтақавий иқтисодиёт ва саноат иқтисодиёти ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш;



Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган «Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар» журнали;



Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ўрганиш илмий маркази.



**IQTISODIYOT:  
TAHLILLAR VA PROGNOZLAR**

100000, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30.  
Тел.: (+998 71) 244-01-77. E-mail: info@ifmr.uz